Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Тошкент Молия институти
«Информацион технологиялар» кафедраси

БЭМ - «Бухгалтерга электрон мадад» дастурини ўрганиш бўйича услубий қўлланма

Тошкент - 2011

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
йилига бағишланади

Р.Х. Аюпов, G.R. Болтабоева, Х.Р. Аюпов.. «БЭМ – Бухгалтерга электрон мадад дастурини ўрганиш бўйича услубий қўлланма »/ Т.: ТМИ, 2011. - 445 бет

«*БЭМ – Бухгалтерга электрон мадад дастурини ўрганиш бўйича услубий қўлланма*» деб номланган ушбу услубий қўлланма компьютерда бухгалтерия ҳисобини юритиш сирларини ўрганишга ахд қилган талабалар, бухгалтерлар ва барча соҳалар мутаҳассислари учун мўлжалланган бўлиб, унинг воситасида **БЭМ** – «***Бухгалтерга электрон мадад***» дастурий маҳсулоти бўйича амалий кўникмаларни хамда унда самарали ишлаш бўйича керакли бўлган назарий билимларни етарли даражада эгаллаш мумкин. Унда бир қанча амалий маълумотлар, кўрсатмалар ва маслаҳатлар бериладики, уларнинг ёрдамида бу қизиқарли хамда замонавий дастурни янада яқинроқ билиб олиш, унинг қулай ва фойдали имкониятларидан фойдаланиш хамда бухгалтерия юмушларини компьютерлар ёрдамида юритишни малакали равишда ўзлаштириб олиш мумкин.

Услубий қўлланма амалиётда банд бўлган бухгалтерлар, талабалар, индивидуал шахслар, тадбиркорлар ва барча тоифадаги мутаҳассисларнинг **БЭМ** – «***Бухгалтерга электрон мадад***» дастурини мисоллар воситасида мустақил равишда ўрганишлари учун мўлжалланган.

Илмий маслаҳатчи:

Болибеков Бахтиёр Очилович **-** ТМИ «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди.

Тақризчилар:

Кенжабоев Омон Тулибаевич – ТМИ «Информацион технологиялар» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори.

Мусаев Абдурауф Набиевич – ТМИ «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Хасанов Баҳодир Акромович – ТДИУ «Аудит» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Масъул муҳаррир:

Каримов Акром Аббосович – ТМИ ўқув ишлари бўйича ректор муовини, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ўқув-услубий қўлланма Тошкент Молия институти «Информацион технологиялар» кафедрасининг 2011 йил 25 февралдаги мажлисида ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасининг 2011 йил 31 январдаги мажлисларида муҳокама қилинган ва ҳисоб-иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар учун бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш дастурларини ўрганишда ёрдамчи ўқув-услубий қўлланма сифатида чоп этишга тавсия этилган.

Тошкент Молия институти илмий-услубий Кенгашининг 2011 йил 29 мартдаги 3-сонли қарорида ушбу ўқув-услубий қўлланма иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар ва илмий-амалий ходимлар учун тавсия қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Мундарижа

Кириш 9

1-БОБ. Бухгалтерияда автоматлаштирилган ахборот технологияларининг қўлланилиши

1.1. Корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг умумий таърифи 11

1.2. Бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган ахборот технологиялари 28

1.3. БЭМ дастурий маҳсулоти хақида тушунча 32

2-БОБ. БЭМ дастурини ишга тушириш ва унинг асосий объектлари

2.1. Дастурни ишга тушириш 37

2.2. Монополь режим 40

2.3. Маълумотлар базасини танлаш дарчасида ишлаш 42

2.4. Дастурда фойдаланиладиган асосий атамалар хамда унда ишлатилган мантиқий ахборот объектлари 43

3-БОБ. БЭМ дастури панеллари билан танишув

3.1. Бош ёки асосий меню имкониятлари 44

3.2. Маълумотномалар 46

3.3. Тизимдаги шартли ва доимий ахборотлар 48

3.4. ***Файл*** менюси 50

3.5. ***Операции – Муомалалар*** менюси 51

3.6. ***Хизмат – Сервис*** менюси 53

3.7. ***Ойналар – Окна*** менюси 54

3.8. ***Ёрдам – Помощь*** менюси 55

3.9. Дастур панеллари билан ишлаш 56

3.10. Тугмачалар тавсифи 59

3.11. Маълумотномалар билан ишлаш 61

4-БОБ. Константалар

4.1. Константалар (ўзгармас қийматлар) ни киритиш 82

4.2. Фаолият турлари маълумотномаси 83

4.3. Ташкилот маълумотномаси 85

5-БОБ. Хужжатлар билан ишлаш

5.1. Счетлар бўйича қолдиқ (сальдо) ларни киритиш . 94

5.2. Счетлар бўйича қолдиқларни киритиш хужжати . 103

5.3. Таъминотчилар ва буюртмачилар бўйича қолдиқларни киритиш хужжати 105

5.4. Солиқ ва ажратмалар бўйича қолдиқларни киритиш 111

5.5. Асосий воситалар бўйича қолдиқларни киритиш 113

5.6. Номоддий активлар бўйича қолдиқларни киритиш 115

5.7. Товар-моддий заҳиралар бўйича қолдиқларни киритиш116

6-БОБ. Касса билан ишлаш

6.1. Касса операциялари хужжатлари 127

6.2. Терминал бўйича тўлов 135

6.3. Кирим касса ордери 137

6.4. Тўлов ведомости 138

7-БОБ. Банк операциялари

7.1. Банк билан ишлаш 140

7.2. Хўжалик муомалалари хужжати 145

7.3. Банк ҳисоб рақамидан кўчирма 151

7.4. Тўлов топшириқномаси 152

8-БОБ. Узоқ муддатли активлар ҳисобини юритиш (АВ, НМА)

8.1. Узоқ муддатли активлар билан операциялар 153

8.2. Узоқ муддатли активлар ҳисоби хужжати 184
8.3. АВ ва НМА ни қайта баҳолаш хужжати 186
8.4. АВ ва НМА амортизацияси хужжати 187
8.5. АВ ва НМА ҳисобдан чиқарилиши 189

9-БОБ. Ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш

9.1. Ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш хужжатлари тавсифи 190
9.2. ТМЗ кирими хужжати 193
9.3. Маҳсулот учун сарф нормаси хужжати..... 196
9.4 Ишлаб чиқариш талабномаси хужжати 198
9.5. Режали баҳоларни аниқлаш хужжати 203
9.6. Маҳсулотни омборга топшириш хужжати..... 204

10-БОБ. Хизмат кўрсатиш

10.1. Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоби 205
10.2. Счет-фактура 209
10.3. Ташқи ташкилотлар хизмати хужжати 210

11-БОБ. Товар-моддий заҳиралар ҳисобини юритиш

11.1. ТМЗ хисоби билан боғлиқ хужжатлар билан ишлаш 213
11.2. Товар-моддий заҳираларни кирим қилиш юкхати 214
11.3. Товар-моддий заҳираларнинг кўчирилиши 220
11.4. ТМЗ нинг ҳисобдан чиқарилиши..... 232
11.5 ТМЗ хисобининг бошқа хужжатлари 233

12-БОБ. Кадрлар бўлими ишини юритиш

12.1. Кадрлар бўлими ишининг ташкил қилиниши 245
12.2. Ходимлар маълумотномаси 251

12.3. Мансаблар маълумотномаси 253
12.4. Штатлар руйҳати маълумотлар регистри 254
12.5. Ишга қабул қилиш хужжати 255
12.6. Ходимлар маълумотлари регистри 256

13-БОБ. Иш хақини ҳисоблаш

13.1. Иш хақини ҳисоблаш модулининг имкониятлари 257
13.2. Хисоб-китоб турлари маълумотномаси 274
13.3. Касаллик варақаси хужжати 276
13.4. Табель хужжати 277
13.5. Иш хақини ҳисоблаш хужжати 280
13.6. Пластик карточкалар бўйича тўлов 282

14-БОБ. Ишлаб чиқариш (Давоми)

14.1. Билвосита харажатларнинг тақсимланиши хужжати 285
14.2. Таннархни ҳисоблаш хужжати 287
14.3. Накладной счет-фактура хужжати 288

15-БОБ. Савдо операциялари. Товар-моддий заҳиралар ҳисоби.

15.1. Савдо операциялари ҳисобини юритиш 291
15.2. Талабнома хужжати 293
15.3. ТМЗ келиши накладнойи хужжати 294
15.4. ТМЗ харакати хужжати 295
15.5. Накладной счет-фактура хужжати 296
15.6. Кирим касса ордери хужжати 302
15.7. Чиқим касса ордери хужжати 303
15.8. Банк ҳисоб рақамидан кўчирма хужжати 304

16-БОБ. Регламент

16.1. БЭМ нинг регламент имкониятлари 305
16.2. Счетлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб хужжати 312
16.3. Валютани қайта ҳисоблаш хужжати 313
16.4. Ойни ёпиш хужжати 1 314
16.5. Солиқлар ҳисоби хужжати 316
16.6. Ойни ёпиш хужжати 2 318
17-БОБ. Маълумотлар регистри 320
18-БОБ. Ҳисоботлар
18.1. Стандарт ҳисоботлар 328
18.2. Регламент ҳисоботлар 334
Иловалар
1. **БЭМ** дастурида ишлаш билан боғлиқ асосий атамалар маъноси 336
2. **БЭМ** дастури воситасида фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш 342
3. Бухгалтерияни автоматлаштириш дастурларини ўрганиш ўқув марказлари 344
Фойдаланилган адабиётлар руйҳати 345

К И Р И Ш

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида турли хил мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка эришиш йўлидаги фаолиятлари бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатлари тенглиги асосида истеъмол бозорининг аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва шу орқали уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш хамда фаровонлигини оширишни назарда тутади. Бундай улкан вазифаларни амалга оширишда мулк шаклидан қатъий назар, барча хўжалик субъектларининг информацион-коммуникацион технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса мамлакатимиз президенти И. Каримовнинг «*Мен кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилишни таклиф этаман . . . Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланиши ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз*» деб, бу йўналишга давлатнинг асосий устувор вазифаси сифатида эътибор бериши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу вазифани амалга оширишда тадбиркорлик ва бизнесда янги замонавий дастурий воситалар хамда автоматлаштирилган тизимларни кенг миқёсда қўллаш ва уларни ҳисоб сиёсати орқали барча жабҳаларга тадбиқ этиш иқтисодий самарани анча оширишга имкон беради. Шунинг учун ҳам ушбу услубий қўлланма хозирги пайтда кенг тарқалаётган **БЭМ** – «*Бухгалтерга электрон мадад*»

бухгалтерия дастури имкониятларини ўрганиш ва уни амалий фаолиятда ишлатиш учун керакли бўлган барча маълумотларни ўз ичига қамраб олган.

Диққатингизга хавола этилган қўлланма анъанавий бухгалтерия хисобини «*Бухгалтерга электрон мадад*» - **БЭМ** дастури ёрдамида амалга ошириш жараёнини етарли даражада ўзлаштириб олишга имкон беради. Бунда хар кунлик иш - бухгалтерияда юритиладиган бошланғич хужжатлардан бошлаб, то хисобот даври охирида хосил қилинадиган электрон кўринишдаги хужжатларгача бўлган босқичдаги ишлар қандай автоматлаштирилиши мумкинлиги кўрсатиб берилади. Ушбу қўлланма БЭМ дан фойдаланган холда эндигина ўз хисобчилик фаолиятини бошлаган бухгалтерлардан бошлаб, тажрибали, компьютерда ишлаш имконияти ва билимига эга бўлган бухгалтерлар учун мўлжалланган. Унинг ёрдамида бухгалтер хисобнинг журнал-ордер тизимидан компьютерда амалга оширилган хисоб тизимига бемалол ўта олади. Аммо ушбу дастурни ўзлаштирмоқчи бўлган инсон бухгалтерия бўйича асосий атама, тушунча ва тамоилларни тушуниши, бухгалтерия хисоблари режасини хамда уларнинг корреспонденциясини билиши керак. Албатта унинг компьютерда ишлашнинг асосий усул ва қоидаларини билиши ҳам талаб қилинади. Маълумотнинг берилиш даражаси ва савияси унинг «***Бухгалтерия хисоби, таҳлил ва аудит***» ва «***Солиқ ва солиққа тортиш***» мутаҳассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун **БЭМ** дастури бўйича бошланғич услубий қўлланма сифатида ишлатишга имкон беради.

Услубий қўлланма муаллифлар томонидан содда, тушунарли тилда ёзилган бўлиб, у талабалар, магистрлар, профессор-ўқитувчилар, амалиётчилар ва дастурни ишлатишга қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

1-БОБ. Бухгалтерияда автоматлаштирилган ахборот технологияларининг қўлланилиши

1.1. Корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг умумий таърифи

Бухгалтерия ишини юритишнинг ушбу услубий қўлланмада баён қилинган **БЭМ** – «*Бухгалтерга электрон мадад*» дастури ишини яхши тушуниш ва ундан иш жараёнида унумли фойдаланиш учун бухгалтерия ҳисоби асосларини минимал даражада тушуниб олиш керак бўлади. Ушбу бўлимда бухгалтерия ҳисобининг асосий тушунчалари, усуллари, сиёсати, бу фаолият турида қабул қилинган атамалари ва қонун-қоидалари дастурда малакали ишлай олиш нуқтаи-назаридан қисқача тушунтирилади.

Бухгалтерия ҳисоби мулк шаклидан қатъий назар, барча хўжалик субъектларида юритилади ва асосий фаолиятни юритишдаги холатларни кузатиб боради хамда назорат қилади. Корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг мақсади - фойдаланувчиларни ўз вақтида, тўлиқ хамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида (*счетларда*) активларнинг холати ва харакати, мулкий хуқуқлар ва

мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

- ❖ Самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- ❖ Молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Давлат хокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида руйҳатга олинган хуқуқий шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари, уларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир. Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, заҳиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг харакати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисобварақларда (*счетларда*) акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъектлари, яъни, корхона ёки ташкилотлар томонидан мустақил равишда белгиланади. Корхона ҳисоб сиёсатини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1-сон Бухгалтерия Ҳисоботи Миллий Стандартлари «*Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот*»да баён қилинган. Бу стандарт Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан руйҳатдан ўтказилган. Ҳисоб сиёсати ташкилот бощ бухгалтери томонидан ишлаб чиқилади ва жорий йил охирида келгуси йил учун раҳбарнинг буйруғи билан тасдиқланади. Бухгалтерия ҳисоби барча корхоналар учун умумий меъёрий хужжатлар билан тартибга

солинишига қарамай, уларнинг ҳар бирида турли мақсадлар ва вазифалар бўлиши мумкин. Бир корхонани бошқариш учун мақбул бўлган фойдали тавсиялар бошқаси учун фойдасиз бўлиши мумкин. Шу сабабли, ҳар бир ташкилот ўз ҳисоб сиёсатини мустақил равишда ишлаб чиқиши керак. Ҳисоб сиёсатининг хар бир алоҳида унсури бўйича мувофиқ равишда қарор қабул қилинадиган меъёрни кўрсатиш керак. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги қонунларнинг меъёрларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: бир вариантли ва кўп вариантли меъёрлар. Бир вариантли меъёрлар аниқ операцияларни ҳисобга олишнинг бир хил тартибини белгилайди ва у ҳамма учун мажбурийдир. Масалан, корхона хорижий валютани корхона ҳисобига ўтказиш чоғида уни операция акс эттирилган вақтдаги валютанинг Марказий банк белгилаган курси бўйича сўмга айлантириб ҳисоблаши керак. Бошқача вариантлар бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли, ҳамма учун мажбурий бўлган жиҳатларни ҳисоб сиёсатига киритмаслик керак. Агар қонун бухгалтерия ҳисобини юритишнинг бир қанча усулига йўл қўйса, ҳисоб сиёсатида уларнинг биригина акс эттирилади. Масалан, бухгалтерия ҳисобида амортизацияни ҳисоблашда уч усулнинг биридан фойдаланиш мумкин. Бухгалтер шу уч усулдан бирини танлаши ва уни шакллантирилаётган ҳисоб сиёсатида қайд этиши лозим. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш чоғида танланган ва унда қайд этилган бухгалтерия усулини юритиш усули тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжат эълон қилинган йилдан кейин 1 январдан бошлаб, бутун ҳисобот йили давомида қўлланилади. Ташкилотнинг бухгалтерия усуллари руйҳати келтирилган ҳисоб

сиёсати амалий ишда бошқарув мақсадлари учун бухгалтерия ишлари тўғрилигини тасдиқлайдиган хужжат сифатида фойдаланилади ва солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги низоли масалаларни ҳал қилишда ҳар қандай текширувнинг биринчи босқичида ўрганиладиган (*аудит, солиқ органлари ёки прокуратура томонидан текшириш ва хакозолар*) асосий хужжатлардан биридир. Ҳисоб сиёсати таркибига асосан қуйидагилар киради:

- Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси;
- Хўжалик операцияларини счетлар иш режасида акс эттириш тартиби;
- Ички ҳисобот хужжатларининг шакллари;
- Хужжатларни визалаш тизими ва хужжатлар айланмаси жадвали;
- Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш усуллари;
- Активлар ва мажбуриятларни инвентаризациялаш тартиби.

Ҳисоб сиёсатида бошқа унсурлар ҳам назарда тутилиши мумкин, лекин юқорида санаб ўтилган унсурлар бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва ҳисобот тузиш учун мажбурийдир. Қўлланиладиган солиққа тортиш тизимини ҳам ҳисоб сиёсатида акс эттириш зарур. Ҳисоб сиёсатида мол-мулк ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби ҳамда муддатлари кўрсатилиши лозим. Инвентаризация 19-сон Бухгалтерия Ҳисоботи Миллий Стандартлари «*Инвентаризация ташкил қилиш ва ўтказиш*» га мувофиқ амалга оширилади. Ички ҳисобот таркиби ва шаклини

корхонанинг ўзи танлаши, хужжат айланмаси жадвалини тузиб, унда моддий ҳисоботлар ва бошқа хужжатларни бухгалтерияга топшириш муддатларини белгилаб қўйиши лозим. Бу жадвал ҳисоб сиёсатидан кўчирма сифатида бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланадиган ҳар бир ходимда бўлиши зарур. Ички хўжалик назорати тизимида товар-моддий бойликларни қабул қилиш ва топшириш тартибини назарда тутиш, мол-мулкнинг айрим турларини тасарруф қилиш хуқуқи берилган шахслар доирасини ва ҳисоб хужжатларига имзо чекиш хуқуқига эга бўлган шахслар руйҳатини келтириш жуда муҳимдир. Қабул қилинган ҳисоб сиёсати йилма-йил изчил равишда қўлланилиши лозим. Шу сабабли, ташкилотнинг ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш тўғрисида хар йили буйруқ чиқариш шарт эмас. Унга зарурат туғилишига қараб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш етарли бўлади. Ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам раҳбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан 31 декабргача расмийлаштирилади ва фақат янги ҳисобот йилидан бошлаб жорий этилади. Шу тариқа ҳисоб сиёсати бутун йил давомида ўзгармайди. Бироқ, айрим холларда, ташкилот ҳисоб сиёсатига шошилинч равишда ўзгартиришлар киритиш зарур бўладиган вазиятга дуч келиниши мумкин. Шунинг учун фақатгина қуйидаги холатларда тақвимий йил мобайнида ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилади:

- Субъект қайта ташкил этилганида;
- Қонунлар ўзгарганида;
- Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизими ўзгарганида.

Ҳисоб юритиш тартибини белгилаб берувчи таркибий қисм сифатида бухгалтерия ҳисоби усули элементлари қуйидагилардан иборат:

- Хужжатлаштириш;
- Инвентаризация;
- Баҳолаш;
- Калькуляция;
- Бухгалтерия ҳисоблари счетлари;
- Иккиёқлама ёзув;
- Бухгалтерия баланси;
- Ҳисобот.

Қуйида уларнинг хар бирига қисқача тушунтиришлар бериб кетамиз:

Хужжатлаштириш – бухгалтерия ҳисобининг объектлари устидан ёппасига ва узлуксиз кузатишни амалга ошириш имконини берадиган дастлабки акс эттириш усулидир. Хужжатлаштириш учун хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб хужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади. Бошланғич ҳисоб хужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга оширилиб бўлингандан сўнг тузилади. Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич хужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб хужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат:

- ❖ Корхонанинг номи;
- ❖ Хужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- ❖ Хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (*натура холда ва пулда ифодаланган холда*);
- ❖ Масъул ходимларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб хужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига масъулдирлар. Бошланғич ҳисоб хужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Худди шундай, банк ва касса-пул хужжатларида ҳам тузатишлар хамда ўчириб ёзишларга асло йўл қўйилмайди. Хужжатлаштириш ёрдамида содир бўлаётган хўжалик муомалалари хақида батафсил маълумотлар олинади. Бу маълумотлар уларни кейинчалик иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш ва умумлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий талабларга қатъий риоя қилган холда хужжатлардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига исботловчи куч бағишлайди. Бирламчи хужжатлар, шу жумладан, ахборотнинг машина ўқийдиган маълумот ташувчиларида ифодаланган хужжатлар бухгалтерия ҳисобида хўжалик фаолиятини ялпи ва узлуксиз акс эттиришни таъминлаб беради. Фақат тўғри расмийлаштирилган, яъни белгиланган техник андозаларда назарда тутилган барча

реквизитлари тўлдирилган электрон хужжатларгина ҳисобга қабул қилинади.

Инвентаризация – бухгалтерия ҳисоби элементларидан бири бўлиб, моддий бойликлар, пул маблағлари ва молиявий мажбуриятларни натурада текшириш орқали уларнинг корхона ёки ташкилотлардаги ҳақиқий холатини аниқлаш имконини беради. Лекин хўжалик жараёнида бўлиб ўтаётган барча ходисаларни ҳам хужжатлаштириш ёрдамида қайд қилиб бўлавермайди. Жумладан, табиий йўқолиш, маблағларни қабул қилиш ва топшириш пайтидаги ноаниқликлар, ҳисобдаги хатолар ва қолаверса, ўғирликлар тегишли моддий бойликларнинг хақиқий миқдорини дастлабки ахборот ташувчилар ва ҳамда ҳисобда акс эттирилганларидан фарқ қилишига олиб келади. Бундай ҳодисаларни расмийлаштириш, улар содир бўлаётганда эмас, балки маълум бўлгандагина мумкин бўлади. Дастлабки ахборот ташувчилар томонидан қайд қилинмай қолган ходисалар, хужжатлаштиришга зарурий қўшимчалар, яъни, қайта руйҳатга олиш (*инвентаризация*) ёрдамида аниқланади. Унинг маълумотлари юқорида келтирилган у ёки бошқа сабабларга кўра, ўз вақтида ҳисобга олинмай қолган ҳисоб кўрсатгичларини хақиқатдаги холатга мувофиқлаштириш учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳам инвентарлаш ёрдамида моддий бойликлар ва пул маблағларининг бутунлиги назорат қилинади, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўлиқ ва ишончли бўлиши текширилади. Шундай қилиб, хужжатлаштириш ва инвентаризация бухгалтерия ҳисобининг объектларини дастлабки кузатишни

амалга ошириш учун қўлланилади. Улардан фойдаланиш корхона ва ташкилотларда мулкнинг бут сақланишини назорат қилиш имконини беради. Хужжатлаштириш ва инвентаризациянинг маълумотлари моддий жавобгар шахсларнинг ҳатти-харакатлари, амалга оширилаётган муомалаларнинг қонунийлиги, маблағларнинг тўғри сақланиши, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ва шу кабилар устидан кузатиш имконини яратади.

Баҳолаш – шундай усулки, унинг ёрдамида хўжалик воситалари қийматини пул ифодасида белгилаш мумкин. Хўжалик муомалалари ва маблағларнинг жуда кўп турлари бўлиши мумкин. Лекин бухгалтерия ҳисоби улар хақида йиғма (*умумлаштирилган*) кўрсатгичлар бериши керак. Бу йиғиладиган маълумотлар пул ўлчагичларида ифодаланади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисобида баҳолаш усули қўлланилади. Баҳолаш ёрдамида натура ёки меҳнат кўрсатгичларини пул кўрсатгичларига айлантирадилар. Оборот активларни баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича – баланс тузилаётган санадаги хақиқий таннархи бўйича (*сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи*) ёки бозор баҳоси бўйича (*соф сотиш қиймати*) амалга оширилади. Асосий маблағлар ва номоддий активлар уларнинг тўлиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади. Асосий маблағлар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш, уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунча ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган эскиришини (*амортизацияни*) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан

кейинги ойдан бошланади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди. Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади. Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади. Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади. Потенциал мажбуриятлар дастлабки хақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта – сўмда юритилади. Корхона ва ташкилотларда хўжалик жараёнини бошқариш учун уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча чиқимларни ҳисоблаб чиқиш, хар бир жараёнда ишлатилган ҳам жонли, ҳам моддийлаштирилган меҳнатни ҳисоблаб чиқиш керак бўлади. Бунда хар бир чиқим туринг миқдорингина эмас, балки аниқ бўлган, уларнинг объектига тегишли бўлган умумий суммасини топиш, яъни, ҳисобга олинаётган маҳсулотларнинг таннархини аниқлаб топиш лозим бўлади. Маҳсулот таннархи – ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори устидан назорат қилиш учун қўлланиладиган калькуляция ёрдамида ҳисоблаб топилади. У объектларнинг хақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Калькуляциялаш – маҳсулотнинг бир бирлигига маҳсулот, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш пайтида қилинган харажатларни ялпи ҳисоблаш орқали ҳисоб объектининг таннархини белгилаш усулидир. Шундай қилиб, калькуляция бухгалтерия ҳисоби объектларини қийматли ўлчаш учун хизмат қилади. Уларнинг қўлланилиши ҳисоб-китобни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эгадир. Харажатлар билан натижаларни солиштиришга хақиқий таннарх калкуляцияси

маълумотларига асосланадиган пулдаги ифодалаш йўли билан эришилади.

Бухгалтерия ҳисобида счетлар тизими – ҳисоб объектларини уларнинг иқтисодий белгиларига қараб гуруҳлантиришга асосланган. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари таркибидаги ва функцияларидаги фарқланишлар уларнинг устидан алоҳида гуруҳлар бўйича, масалан, меҳнат воситалари, буюмлари, пул маблағлари ва хоказоларни кузатиш зарурлигини тақозо этади. Ундан ташқари, ушбу гуруҳларнинг ичида маблағларнинг алоҳида турлари ва уларнинг жойлашган жойлари бўйича ташкил қилиш керак бўлади. Демак, ҳисоб билан алоҳида ажратилган хар бир меҳнат воситасининг тури - бинолар, машиналар, асбоб-ускуналар, меҳнат буюмлари – асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, ярим тайёр маҳсулот ва бошқалар, пул маблағлари, уларнинг жойлашган жойлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта ва банкдаги бошқа счетлар қамраб олинган бўлиши керак. Шу билан бирга бундай гуруҳлаш кўпинча етарли деб ҳисобланмайди. Масалан, меҳнат буюмларининг хар ҳил турлари, айтайлик, асосий материаллар устидан кузатиш уларнинг хар бир тури, нави, катта-кичиклиги ва хакозолар тўғрисида маълумотлар олишни талаб қилади. Шунга ўхшаш гуруҳлаш бухгалтерия ҳисобида маблағлар манбаълари хамда хўжалик жараёнлари бўйича ҳам амалга оширилади. Хўжалик манбаълари ва хўжалик муомалаларини акс эттиришда, уларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни олишда, бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий жиҳатдан гуруҳлашда счетлардан фойдаланилади. Ахборотнинг дастлабки

ташувчилардаги маълумотлар ҳисоб объектларига фақат тарқоқ бўлган кўринишдаги тавсифни беради. Шу сабабли, счетларга эҳтиёж туғилади. Бу маълумотларни умумлаштирган холда гуруҳлаш, жамлаш ва суммалаштириш лозим бўлади. Бундай муҳим амаллар хамда функцияларни бухгалтерия ҳисобида счетлар бажаради.

Бухгалтерия счети – корхона ва ташкилотларда иқтисодий ресурсларниг ҳолати ва харакати ҳақидаги бухгалтерия ахборотини қайд этиш ва сақлаш услуби хамда уларга бўлган талаблардир.

Счетлар қуйидаги бир неча турларга бўлинади:

- ***Доимий счетлар*** – бу ҳисобот даври охирига сальдога эга бўлиб, бўлиб, бухгалтерия балансида акс эттириладиган активлар, мажбуриятлар, сармоялар счетларидир. Доимий счетлар актив, пассив, контр-актив ва контр-пассивларга бўлинади.
- ***Атив счетлар (А)*** – бу активларни акс эттиришга мўлжалланган счет бўлиб, унда иқтисодий ресурсларнинг қолдиғи ва кўпайиши счетнинг дебетида, камайиш эса кредит бўйича акс эттирилади.
- ***Пассив счетлар (П)*** – бу мажбурият ва сармояни акс эттиришга мўлжалланган счет бўлиб, унда мажбурият ва сармоянинг қолдиғи хамда кўпайиш счетнинг кредити бўйича, камайиш эса счетнинг дебети бўйича акс эттирилади.
- ***Контр-актив счетлар (КА)*** – бу ва у билан боғлиқ бўлган актив счетнинг сальдосидан чегириладиган ва молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини акс эттирувчи счетдир.

➢ ***Контр-пассив счет (КП)*** - бу ва у билан боғлиқ бўлган пассив счетнинг сальдосидан чегириладиган ва молиявий ҳисоботда мажбурият ёки сармоянинг соф қийматини акс эттирувчи счетдир.

➢ ***Транзит счетлар (Т)*** – бу ҳисобот даврида фойдаланиладиган, лекин ёпиладиган, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган ҳисобот даври охирига қолдиққа эга бўлмайдиган даромадлар ва харажатларнинг вақтинчалик счетларидир.

➢ ***Балансдан ташқари счетлар (БТ ёки З)*** - бу ташкилотга қарашли бўлмаган, лекин вақтинчалик унинг тасарруфида бўлган, активларни бори ва харакати, шартли хуқуқлар ва мажбуриятлар хақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган счетлардир. Бу счетлар бошқа счетлар билан ўзаро боғланмайди ва корхонанинг ҳисоботида акс эттирилмайди.

Иккиёқлама ёзув – хўжалик муомалаларини бухгалтерия счетларида акс эттириш иккиёқлама ёзув воситасида амалга оширилади. Иккиёқлама ёзувнинг моҳияти - хар бир хўжалик муомаласи натижасида юзага келадиган икки ходисани ўзаро боғланган холда акс эттиришдан иборатдир. Масалан, материалларни харид қилиш муомаласини қайд этатуриб, сотиб олинган материал бойликларнинг келиши (*тайёрланиши*) ва мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағларининг сарфланиши (*қарзнинг юзага келиши*) кўрсатгичлари ўзаро боғланади ёки маҳсулот тайёрлашга материаллар сарфини акс эта туриб, ўзаро

боғлиқликда ишлаб чиқариш чиқимларининг ошиши ва корхона омборидаги материалларнинг камайиши кўрсатилади. Муомалаларни бундай усул билан ёзиш уларнинг иқтисодий мазмунини очиб беради ва хўжалик фаолиятини чуқур ўрганишга имкон беради. Шундай қилиб, счетлар ва иккиёқлама ёзув бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотларни жорий гуруҳлаш мақсадида қўлланилади. Улар ёрдамида корхонани тезкор бошқариш, моддий жавобгар шахслар мулкларини бут сақланиши устидан назорат амалга оширилади. Улар хўжалик фаолиятининг йиғма кўрсатгичларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни аста-секин жамғариш ва тартибга солиш имконини берадилар. Иккиёқлама ёзув – бу амалга оширилган хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисоби счетларида расмийлаштириш усулидир. Иккиёқлама ёзувнинг моҳияти шундан иборатки, рўй берган хўжалик операцияси бир счетнинг дебети ва иккинчи бир счетнинг кредитида акс эттирилади. Иккиёқлама ёзув усулидан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий қоидаси ҳисобланади. Бухгалтерия ўтказмаларини амалга ошириш (*проводкалар*) бажарилган хўжалик операцияси натижасида қандай счетлар, қанча суммага дебетланиши, қайсилари кредитланишини кўрсатиш демакдир. Бухгалтерия ўтказмаси ёки проводкаси бирламчи расмийлаштирилган хужжатлар (*юкхатлар, тўлов топшириқномалари, счетлар, талабномалар, далолатномалар ва хоказолар*) асосида тузилади. Шундай экан, иккиёқлама ёзув деб, хўжалик операциялари таъсирида вужудга келадиган иқтисодий ходисаларни счетлар тизими воситаси билан ўзаро алоқадор холда

акс эттириш усулига айтилади. Амалиётда иккиёқлама ёзувнинг моҳиятини ўзида мужассамлаштирувчи тўрт асосий қоидага амал қилишни тавсия этамиз:

- Содир этилган хўжалик операциясининг туб иқтисодий мазмунини тушуниш;
- Мазкур операцияда иштирок этувчи синтетик счетларни аниқлаш;
- Балансга асосан иштирок этувчи счетларнинг актив ва пассивлигини аниқлаш;
- Счетларни дебет ва кредит томонларга тўғри қўйиш.

Счетлар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона хужжат ҳисобланади ва барча счетлар намунавий счетлар режасида келтирилган ва тавсифланган. Бунда счетлар режасидан фойдаланиш бўйича йўриқномани тўғри тушуниш ва ундан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Бухгалтерия ҳисобининг хар бир счети қуйидаги маълумотларни ўзида акс эттиради:

- Счетнинг номи
- Дебет ёзув
- Кредит ёзув
- Ой бошига қолдиқ (*сальдо*)
- Ой давомидаги оборотлар
- Ой охирига қолдиқ (*сальдо*)

Дебет томонидаги ёзувларнинг жами (*сальдодан ташқари*) – дебет оборот, кредит томонидаги ёзувларнинг жами – кредит оборот дейилади. Актив счетларнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

Актив счет

Дебет	***Кредит***
Сальдо ой бошига Маблағларнинг кўпайиши (+)	Маблағларнинг камайиши (-)
Сальдо ой охирига	

Актив счетларнинг ой охирига қолдиғи счетнинг дебет томонида кўрсатилади. Актив счетларда ой охиридаги қолдиқни топиш учун, ой бошига бўлган қолдиққа дебет оборот қўшилиб, кредит оборот айрилади. Актив счетларда, яъни хўжалик маблағларини акс эттирувчи счетларда ой бошига ва ой охирига қолдиқ хамда маблағларнинг кўпайиши дебет томонига, маблағларнинг камайиши эса счетнинг кредит томонига ёзилади.

Пассив счетларнинг тузилиши қуйидагичадир:

- Пассив счетларнинг бошланғич сальдоси счетнинг кредит томонида кўрсатилади;
- Маблағларнинг манбаъларини кўпайиши счетнинг кредит томонида акс эттирилади;
- Маблағларнинг манбаъларини камайиши счетнинг дебет томонида акс эттирилади;
- Пассив счетларнинг ой охирига қолдиғи счетнинг кредит томонида кўрсатилади.

Дебет томонидаги ёзувларнинг жами – дебет оборот, кредит томонидаги ёзувларнинг жами (*сальдодан ташқари*) – кредит оборот дейилади. Пассив счетларнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

Пассив счет

Дебет	***Кредит***
	Ой бошига қолдиқ
Манбаънинг камайиши (-)	Манбаънинг кўпайиши (+)
	Ой охирига қолдиқ

Пассив счетларда ой бошига ва ой охирига қолдиқ хамда қарздорликнинг кўпайиши кредитга, камайиши эса дебетга ёзилади. Бу ерда счетларнинг қолдиқларига қараб ҳам, уларнинг актив ёки пассив эканлигини билиб олиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби счетларининг охирги қолдиқларига асосланиб, бухгалтерия баланси тузилади. ***Бухгалтерия балансида*** шу счетларда юритилган жорий ҳисоб маълумотлари маълум бир санага гуруҳлантирилиб, умумлаштирилади. Кўриниб турибдики, счетлар тизими билан баланс ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бу боғлиқлик шундан иборатки, маълум бир санага тузилган баланс маълумотларига асосланиб, счетлар очилади. Бунда бир вақтнинг ўзида балансннинг актив томонидаги моддалар учун алоҳида, пассив томонидаги моддалар учун алоҳида счетлар очилади. Бу счетларнинг тегишли томонларига баланс моддаларидан суммалар

бошланғич қолдиқ сифатида ёзилади. Ҳисобот даври (*чорак, йил*) ўтгандан кейин счетларда охирги қолдиқ топилиб, шу маълумотларга асосан яна бухгалтерия баланси тузилади.

Бухгалтерия баланси - молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, у корхонанинг муайян санадаги молиявий холатини, маблағ-воситаларнинг хосил бўлиш манбаъларини тавсифлайди. Хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаълари тўғрисидаги маълумот корхона балансида акс эттирилади. Баланс сўзи лотинча **bi** - *икки марта* ва **lanx** -*тарози палласи* деган маънони англатиб, у тарознинг икки палласи, яъни тенглик маъносини билдиради. Балансннинг актив ва пассивлари якунлари тенг бўлиши керак. Балансда корхонанинг хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаълари хақидаги маълумотлар (*тегишли счетлар сальдоси*) икки санада – йил боши ва ҳисобот даври охирига келтирилади. Бухгалтерия баланси корхона молиявий аҳволини таҳлил қилиш манбаъларидан бири бўлиб ҳисобланади. Балансннинг актив томонида корхона тасарруфида бўлган хўжалик маблағлари қуйидаги гуруҳларга бўлиб кўрсатилади:

- ❖ Узоқ муддатли активлар
- ❖ Жорий активлар.

Балансннинг пассив қисмида эса корхона хўжалик маблағларининг манбаълари қуйидагича гуруҳларга бўлиб кўрсатилади:

- ❖ Ўз маблағлари манбаълари
- ❖ Мажбуриятлар.

Баланс схематик тарзда қуйида келтирилган икки томонлама жадвал бўлиб, унинг чап томони актив, ўнг томони эса пассив деб аталади:

Корхонанинг 01 январь 2010 йилга бўлган Баланси

№	Хўжалик маблағлари ва уларнинг жойлашуви	Суммаси	№	Хўжалик маблағларининг манбаълари ва улардан фойдаланиш	Суммаси
1	Асосий воситалар	2 000 000	1	Устав капитали	5 000 000
2	Материаллар	1 500 000	2	Фойда	2 500 000
3	Маҳсулотлар	2 500 000	3	Банк кредити	2 000 000
4	Пул маблағлари: Кассадаги	500 000	4	Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар	1 000 000
5	Ҳисоб-китоб счетидаги	5 500 000	5	Ишчилар билан иш хақи бўйича ҳисоб-китоблар	1 500 000
6	Хар хил дебиторлар	1 000 000	6	Бюджет билан ҳисоб-китоблар	1 000 000
Баланс		13 000 000	**Баланс**		13 000 000

Кўриб турганингиздек, баланснинг активида хўжалик манбаъларининг таркиби ва жойланиши, пассивида эса хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаълари кўрсатилади. Баланснинг актив ва пассив томонларининг жами суммалари доимо бир-бирига тенг бўлиши шарт (*жадвалнинг пастки қисмидаги* ***баланс*** *қаторига қаранг*).

Молиявий ҳисобот **–** бу хўжалик юритувчи субъектнинг муайян давр мобайнидаги фаолиятини умумлаштириш усулидир. Молиявий ҳисобот маълумотларига қараб, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли баҳо берилади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботга бўлган талаб жуда ҳам ортиб бормоқда. Чунки молиявий ҳисобот корхона хўжалик фаолиятини характерловчи корхонанинг кўзгуси бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «*Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида*» ги Қонунининг 16-моддасида молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши кўрсатилган:

- Бухгалтерия баланси
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
- Асосий воситалар харакати тўғрисидаги ҳисобот
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот
- Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар

Йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмасдан тегишли давлат органларига тақдим этилади, акс холда корхонага штраф ёки жарима солиниши мумкин бўлади.

Молиявий ҳисобот қуйидаги ташкилотларга тақдим этилади:

- *Солиқ органларига*
- *Таъсис хужжатларига мувофиқ - мулкдорларга*
- *Давлат статистика органларига*
- *Қонун хужжатларига мувофиқ - бошқа органларга.*

Бухгалтерия ҳисобини юритишда маҳфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга маъмурият руҳсати билан ёки қонун хужжатларида назарда тутилган холлардагина йўл қўйилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга руҳсат этилган шахслар уларнинг маҳфийлигини сақлашлари шарт. Маҳфийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Сиз амалиётда қатъий ва оғишмай риоя қилишингиз зарур бўлган Ўзбекистон Республикасининг «*Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида*» ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари таркиби қуйида эътиборингизга хавола этилган:

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни моддалари:

1-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари.

2-модда. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари

3-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари

4-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари

5-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш

6-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари

7-модда. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш

8-модда. Имзо хуқуқи.

9-модда. Бошланғич ҳисоб хужжатлари.

10-модда. Бухгалтерия ҳисоби

11-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш.

12-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш.

13-модда. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш.

14-модда. Хусусий капитални ҳисобга олиш.

15-модда. Гаровни ҳисобга олиш.

16-модда. Молиявий ҳисобот.

17-модда. Умумлаштирилган молиявий ҳисобот.

18-модда. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври

19-модда. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш

20-модда. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш

21-модда. Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот.

22-модда. Бухгалтерия ахборотининг маҳфийлиги.

23-модда. Бухгалтерия хужжатларини сақлаш.

24-модда. Бухгалтерия тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари:

00. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (ЎзР БХМС) «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»
01. ЎзР 1-сон БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»
02. ЎзР 2-сон БХМС «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар»
03. ЎзР 3-сон БХМС «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»
04. ЎзР 4-сон БХМС «Товар-моддий заҳиралар»
05. ЎзР 5-сон БХМС «Асосий воситалар»
06. ЎзР 6-сон БХМС «Ижара ҳисоби»
07. ЎзР 7-сон БХМС «Номоддий активлар»
08. ЎзР 8-сон БХМС «Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятлари сармояларини ҳисоблаш»
09. ЎзР 9-сон БХМС «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот»
10. ЎзР 10-сон БХМС «Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар»

11. ЎзР 11-сон БХМС «Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқаришларига харажатлар»
12. ЎзР 12-сон БХМС «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»
13. ЎзР 13-сон БХМС «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»
14. ЎзР 14-сон БХМС «Бухгалтерия баланси»
15. ЎзР 15-сон БХМС «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган холатлари ва юз берадиган ходисалари»
16. ЎзР 16-сон БХМС «Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари»
17. ЎзР 17-сон БХМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш»
18. ЎзР 18-сон БХМС «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида»
19. ЎзР 19-сон БХМС «Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»
20. ЎзР 20-сон БХМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»
21. ЎзР 21-сон БХМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»
22. ЎзР 22-сон БХМС «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби»

1.2. ***Бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган ахборот технологиялари***

Замонавий иқтисодиётни бошқаришдаги ўзгаришлар, бозор муносабатларига жадал суръатларда ўтиш, бухгалтерия ҳисобининг

халқаро тизимларининг жорий қилиниши ва информацион технологияларнинг барча соҳаларда кенг миқёсда тадбиқ этилиши таъсирида бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими ва уни компьютерда ишлаб чиқишни ташкил қилишнинг анъанавий шакллари катта ўзгаришларга учраган. Хозирги пайтда ҳисобчидан корхона молиявий холатининг объектив холатини билиш, молиявий таҳлил усулларини қўллай олиш, қимматли қоғозлар билан ишлашни билиш, инвестицияларни тушуниш хамда уларни асослай олиш ва бошқалар талаб қилинади. Шунинг учун ҳам хозирги пайтда ҳисобчини «*ҳисобчи-таҳлилчи*» ёки «*молиявий менежер*» деб аташ ҳам мумкин. Бошқарув вазифаларига ишлаб чиқаришни тайёрлаш, ривожлантириш, моддий-техник таъминот, сотувга тайёрланиш (*маркетинг*), бухгалтерия ҳисобини олиб бориш ва бухгалтерия фаолиятини амалга ошириш, тайёр маҳсулотларни сотиш хамда кадрлар масаласини ҳал қилиш киради. Бошқарув жараёнида бухгалтерия ҳисоби катта рол уйнайди ва бу ерда барча ахборотларнинг 60% га яқини жамланган.

Бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган ахборотли тизимлари анъанавий равишда вазифаларнинг қуйидаги мажмуаларини автоматлаштиришни ўз ичига қамраб олади:

- Асосий воситалар ҳисоби
- Моддий бойликлар ҳисоби
- Меҳнат ва иш хақи ҳисоби
- Тайёр маҳсулотлар ҳисоби
- Молиявий ҳисоблаш операцияларининг ҳисоби
- Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

- Йиғма ҳисоб ва ҳисоботлар тузиш

Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган ахборот тизими шароитида фаолият кўрсатиши қуйидагича кетма-кетликда амалга оширилади:

- ❖ Бошқарув объектига ёки корхонанинг хўжалик фаолиятига мослашув, корхона иш фаолиятининг мақсадини билиш.
- ❖ Бошқариладиган объект холати ҳақидаги бошланғич маълумотларни йиғиш, маълумотлар базасини тузиш, маълумотларни саралаш ва руйҳатдан ўтказиш
- ❖ Ҳисоб ахборотини қайта ишлаш, сақлаш ва ҳисоботларни шакллантириш
- ❖ Ҳисоб ахборотини фойдаланувчиларга ва талабгорларга узатиш
- ❖ Ҳисоб ахбороти таҳлили, корхона раҳбариятининг олдига қўйилган мақсадига мувофиқ, бошқарув объектига бошқарувчанлик таъсирини ишлаб чиқиш

Ҳисоб вазифалари мажмуасининг уч палласини фарқлаш мумкин:

- Бирламчи ҳисоб, бирламчи хужжатларни тузиш, уларни ишлаб чиқиш ва ҳисобнинг хар бир участкаси бўйича таҳлилий ҳисобнинг қайдномалари тузилишини амалга ошириш.
- Проводкаларни тузиш, уларни таҳлилий ва синтетик ҳисобнинг турли хил регистрлари, счётларнинг тартиб рақамлари бўйича қайд дафтари ордерларига жойлаштириш. Компьютер ёрдамида бу ишни амалга ошириш хар бир

участка ечими тугаши билан проводкани шакллантириб, бу жараёнларни тўлиқ автоматлаштиришга имкон беради.

- Йиғма синтетик ҳисобни тузишдан иборат бўлади, яъни, асосий китобнинг счётлари бўйича ҳисобот сальдо қайдномалари ва молиявий ҳисоботнинг шаклларини тузиш бўлиб, бу «*Проводка – Асосий китоб – Баланс*» машина дастурининг асосий модули томонидан таъминланади.

Бухгалтерия ҳисобининг ташқи ташкилотлар билан ахборотли алоқасига алоҳида тўхталиш зарур. Асосан бу алоқалар меъёрий ва услубий материалларни олиш, йиғма молиявий ҳисоботларни манфаатдор ташкилотлар - юқори маъмурий идоралар, солиқ қўмитаси, статистика идоралари, молиявий ташкилотлар ва бошқаларга беришдан иборатдир. Бухгалтерия ҳисоботларининг юқори ташкилотларга тақдим этиш шакллари ва муддатлари қонунлаштирилган.

Бухгалтерия вазифаларини хал қилишни автоматлаштирилган ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш бирламчи бухгалтерия хужжатларини тузиш пайтидан бошлаб, якуний молиявий ҳисоботларни тузиш билан якунланувчи барча операцияларнинг йиғиндисидир. Бу жараён қуйидаги асосий босқичлардан иборатдир:

Бошланғич босқич – бирламчи хужжатларни йиғиш ва руйҳатга олиш билан боғлиқ. Хужжатларни автоматлаштирилган усулда шакллантириш «*Хужжатлар*» менюсининг тегишли блокига мурожаат қилиш йўли билан содир бўлади. Натижада материалларнинг омборга келиши ва харакати бўйича хужжатлар

шаклланади. Бирламчи хужжатларни киритиш дастури қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Киритилган хужжатларга ноёб рақамлар бериш, кўчирманинг реестрини тузиш.
- Хужжатга маълумотномавий ва шартли-доимий аломатлар (*етказиб берувчилар, нарх ва бошқалар*) ни автоматик равишда киритиш.
- Хўжалик операцияларини қайд этиш дафтарида бухгалтерия ёзувларини автоматик равишда бажариш.
- Нотўғри хужжатларни чиқариб ташлаш.
- Нотўғри хужжатларни назорат қилиш ва тузатишлар киритиш.
- Бирламчи хужжатлари босиб чиқариш.

Бошланғич босқич хужжатларнинг маълумотларини базавий ахборотлар тўпламига жойлаштириш билан тугайди.

Асосий босқич ишнинг тугалловчи босқичи бўлади ва у турли хил ҳисобот шаклларини олиш билан боғлиқ. Уни бажариш учун «*Ҳисоботлар*» менюсининг тегишли модулидан фойдаланилади. Асосий босқичнинг бажарилишини таъминлашда маълумотлар базасида ҳисобот тузиш учун фойдаланиладиган хар хил комбинацияли (*ишчи*) ахборот тўпламларини машина томонидан олиниши таъминланади. Натижада ҳисобот маълумоти шаклланади ва у босиб чиқаришга топширилади.

Хозирги пайтда бухгалтерия дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш кўп сонли фирмалар томонидан олиб борилади, улардан энг машҳурлари **БЭМ – Бухгалтерга электрон мадад** дастури, **1С:**

Бухгалтерия, Парус, Интеллект-Сервис, Инфософт, Хакерс-Дизайн дастурларидир. Кўпгина фирмалар дастурларни икки вариантда: махаллий ва тармоқли ишлаб чиқарадилар. Тармоқли вариантлар анча мураккаб ва қимматга тушади. Чунки бунинг учун махсус «*мижоз-сервер*» технологиялари, махсус ускуналар ва операцион тизимлар, ҳисоблаш тармоғига хизмат кўрсатувчи мутаҳассислар талаб қилинади. Кичик корхоналар учун мўлжалланган ва «*Бухгалтерия ёзуви - Асосий Китоб - Баланс*» умумий номи билан аталиб, кичик бизнесга мўлжалланган дастурлар асосан синтетик ва мураккаб бўлмаган таҳлилий ҳисобни олиб бориш вазифаларини бажарадилар. Бу гуруҳга мансуб энг машҳур дастурлар **1С: Бухгалтерия, БЭМ (Бухгалтернинг электрон мададкори), Турбо Бухгалтерия, Фолио** ва бошқалардир. Бундай кичик ҳисобхона дастурлари ўзлаштириш учун осон ва ишлатишда сода бўлиб, бухгалтерия бўйича касб эгаси бўлмаган фойдаланувчиларга мўлжалланган. «*Мужассамланган бухгалтерия тизими*» га мансуб дастурлар кичик ва ўрта бизнес учун мўлжалланган. Уларда ҳисобнинг кенг ёйилган таҳлилий ҳисоби олиб борилувчи баъзи бир участкалари бўйича модуллар қурилган. Масалан, ҳисобнинг иш хақи, материаллар, асосий воситалар, хазина, банк, шартномалар, етказиб берувчилар ва бошқалар каби участкалари бўйича таҳлилий ҳисоб мустақил равишда амалга оширилади, аммо кейинчалик уларни якуний бухгалтерия ҳисоботи тузилиши таъминланадиган «*Проводка - Асосий китоб - Баланс*» модулига мужассамлашуви содир бўлади.

Бу синфга мансуб энг яхши дастурлар **Парус, Компех+, БЕМБИ+, Бухкомплекс, Суперменежер** лардир.

1.3. БЭМ – «Бухгалтерга электрон мадад» дастури хақида тушунча

Қуйида биз хозирги пайтда турли хил корхона ва ташкилотларда кенг миқёсда ишлатилаётган ва амалиётда бирқанча вақт мобайнида ўзини оқлаб келган хамда катта имкониятларга эга бўлган ***БЭМ*** дастурининг имкониятлари хақида қисқача маълумот берамиз. «***БЭМ***» деб номланган дастурлар оиласи барча бухгалтерия операцияларини бажаришга имкон беради. Ишчи-хизматчилари сони 30 тадан кам бўлган чакана ва кўтара савдо корхоналари учун ушбу конфигурация жуда ҳам мос тушади ва у бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ бўлган барча ишларни амалга оширишга имкон беради. Агар **БЭМ** дастурининг конфигурациясини танлаш бўйича қандайдир муаммолар келиб чиқса, у холда бу соҳа бўйича мутаҳассисларга учрашишингиз мумкин (*дастур бўйича малакали маслаҳатлар олиш мумкин бўлган ташкилотлар манзили ушбу қўлланманинг иловасида келтирилган*). Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, хеч қачон бухгалтерия хисоб-китоблари учун мўлжалланган бухгалтерияни юритиш дастури хар томонлама мукаммал ёки идеал бўла олмайди, унда кўзда тутилган хужжатлар ва ҳисоботлар эса корхонангизнинг талаблари ва раҳбарларнинг истакларини тўлиқ миқдорда қондира олмайди. Агар бу ишлар сизни қониқтирмаса, у холда ***БЭМ*** дастурини созловчи-дастурчига мурожаат қилишингиз керак бўлади. Ушбу дастурни ўрганувчилар учун асосий қийинчилик унинг ишлаш

мантиқини тушунмасликдан келиб чиқади. Кўпчилик тажрибали бухгалтерлар ҳам ўз ҳисоб-китоб ишларини дастурнинг мантиқига тўла риоя қилмасдан олиб боришлари амалиётдан яхши маълум бўлган холатдир. Шунинг учун ҳам ушбу китобдаги маълумотлардан фойдаланган холда дастур мантиқини яхшилаб, батафсил ва тўлиқ тушуниб олишга харакат қилинг. Дастурда ишлаш аввало унинг асосий дарчасини:



тушуниб олишни талаб қилади хамда фойдаланувчи томонидан компьютерда амалга ошириладиган бир қанча компьютер билан мулоқот қилиш хатти-харакатларни бажариш тартибини аниқ билишни ва тушунишни талаб қилади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- *Курсор* - экрандаги харакатланувчи чизиқчадир;

- *Дарча ёки ойна* – компьютер экранидаги бирор бир хужжатнинг тасвири бўлган тўртбурчак шакл деб тушунилади;
- *Тугмачалар комбинацияси* – клавиатурада бир вақтда босилиши керак бўлган бир қанча тугмачалар сифатида тушунилади;
- *Сичқонча* сифатида ноутбукларда трекобл ёки сенсорли экран ҳам хизмат кўрсатиши мумкин;
- *Вертикал ёки горизонтал йўлакчалар* – экраннинг чап қисмида ёки пастида жойлаштириладиган ва ундаги тасвирни тепага-пастга ёки ўнгга-чапга йўналишларда харакатлантириш мумкин бўлган сургичлар.
- «*Курсорни ... га ўрнатилсин*» дейилганида сичқонча кўрсатгичини экрандаги объектга олиб келиш ва ўша ерда сичқончанинг чап тугмачаси билан бир марта туртиш тушунилади;
- « . . . *Танлансин*» дейилганида курсор турган жойда сичқончанинг чап тугмачаси билан икки марта туртишга айтилади. Худди шу ишни клавиатурадаги **Enter** тугмачаси ҳам бажаради;
- «*Контекст меню очилсин*» дейилганида, экрандаги объектга курсорни ўрнатиб, унинг ўнг тугмачаси босилганида очиладиган менюга айтилади.
- *Пиктограмма ёки иконка* дейилганида дастурнинг у ёки бу функциясини (*амалини*) бажариб берадиган расмли ёки қандайдир тасвирли тугмачалари ёки расмларга тушунилади.

- *Реквизит* дейилганида исталган хужжатнинг ёки маълумотноманинг майдонларига ёзиладиган маълумотларга айтилади.
- *Мулоқот дарчасининг варағи* деганда унинг тепа қисмидаги горизонтал қаторлардаги номлари ёзиб қўйилган *Закладка* лари кўзда тутилади.
- *Галочка* деганда очиқ майдонларга қўйиладиган √ белгиси тушунилади.
- *Майдон* деганда мулоқот дарчасининг керакли сўзлар, кўрсатгичлар ёки амаллар ёзиб қўйилган жойлари рўпарасидаги маълумотлар ёзиладиган бўш жойлар кўзда тутилади.
- *Майдонга киритиладиган маълумотни танлаш деб* унинг ўнг томонидаги тўртбурчак шаклли тугмани босиб, мавжуд имкониятлардан бирини танлашга айтилади.
- *Тугмача* деганда мулоқот дарчасидаги керакли амал номи ёзилган жой ёки клавиатура тугмачалари тушунилади.
- *Тугмачани туртиш* деганда, курсорни керакли тугмачага олиб келиб, сичқончанинг (*ёки сенсорли экраннинг*) чап тугмачасини босишга айтилади.
- *Меню пунктларини танлаш* деганда асосий менюга кириб, ундаги пайдо бўлган имкониятлардан кетма-кет фойдаланиш тушунилади. Масалан, агар ***Сервис*** ► ***Параметры*** ► ***Общие*** варағи деб ёзилган бўлса, бу ***Сервис*** менюсидан ***Параметры*** имкониятини танланг ва сўнгра пайдо бўлган мулоқот

дарчасидаги ***Общие*** варағини (*закладкасини*) босинг, дегани бўлади.

- *Буйруқни танланг* деганда худди юқоридагига ўхшаш, менюнинг кетма-кет имкониятларини танлашга тушунилади;
- *Байроқча* деганда, бир қанча имкониятлардан бирини танлашга имкон берадиган думалоқ ёки тўртбурчак кўринишидаги майдончаларга айтилади;
- *Байроқчани ёқинг* дейиш, унга белги қўйишни англатади;
- *Байроқчани ўчириш* деганда, унга қўйилган белгини олиб (*ўчириб*) ташлашга тушунилади;
- *Компьютернинг қайта юкланиши* - уни ўчириб ёқиш жараёнини (*тасодифий ёки мақсадли*) ёки қайтадан ишни бошлашни англатади.

Кўриб чиқилаётган дастурнинг асосий мулоқот ойнаси



қуйидаги асосий ва ёрдамчи элементлардан иборат:

Бу ерда тепадан биринчи қаторда дастурнинг ва ечилаётган масаланинг номи ёзилади, иккинчи қаторда эса дастур асосий менюсининг пунктлари жойлашган, учинчи қаторда дастур билан иш олиб бориш тугмачалари (*пиктограммалари ёки иконкалари*) жойлашган, тўртинчи қаторда эса бухгалтерия хисобини автоматлаштирилган тарзда бажариш имконини берадиган тугмачалар (*пиктограммалари ёки иконкалари*) кўрсатилган. Асосий ойнанинг энг пастки қисмида **Start (Пуск**) тугмачаси, хозирги пайтда ишга туширилган дастурлар руйҳати ва бошқа бир қанча пиктограммалар мавжуд бўлиб, улар фойдаланувчилар учун ўзига хос қулайлик яратади. Унинг шундоққина тепасида эса ёрдамчи қатор жойлашган бўлиб, ундан фойдаланиб, дастур хақидаги бир қанча фойдали маълумотлар олиниши мумкин. Хар бир пиктограммага курсор кўрсатгичи келтирилиб турилса, бироз вақтдан сўнг, у ерда сузиб чиқувчи тушунтирув матни пайдо бўлади (*всплывающая подсказка*) ва у тугмача нима иш бажара олиши хақида керакли маълумотларни олишга имкон яратади. Асосий меню пунктлари эса унга курсор ўрнатилиб, бир марта босилганида, ундаги менючалар (*подменю*) руйҳатини кўрсатади.

Ушбу қўлланма **БЭМ** дастури воситасида кичик корхоналарда бухгалтерия хисобини амалга оширишни ўрганиш учун мўлжалланган. Аммо у катта корхоналарнинг хисобчилари учун асосий воситалар хисобини юритиш, номоддий активларни хисобга олиш, иш хақини ҳисоблаш ва кадрлар бўлими ишини юритишни ташкил қилиш учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Ўқув қўлланмада бухгалтерия хисобининг барча асосий бўлимлари кўриб чиқилган, яъни, у банк

билан ишлаш, касса ишини юритиш, кадрлар хисоби, иш хақини ҳисоблаш, асосий воситалар хисоби, номоддий активлар хисоби, ишлаб чиқариш ва савдони ўз ичига қамраб олади. Тақдим этилган материал эса **БЭМ** дастурининг **1.1.7.5** рақамли конфигурацияси асосида бажарилган. Бу ерда тақдим этилган материаллар ёрдамида **БЭМ** дастурининг имкониятларини, хужжатларни яратиш, тўлдиришни ва улардан фойдаланиш бўйича керакли бўлган маълумотларни ўрганиб олиш мумкин. Бу ерда бухгалтерия хисобининг қуйидаги бўлимлари келтирилган:

- *«Банк»;*
- *«Ғазна» - «Касса»;*
- *«Узоқ муддатли активлар хисоби»;*
- *«Кадрлар бўлими. Иш хақини ҳисоблаш»;*
- *«Хизматлар кўрсатиш»;*
- *«Товар материал заҳиралар хисоби. Савдо»;*
- *«Ишлаб чиқариш»;*
- *«Регламент»;*
- *«Стандарт хисоботлар»;*
- *«Регламентли хисоботлар».*

Қуйида келтирилган кўрсатма ва амалларни мустақил равишда ўзлаштириб олсангиз, бошланғич хужжатлар ва хисоботлар билан ишлашни ўрганиб оласиз. Ушбу қўлланмада амалий мисол сифатида кўтара ва чакана савдо, хизматлар кўрсатиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган **МЧЖ «Трейд PLUS»** фирмаси келтирилган. Унинг мисолида хар бир бухгалтерия хисоби участкасида маълумотномаларга ахборот киритиш усуллари, асосий хужжатларни тўлдириш қоидалари

ва турли хил ҳисоботлар хосил қилиш жараёни кўриб чиқилади. Ушбу материалларни ўрганиб бўлганингиздан сўнг, айланма-сальдо ведомостини хосил қилиб ва уни намуна билан солиштирган холда **БЭМ** дастури бўйича ўз билим даражангизни текшириб кўришингиз мумкин.

2-БОБ. БЭМ дастурини ишга тушириш ва унинг асосий объектлари

2.1. Дастурни ишга тушириш

Дастурни ишга тушириш учун ***Пуск (Ишга туширилсин)*** ► ***Программы (Дастурлар)*** ► ***БЭМ*** буйруқларидан фойдаланасиз ёки бунинг учун **БЭМ** нинг иш столида жойлашган ярлыги (*белгичаси*) дан ҳам фойдаланишингиз мумкин:



Дастур бир нечта ташкилотларнинг бухгалтерия хисобини юритишга ва керакли миқдордаги маълумотлар базалари яратишга имкон беради. Маълумотлар базаларини яратиш учун дастур ишга туширилганида экранда пайдо бўладиган «***Выберите базу для начала работы***» (***Ишни бошлаш учун керакли бўлган базани танланг***) деб номланган мулоқот дарчасидан фойдаланамиз:



Бунинг учун ушбу дарчанинг пастки қисмида жойлашган «***Добавить***» (***Қўшилсин***) тугмачасини босамиз. Бу амалимиз натижасида компьютерда **Шаг №1** (***Қадам №1***) деб номланган дарча пайдо бўлади



ва биз ундаги «***Создать новую базу данных***» (***Янги база яратилсин***) улагичини белгилаб оламиз ва сўнгра «***Далее***» (***Кейингиси***) тугмачасини туртамиз.



Бундан сўнг пайдо бўладиган **Шаг №2** (***Қадам №2***) деб номланган дарчада «***Подключение***» (***Уланиш***) майдони охиридаги учта нуқта (**…**) тасвирили тугмачани босинг. Бунда «***Настройка подключения***» (***Уланишни созлаш***) дарчаси очилади ва биз ушбу дарчанинг «***Сервер***» майдони охиридаги пастга қараган стрелка кўринишидаги тугмачани босиб, таклиф этилган вариантлардан **«.\SQLExpress»** имкониятини танлаб олганимиздан сўнг, пастдаги «***База данных***» (***Маълумотлар базаси***) майдонида маълумотлар базасининг номини «***Учебная программа***» (***Ўқув дастури***) (*маълумотлар базасининг номида турли хил символларни ишлатиш тавсия этилмайди. Унда фақат харфлар ва рақамлар бўлгани мақсадга мувофиқ бўлади*) деб ёзганимиздан сўнг, **ОК** тугмачасини босамиз.



Юқорида бажарган амалларимиз натижаси-ўлароқ, экранда яна **Шаг №2** (***Қадам №2***) деб номланган дарча пайдо бўлади.



Энди ундаги «***Тест подключения***» (***Уланишни текшириш***) тугмачасини туртинг. Бунинг натижасида «***Подключение успешно установлено***» (***Уланиш муваффақиятли амалга ошди)*** деб номланган кичкина дарча пайдо бўлади :



сиз эса буни ундаги **ОК** тугмачасини туртиш билан тасдиқланг. Бундан сўнг **Шаг №2** (***Қадам №2***) деб номланган дарчадаги «***Далее***» (***Кейингиси***) тугмачасини туртинг. Бу сизга **Шаг №3** (***Қадам №3***) деб номланган дарчага ўтишни амалга ошириб беради.



Бу дарчанинг «***Наименование базы для отображения в списке» (Руйҳатда кўрсатиш учун база номи***) деб номланган майдонида маълумотлар базасининг номини теринг (*масалан, «Учебная*

программа»- бу номда турли хил символларни ишлатиш мумкин). Худди шу ном **БЭМ** нинг ишни бошлаш дарчасида кўрсатилади. Ишни давом эттириш учун «***Готово***» (***Тайёр***) тугмачасини туртинг.

Эндиги босқичда «***Выберите базу для начала работы***» (***Ишни бошлаш учун базани танланг***) деб номланган янги дарча пайдо бўлади ва унда сиз хозиргина хосил қилган маълумотлар базасининг номи пайдо бўлади.



Дастурни ишга тушириш учун уни сичқончанинг чап тугмачасини босган холда ажратишингиз ва «***Выбрать***» (***Танлансин***) тугмачасини босган холда ишни давом эттириш буйруғини беришингиз лозим. Юқоридаги амаллар натижасида **БЭМ** дастури ишга тушиб кетади.



2.2. Монополь режим

«***Выберите базу для начала работы***» (***Ишни бошлаш учун базани танланг***) деб номланган дарчанинг юқори қисмининг ўнг бурчагидаги ***Монопольно*** (***Монопол***) ёзуви ёнидаги думалоқ жойга белги (*бу ерда галочка белгиси автоматик тарзда пайдо бўлади*) қўйиб, «***Монопольно***» режимини танланг. Монопол режим қуйидагиларни бажаришга имкон беради:

- Дастурда индивидуал режимда ишлаш (*дастурнинг тармоқ версиясидан фойдаланганда*);
- Маълумотларни илгари тайёрланган резерв файллардан фойдаланган холда қайтадан тиклаш;



- Белгиланган объектларни йўқотиш;



- Катта миқдордаги хужжатлар билан ишлай олиш (*уларни проводка қилиш*);



- Объектлар қийматларини ўзгартира олиш (*алмаштириш*).



2.3. Маълумотлар базасини танлаш дарчасида ишлаш

Маълумотлар базасини танлаш дарчасида ишлай олиш учун **БЭМ** дастуридаги «***Выберите базу для начала работы***» (***Ишни бошлаш учун базани танланг***) дарчасида қуйидаги имкониятлар (*ёки буйруқлар*) таклиф қилинади:

- «***Выбрать***» - ***Танлансин*** - маълумотлар базасига кириш;
- «***Добавить***» - ***Қўшилсин*** - янги маълумотлар базасини хосил қилиш ёки унга янгисини қўшиши ёки борларини қўшиш;
- «***Удалить***» - ***Йўқотилсин*** - маълумотлар базасини руйҳатдан ёки шахсий компьютердан бутунлай йўқотиш:
- «***Изменить***» - ***Ўзгартирилсин*** - Созланишларни ўзгартириш, резерв нусҳа олиш, тиклаш ёки мавжуд маълумотлар базасини нусҳалаш.
- «***Выйти***» - ***Чиқиш*** - Ишни тугатгандан сўнг, маълумотлар базасидан чиқиш.



2.4. *«БЭМ» дастурида фойдаланиладиган асосий атамалар ва унда ишлатиладиган матиқий ахборот объектлари*

Дастурда фойдаланиладиган асосий атамалар хамда унда ишлатилган мантиқий ахборот объектларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- **Субконто** — маълум бир бухгалтерия счётининг (*мисол учун, контрагентлар, товар-моддий заҳиралар (ТМЗ) ва ҳ.к.*) батафсил шарҳи (*таҳлили*). Фойдаланувчига «*субконто*» атамаси унчалик таниш эмас. Субконтога тушунтириш бериш учун уни субсчетлар билан солиштирган холда ёндошиш керак. Счетни бир қанча кўрсатгичлар бўйича таҳлил қилиш керак деб фараз қилсак, бунинг энг осон усули ушбу кўрсатгичлар бўйича субсчетлар хосил қилишдир. Бу холда бухгалтернинг асосий китоби турли хил маълумотлар билан тўлиб-тошиб кетади ва унга иш олиб бориш бирмунча мураккаблашади. Энди бундай кўрсатгичларнинг хаммасини маълумотномага йиғамиз ва уни *субконто* деб атаймиз. Натижада бир қанча кўрсатгичлар маълумотномаларда мавжуд бўладилар. Энди бухгалтер ўзининг барча

субсчетларини йўқотиб, уларни хосил бўлган маълумотномалар билан алмаштиради ва ундан хар бир конкрет ўтказма учун конкрет кўрсатгични танлаб олиши мумкин бўлади. Бу механизмни дастур субконто ёки маълумотнома воситасида амалга оширади. Оператив иш олиб бориш учун бухгалтер исталган вақтда счетнинг аналитикасини ***Субконто таҳлили*** ёки ***Субконто бўйича счет таҳлили*** хисоботлари орқали олиши мумкин. Бухгалтерия хисоб рақамлари режасида уларнинг баъзиларида субконтонинг уч даражасигача мавжуд бўлиши мумкин.

- **Контрагентлар** — таъминотчи ва буюртмачилар.
- **Корр. счёт** — алоқага кирувчи (*корреспонденцияланувчи*) счёт.
- **Константалар** — ташкилотга оид доимий маълумотлар бўлиб, дастур ишга туширилган вақтда бир марта киритилади ва ўзгартирилмайди,
- **Бўлимлар** - корхонада ҳисоб юритишнинг алоҳида қисмлари, масалан, иш хақини ҳисоблаш бўлими.
- **Ҳисоб-китоб турлари** — иш ҳақини ҳисоблаш, ундан ушланма ва ажратмаларнинг турлари.
- **Иш ҳақини акс эттириш усуллари** — иш ҳақини ҳисоблаш ва ундан ушланмаларни акс эттириш усуллари.
- **Тақсимлаш усуллари** — харажатларнинг счётларда тақсимланишининг акс эттирилиши.
- **Регламент** — бухгалтерия ҳисоби маълумотларини жамлашда ишлатиладиган якуний ҳужжатлар (бўнакларни

ҳисобга олиш, ойни якунлаш, валютани қайта баҳолаш ва бошқалар).

- **Хўжалик операцияси** — ўтказмалар ва ностандарт операциялар бўйича суммаларни қўл билан киритишга мўлжалланган ҳужжат.

3-БОБ. БЭМ дастури панеллари билан танишув

3.1. Бош ёки асосий меню имкониятлари

Худди **Microsoft Office Word** ва **EXCEL** дастурларига ўхшаш, **БЭМ** дастурида ҳам юқори панел мулоқот дарчасининг тепасида жойлашган бўлиб, унда маълумотлар базасини созлаш ва унда ишлаш учун мўлжалланган буйруқлар пиктограммалари жойлашган. Унда биринчи қатор асосий меню бўлиб, унда қуйидаги менюлар мавжуд:



Файл Операции (Муомалалар) Сервис (Хизмат) Окна (Дарча) Помощь (Ёрдам)

Иккинчи қаторда эса бухгалтерия ишини юритиш учун зарур бўлган қуйидаги буйруқлар акс эттирилган:



Банк Касса (Ғазна) ОС и НМА (АВ ва НМЗ) ТМЗ Услуги (Хизматлар) ОК (Кадрлар бўлими) ЗП (Иш ҳақи) Производство (Ишлаб чиқариш) Регламент Ст.отчеты (Статистик хисоботлар) Рег.отчеты (Регламент ҳисоботлар)

Уларнинг ҳар бирини курсор билан танлаб, туртилса, худди ўша буйруққа тегишли амаллар билан боғлиқ бўлган буйруқлар унинг пастки қисмида намоён бўлади. Масалан, агар **Банк** буйруғи танланса, пастги қаторда қуйидагилар пайдо бўлади:

Платёжное требование (Тўлов талабномаси)

Платёжное поручение (Тўлов топшириқномаси)

Выписка банка (Банк ҳисоб рақамида кўчирма)

Отчет по банку (Банк бўйича ҳисобот)

Агарда **Касса** буйруғи танланса, у хода пастки қаторда:

Приходный кассовый ордер (Касса кирим ордери)

Расходный кассовый ордер (Касса чиқим ордери)

Платежная ведомость (Тўлов ведомости)

Кассовая книга (Касса китоби)

имкониятлари пайдо бўлади.

Мабодо, **Производство** (***Ишлаб чиқариш***) буйруғи танланса, у холда

Приходная накладная ТМЗ (ТМЗ келиши юкхати)

Производственное требование (Ишлаб чиқариш талабномаси)

Расчет себестоимости (Таннархни ҳисоблаш)

Накладная счет-фактура (Юкхат)

Материальный отчет (Моддий хисобот)

каби бир қанча имкониятлар пайдо бўлади.

Сизга дастур хақида бошланғич тааъсуротларни хосил қилиш учун юқоридаги тартибда барча буйруқлар қандай имкониятларни

бериши мумкинлигини кўриб чиқишингиз ва иложи бўлса, уларни эслаб қолишингиз тавсия этилади.

Ундан кейинги қаторда эса хозирча фаол бўлмаган ***Документы*** (***Хужжатлар***) ва ***Отчеты*** (***Хисоботлар***) вкладкалари бўлиб, улар воситасида хужжатлар ёки хисоботлар кўриб чиқилиши мумкин.

Бешинчи қатор горизонтал чизиқ кўринишида бўлиб, унинг ўртасида юқорига қараган стрелка ▲ бўлиб, у бир марта босилганда, бу стрелка пастга қараган холатга ▼ алмашинади ва экранда фақат асосий меню қолади, холос. Яъни,

Файл Операции Сервис Окна Помощь

Файл Маълумотномалар Хизматлар

Дарчалар Ёрдам

Агар бу стрелка ▼ яна бир марта босилса, экрандаги холат асли холига келади. Экраннинг ўнг томони ўртасида эса ўнгга қараган стрелка ► бўлиб, у босилганида ўнг томондаги календарь



йўқолади. Календар эса фойдаланувчига қулай бўлиши учун ойларга бўлинган ва унда жорий йил, ой ва кун белгилаб қўйилган. Ой номининг чап томонида чапга йўналган стрелка ◄ , йилнинг

ўнг томонида эса ўнгга йўналтирилган стрелка ► бўлиб, уларни босиш билан календарни жорийдан олдинги даврга ёки кейинги даврга мослаштириш мумкин (*бу иш автоматик тарзда амалга оширилади*). Экраннинг чап томони ўртасида эса ўнгга йўналган стрелка ► бўлиб, унинг ёрдамида хужжатлар ва маълумотномаларни оператив равишда олиш ва кўриш мумкин бўлган файллар каталогини кўриш мумкин. Файллар каталоги очилганида ушбу стрелка чапга йўналиб қолади ◄. Агар яна бир марта босилса, файллар каталоги экрандан йўқолади, стрелка эса яна тескари ► холатни олади. Шу стрелка бир марта босилганда экраннинг чап томонида ***Обший*** (***Умумий***) деб номланган файллар каталоги пайдо бўлиб, унинг таркибида қуйидаги подкаталоглар бўлади:

- ***Справочники (Маълумотномалар)***
- ***Журналы документа (Хужжатлар журнали)***
- ***Документы (Хужжатлар)***
- ***Отчеты (Ҳисоботлар)***
- ***Регистры сведений (Маълумотлар регистрлари)***

Уларнинг ҳар бирининг чап томонида + белгили тўртбурчак бўлиб, унинг ёрдамида ҳар бир подкаталогнинг таркибини (*яъни, уларнинг ичида нималар жойлашганини кўриб чиқиш ва улардан белгиланган тартибда фойдаланиш мумкин*).

3.2. Маълумотномалар

Масалан, агар ***Справочники*** (***Маълумотномалар***) подкаталогининг + (*плюс*) белгили тўртбурчагини боссак, бу белги – (*минус*) га ўзгаради ва унинг ичида қуйидагилар пайдо бўлади:

- *Справочник (Маълумотнома)*
- *Базовые виды расчета (Асосий ҳисоб-китоб турлари)*
- *Банки (Банклар)*
- *Валюты (Влюталар)*
- *Виды деятельности (Фаолият турлари)*
- *Виды начислений по финансосой деятельности (молиявий фаолият бўйича хисоблаш турлари)*
- *Виды расчета (Рисоб-китоб турлари)*
- *Города (Шаҳарлар)*
- *ва бошқалар*

Билимингизни янада пуҳта қилиш ва дастурни яхшилаб тушуниб олиш мақсадида уларнинг барчасини кўриб чиқинг. Ундан сўнг эса бошқа подкаталогларнинг ичидаги мавжуд файлларни ҳам кўриб ва ўрганиб чиқишингиз фойдадан холи бўлмайди. Ушбу каталоглар иерархик (*дарахтсимон*)



тузилмасининг пастки қисмида бошқа қаторлар ҳам бўлиб, уларнинг номи горизонтал йўналишда ёзиб қўйилган:

- ***Общий (Умумий)***
- ***Банк***
- ***Касса (Ғазна)***
- ***Учёт долгосрочных активов (Узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш)***
- ***Учёт ТМЗ. Торговля (ТМЗ ҳисоби. Савдо)***
- ***Оказание услуг (Хизматлар кўрсатиш)***
- ***Отдел кадров (Кадрлар бўлими)***

- ***Расчёт зарплаты (Иш хақини ҳисоблаш)***
- ***Производство (Ишлаб чиқариш)***
- ***Регламент***
- ***Стандартные отчёты (Стандарт ҳисоботлар)***
- ***Регламентные отчёты (Регламент ҳисоботлар)***

Агарда бу руйҳат вертикал қаторга сиғмаса, у холда пастда уларга мос бўлган пиктограммалар пайдо бўлади ва бу пиктограммаларни танлаш орқали исталганининг подкаталогини (*иккинчи даражали каталог подкаталог деб аталади*) очишимиз мумкин. Агарда бирор бир подкаталогни яшириб қўймоқчи бўлсак, у холда у танлангандан сўнг, пастдаги пиктограммага курсорни келтирамиз ва сичқончанинг ўнг тугмачасини босиб, хосил бўлган контект менюдаги «***Спрятать***» (***Яширилсин***) сўзини танлаймиз. Бунда танланган подкаталог кўринмас холга келтирилади. Уни яна кўринадиган холатга келтириш учун, яна курсорни ўша жойга келтирамиз ва унинг чап тугмачасини боссак, кўринмас холатга келтирилган подкаталоглар руйҳати намоён бўлади. Улардан исталганини танласак, ушбу подкаталог яна кўринадиган холатга келиб қолади.

Экраннинг ўнг пастки томонида маълумотлар базаси тури, номи, жорий сана ва вақт ҳам кўрсатилиб туриши фойдаланувчига ўзига хос қулайлик яратишини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Календардан фойдаланиб, давлат органларига топшириладиган хисоботлар турлари хақида маълумот олиш учун керакли санани белгилаш ва тугмачани босиш кифоя. Унинг пастки

томонида эса бир қанча белгилар бўлиб, уларнинг моҳиятини қуйида кўрсатиб ўтамиз:

■ – календарнинг пастки қисмида, марказда жойлашган бўлиб, у бугунги кунни билишни англатади (*сегодня*)

> - Хафта охири (*конец недели*)

>> - Ой охири (*конец месяца*)

>>> - Чорак охири (*конец квартала*)

>>>> - Йил охири (*конец года*)

< - Хафта боши (*начало недели*)

<< - Ой боши (*начало месяца*)

<<< - Чорак боши (*начало квартала*)

<<<< - Йил боши (*начало года*)

3.3. Тизимдаги шартли ва доимий ахборотлар

Тизимнинг шартли ва доимий ахборотлар билан ишлаши учун унинг конфигурациясида қуйидагилар мавжуд:

1. Константалар – Ўзгармас қийматлар. Битта қийматни (*стандарт константалар: корхоналарнинг турли хилдаги кодлари, ташкилотларнинг номлари, юридик манзили, фаолият туларри ва бошқалар*) ёки қийматлар тарихини (*муайян санага кўра қийматни эслаб қолиш имкониятини берувчи даврий константалар: дам олиш, байрам кунлари, тунда ишлаганлик учун; раҳбар, бош бухгалтер ва бошқалар учун иш ҳақини тўлаш коэффициенти*) сақлаши мумкин. Константаларга кириш менюнинг «***Операциялар (Муомалалар) - Константалар***» банди орқали амалга оширилади.

2. **Маълумотнома - Справочник.** Ўзгармайдиган ахборотни сақлайди. Ҳар бир маълумотнома ўзига хос мазмунга бағишланган

бўлиб, ахборотни тизим турлари ва талабларига кўра ажратиш учун мўлжалланган. Маълумотномада папкалар бўлиши (*ёки бўлмаслиги*) мумкин, бундай ҳолатда маълумотнома «*иерархик*» деб аталади. Бундай созлаш ишлаб чиқарувчилар томонидан аниқланади.

3. **Ҳужжатлар журнали – Журнал документов.** Ҳужжатлар руйҳатини қулай акс эттириш учун мўлжалланган бўлиб, ҳужжат «қатъий» тарзда хеч қандай журнал билан боғлиқ бўлмайди. Битта ҳужжат бир нечта журналда акс эттирилиши мумкин. Умумий журнал барча турдаги ҳужжатларни акс эттиради ва тизимга киритилган барча ҳужжатлар билан ишлаш имкониятини яратади.

4. **Ҳужжат - Документ.** Бухгалтерия операциялари ва қоғозли ҳужжатларнинг электрон шакли. Битта ҳужжат бир нечта операция ва қоғозли ҳужжатларнинг эквивалентини ўз ичига қамраб олиши мумкин. Битта операция (*ёки битта қоғозли ҳужжат эквиваленти*) техник ва маъно жиҳатидан бир нечта ҳужжатга бўлиниши мумкин. Ҳужжатлар ўтказмаларни ва маълумотларни қайд қилиш регистрларини вужудга келтириши мумкин (*агар бундай ҳаракат назарда тутилган бўлса*), барча қайдлар ва ўтказмалар ҳужжатнинг босма шаклида «*Ҳужжатнинг ҳаракатланиши*» деб номланган тугмача орқали акс эттирилади (*бундан кейинги ўринларда маълумотлар регистрларида ўтказмалар ва маълумотларнинг қайд қилиниши «ўтказма» деб номланади, бекор қилиниши эса — «ўтказмани бекор қилиш» деб аталади*). Ҳужжат ўтказилишини амалга оширишда (*у ишлаб чиқарувчилар томонидан ўтказилувчан деб белгиланган бўлиши керак*) фойдаланувчи ҳужжатга тегишли маълумотларнинг энг кам ҳажмини киритиши талаб этилади,

уларнинг асосида қайдлар ва ўтказмаларни яратиш амалга оширилади {*агарда қайдлар ва ўтказмалар яратилмаган бўлса, бундай ҳолларда: 1) ҳужжат ўтказиш вақтида ҳеч нарсани вужудга келтирмайди — бу нарса ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган; 2) ҳужжатда қайдлар ва ўтказмаларни яратиш учун маълумотлар етарли эмас*}.

5. **Маълумот регистрлари – Регистр сведений.** Ўзида маълум бир давр оралиғида, муайян ўлчовлар бўйича ўзгарадиган қийматларни сақлайди (*масалан, маълум бир даврда валюта курсини аниқлаш*). Регистрлар ҳужжат асосида ёки фойдаланувчи томонидан ўзгартириладиган бўлиши мумкин (*тўлдириш варианти ҳам айнан шу орқали белгиланади*).

6. **Жамлама регистрлари – Суммовые регистры.** Сон билан ифодаланадиган маълумотларни сақлашга ва бир нечта ўлчовлар асосида қолдиқларни/айланмаларни олишга хизмат қилади. Жамғарма регистрлари орқали тўпланадиган сон билан ифодаланадиган маълумотлар ресурслар деб аталади. Масалан, жамлама регистрлари омборлардаги товарларнинг миқдори ва қиймати тўғрисидаги ахборотни жамлаши мумкин. Бундай ҳолда у «товар», «омбор» ўлчовларига ҳамда «сони» ва «қиймати» ресурсларига эга бўлади.

7. **Ҳисобот - Отчет.** Якуний ахборотни олиш воситасидир. Ҳисоботларни тузиш учун маълумотлар манбаи сифатида ҳужжатлардаги, маълумотномалар ва регистрлардаги, шунингдек константалардаги мавжуд ахборотлар хизмат қилади.

8. **Ҳужжатнинг босма шакли – Печатная форма документа.**

Ҳисоботларни созлаш имконияти мавжуд эмас ва улар фақат ҳужжатга боғлиқ бўлган маълумотларни акс эттиради.

9. **Жадвал қисми – Табличная часть**. Қоғозли ҳужжатларнинг жадвалларига ўхшаш бўлиб, маълумотларни қаторма-қатор киритиш имкониятини беради.

Дастурнинг юқори қисмида бош ёки асосий меню жойлашган бўлиб, у қуйидаги бандлардан иборат:

3.4. «Файл» менюси:



а) ***Дастурни юклаш (Загрузить)*** — маълумотномаларни дастурга киритиш. Дастурни юклаш ***Microsoft Excel*** дастурида тузилган шаблон орқали амалга оширилади;

б)Т*ашқи компонентлар (Внешные компоненты)* — менюнинг мазкур банди қуйидаги ташқи компонентларни киритишга хизмат қилади:

- ***Қолдиқларни киритиш*** — қуйидаги ҳужжатларга киритиш учун хизмат қилади: «*Счётлар бўйича қолдиқларни киритиш», «Асосий воситалар ва номоддий активлар (НМА) бўйича қолдиқларни киритиш», «ТМЗ бўйича қолдиқларни киритиш*»;
- ***Маълумотномалар ва ҳужжатларга ишлов бериш*** — маълумотларни умумий тарзда киритиш, ўчириш белгисини қўйиш ва аксинча, маълумотномалар ва ҳужжатларга қўйилган ўчириш белгисини олиб ташлаш учун хизмат қилади;

- ***Элементларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш*** — маълумотноманинг ичида элементларни умумий тарзда бошқа жойга кўчириш учун хизмат қилади;
- ***Шаклни тест тарзида очиш*** - дастурнинг объектлари ва объектларнинг элементларини очишга хизмат қилади;

в) ***Ёпиш ёки дастурдан чиқиш (Выход)*** — дастурнинг актив ҳолатдаги ойналарини ёпиш;

3.5. "**Муомалалар**" - «***Операции***» **менюси:**



а) ***константалар (константы)*** — шартли-доимий ахборот билан ишлашга хизмат қилади. Константалар битта маълумотни (*стандарт константалар*) ёки маълумотнинг тарихини (*муайян санага кўра маълумотни эслаб қолиш имкониятини берувчи даврий константалар*) сақлаши мумкин.

Константалар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

• ***маълумотларни кўрсатиш*** — берилган санадаги маълумотларни акс эттириш;

• ***маълумотнинг келиб чиқиш тарихини*** акс эттириш;

Константаларга «***Умумий***» варағи орқали қуйидагилар киритилиши мумкин:

- ❖ корхонанинг давлат руйҳатидан ўтган санаси;
- ❖ номланиши;
- ❖ расмий номи;
- ❖ идоравий мансублиги;
- ❖ мулкчилик шакли;
- ❖ ташкилот раҳбари (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- ❖ бош бухгалтер (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- ❖ кассир (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- ❖ фаолиятининг асосий тури (*танлов «Фаолият турлари» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- ❖ фаолият турлари (*танлов «Фаолият турлари» маълумотномасидан амалга оширилади*);

«***Ташкилот реквизитлари***» - ***Реквизиты организации*** - варағи орқали эса қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ➢ юридик манзили;
- ➢ почта манзили;
- ➢ ташкилотнинг телефонлари;

- банкнинг асосий ҳисоб-китоб рақами (*танлов «Шахсий ҳисоб-китоб счётлари» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия счёти (ШЖБПС-ИНПС) ни юритувчи банк (*танлов «Банклар» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия счёти (ШЖБПС-ИНПС) ни юритувчи банк ҳисоб-китоб рақами;
- ташкилотнинг Давлат солиқ инспекцияси;
- давлат мулкини бошқарувчи орган;
- ташкилотнинг солиқ тўловчи сифатидаги идентификацион рақами (СТИР) и;
- КОПФ – ТХШТ - коди;
- ОКОНХ – ХХТУТ - коди;
- СОАТО – МХОБТ - коди;
- СООГУ – ДБИБТ - коди;
- SWIFT - коди;
- КФС – МШТ - коди;
- ОКПО- КТУТ - коди;
- ОКУД – БХУТ - коди;

«***Иш хақи***» - ***Зарплата*** варағида эса қуйидагиларни киритиш мумкин::

- энг кам иш ҳақи миқдори;
- соҳа бўйича энг кам иш ҳақи миқдори;
- ҳисоб-китоб пайтида ЯИТ (*ягона ижтимоий тўлов*) нинг

базавий ҳажмини аниқлаш вариантларининг қатъий белгиланган руйҳати («ҳа», «йўқ»);

- ЯИТ нормативининг фоизи;
- иш вақтининг асосий жадвали (*танлов «Иш вақтининг жадвали» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- байрам ва дам олиш кунларига ҳақ тўлаш коэффициенти;
- тунги ишга ҳақ тўлаш коэффициенти;
- маошдан бўнак бериш фоизи;
- пластик карточкалар счёти (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади)*;
- пластик карточкага пул ўтказиб бериш фоизи;
- қайдномадаги сонларни яхлитлаш — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати *(«яхлитланмаган», «О гача яхлитлаштириш», «10 гача яхлитлаштириш», «100 гача яхлитлаштириш», «1000 гача яхлитлаштириш»);*
- ой мобайнида иш ҳақини ҳисоблаш санаси;

«***Хоказо***» варағи орқали эса қуйидагилар киритилиши мумкин:

- таҳрир қилишни ман этиш санаси;
- қўшилган қиймат солиғининг асосий ставкаси (*танлов «Қўшилган қиймат солиғининг ставкалари» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- асосий сақлаш жойи (*танлов «Сақлаш жойи» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- ҳисобдан чиқариш усули — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати *(«FIFO», «AVECO», «баҳолар усули»);*
- товар-моддий заҳираларни ҳисобдан чиқариш (*комиссия раиси*)

(*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан танлов оширилади*);

- товар-моддий заҳираларни ҳисобдан чиқариш (*1-иштирокчи-раис*) (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- товар-моддий заҳираларни ҳисобдан чиқариш (*2-иштирокчи-аъзо*) (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади-аъзо*);
- товар-моддий заҳираларни ҳисобдан чиқариш (*3-иштирокчи-аъзо*) (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);
- товар-моддий заҳираларни ҳисобдан чиқариш (*4-иштирокчи-аъзо*) (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

б) ***ҳужжатлар журнали*** — барча ҳужжатларнинг руйҳати;

в) ***маълумотномалар*** — барча маълумотномаларнинг руйҳати;

г) ***ҳисоботлар*** — барча ҳисоботларнинг руйҳати;

д) ***счётлар режаси*** — «Счётлар режаси» маълумотномаси;

е) ***регистрлар*** — маълумот регистрларининг барча руйҳати ва жамлама
регистрлари;

ж) ***мастерлар*** — ойликни ҳисоблаш мастери;

з) ***белгиланган объектларни ўчириш*** — белгиланган объектларни дастурдан ўчириш (*тиклаш имкониятисиз*). Ушбу функциядан фақат «монополия режими»да фойдаланиш мумкин;

и) ***ҳужжатларни ўтказиш*** — ҳужжатларни умумий тарзда ўтказиш. Мазкур функциядан фақат «монополия режими» да фойдаланиш мумкин;

к) ***объектни топишга ёрдам берувчи изоҳларни қидириш*** - белгиланган объектни топиш учун изоҳларни қидириш. Маълумотноманинг ёки ҳужжатнинг элементи объект бўлиши мумкин;

л) ***объектларнинг маъносини ўзгартириш*** — объектнинг битта элементини бошқасига алмаштириш. Маълумотноманинг ёки ҳужжатнинг элементи объект бўлиши мумкин. Мазкур функциядан фақат «Монополия режими»да фойдаланиш мумкин.

3.6. «Хизмат» - «*Сервис*» менюси да қуйидаги имкониятлар мавжуд:



а) К***алькулятор*** — дастурдаги мавжуд калькулятор (*у ўнг томондаги стрелкасимон тугмачани туртганда ҳам пайдо бўлади*);

б) Т***иллар (Язык)*** — дастур интерфейсининг тилини ўзгартириш (*ўзбек тили, рус тили*);

в) М***аълумотлар (Данные)*** — маълумотлар базасининг заҳира нусхасини вужудга келтириш ва маълумотлар базасининг нусхасини тиклаш;

г) Э***лектрон почта орқали жўнатиш (Отправка по электронной почте);***

д) Ф***ойдаланувчи чати (Пользовательский чат);***

е) Т***ақвим (Календарь)*** — дастурдаги мавжуд тақвим;

ж) Л***упа*** — компьютердаги тасвирларни катталаштириш учун тизимли дастур;

з) Ф***ойдаланувчи маълумотномаси (Справочник «Пользователя)*** - изоҳларни, реклама маълумотларини, асосий шаклни кўриш эффектларини ёқиш (*ўчириш*);

и) ***Информацион базага кириш режимини созлаш (Настройка режима доступа к информационной базе)*** — дастурнинг асосий ўлчовларини аниқлаш;

й) ***Фойдаланувчининг созланиши (Настройка пользователя)***;

к) ***Созловлар (Настройки)***

л) ***Электрон хисоботлар холати хақидаги хисобот (Отчет о состоянии электронной отчетности)***

«***Умумий***» - ***Общие*** варағида қуйидагилар берилиши мумкин:

- *маълумотлар базасининг идентификация рақами* — бўлинган дастурда синхронлаштириш ўлчовларини созлашга хизмат қилади (*ушбу модуль дастурнинг стандарт тўпламига кирмайди*);

- *иш санаси* — компьютер санасидан фарқ қилувчи санада ишлашга хизмат қилади. Агар «фойдаланиш» белгиси ўрнатилган бўлмаса, у ҳолда тизим компьютерда ўрнатилган санада ишлайди. Дастурда санани ўрнатиш учун «фойдаланиш» белгисини ўрнатинг ва керакли санани қўйинг;

«***Вақт билан боғлиқ интерваллар***» варағида эса қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- *ҳужжатлар журнали* — ҳужжатлар журнали ва ҳужжатлар руйҳатлари шаклини очишда вақт оралиғини аниқлайди;
- *ҳисоботлар* - дастурда ҳисоботларни очишда вақт оралиғини аниқлайди (*ҳисоботлар, ҳисобот менюси орқали очилмаган ҳолатдан ташқари*);
- *регистрлар* — дастурда маълумотлар регистри ва жамлама регистри очилишида оралиқ вақтни аниқлайди;

«***Бухгалтерия хисоби якунлари***» варағи уларнинг тўғрилигига шубҳа туғилган тақдирда, базанинг бутун қолдиқларини ҳар қандай кўрсатилган давр бўйича қайта ҳисоблаш имконини беради. Электр энергияси таъминотида ёки компьютер ишида узилишлар рўй берган тақдирда, ушбу ҳаракатга зарурият вужудга келиши мумкин;

«***Почта қутиси***» варағи:

- *SMTP-сервер* — чиқувчи почта сервери;
- *почта қутиси* — электрон почта манзили;
- *логин* — электрон почта логини;
- *пароль* — электрон почта пароли;

«***Хоказолар***» варағи ячейка (*катакча, хона*) ни таҳрир қилиш тугагандан сўнг, ҳужжатларнинг жадвал қисмларида фокуснинг ўтиш йўналишларини аниқлайди *(«enter» ни босган пайтда*).

3.7. «Ойналар» - «Окна» — менюси -



дастурда очилган ойналар билан ишлаш бўлиб, унда иккита асосий имконият мавжуд:

- ***Маълумотлар ойнаси – Окно сообщений***
- ***Чеккадаги панел - Боковая панель***

Бу имкониятлар дастур дарчасида маълумотлар ойнасини очишнинг бир қанча имкониятларини яратади ва бу билан фойдаланувчига ўзига хос қулайлик яратилади.

3.8. «Ёрдам» - «Помощь»



менюсида эса қуйида тарифланган имкониятлардан фойдаланиш мумкин::

а) ***Ёрдам - Помощь*** — дастурда мавжуд бўлган ёрдам;

б) ***«БЭМ»ни руйҳатдан ўтказиш – «Регистрация . . .»***— дастурни руйҳатдан ўтказиш;

в) ***Дастур ҳақида – «О программе»***— Ишлатилаётган БЭМ дастурининг версияси ҳақидаги маълумот.

3.9. Дастур панели билан ишлаш

Дастур панели икки қисмдан иборат: тепа қисм ва пастки қисм. Пастки қисмдаги бирор бир бухгалтерия участкасининг тугмачасини боссак, унинг ичида нималар борлиги панелнинг тепа қисмида иерархик-дарахтсимон кўринишда пайдо бўлади. Бу иерархик тузилмадаги + белгичаларини боссак, у холда худди ўша тузилма очилади ва унинг таркибида нималар борлигини кўришимиз мумкин бўлади. Мисол сифатида **Банк** тугмачаси танланганидаги панелнинг кўринишини келтиришимиз мумкин:



Бу ерда, 1 - иерархик (*дарахтсимон*) тузилма,

2 – панелнинг ўлчами шу ерга сичқонча кўрсатгичини олиб келган холда ўзгартирилиши мумкин. Бунда стрелка икки томонга йўналган стрелкача кўринишини олади ва уни чапга-ўнгга ёки тепага-пастга йўналишларида суриш орқали панелнинг вертикал ва горизонтал ўлчамларини ўзгартириш мумкин.

3 – бухгалтерия участкалари номлари, уларнинг исталгани босилганида, унинг ранги бошқаларига нисбатан ўзгариб қолади.

4 – панелга сиғмаган бухгалтерия участкалари номлари унинг энг пастида белгичалар кўринишида намоён бўлади.

5 – панелни ушбу чапга йўналган стрелка ёрдамида экрандан йўқотиш мумкин.

БЭМ дастурида ишлаганда исталган хисоботни ёки печать формани очсангиз, экраннинг пастки чап қисмида бир қанча тугмачаларни кўрасиз. Агар уларнинг исталганига сичқонча кўрсатгичини келтириб, бироз кутилса, унинг нима вазифа бажариши хақида маълумот пайдо бўлади (*всплывающая подсказка*). Ўнг тепа қисмда эса ***Таҳрирлаш режими (Режим редактирования*)** тугмачаси жойлашган. Шу каби тугмачаларни батафсилроқ кўриб чиқамиз:



 Тасвир қўшилсин



шрифтларни, бордюрларни, жойлашувни созлаш

 катакчаларни бирлаштириш

 сетка билан ишлаш

 БЭМ дастурида таҳрирлаш

 хужжатдаги алоҳида жойларни маҳкамлаш

 хужжатда кенгайтирилган қидирув

 хужжатларни электрон почта орқали жўнатиш

 хужжатни печатлаш

 хужжатни печатлашдан олдин кўриб чиқиш

 хужжатни сақлаш



Таҳрирлаш режими.

3.10. Дастурдаги тугмачалар тавсифи ва улар билан ишлаш

Дастурдаги исталган объектни очсангиз, унинг чеккасида ёки юқори қисмида бир қанча турларга мансуб тугмачаларни кўришингиз мумкин:



Уларнинг исталганига сичқонча курсорини келтирсангиз, унинг қандай вазифа бажариш хақида қисқача маълумот пайдо бўлади (*всплывающая подсказка*). Унинг ёнида квадрат қавслар ичида бу

ишни клавиатура орқали қандай бажариш мумкинлиги ҳам пайдо бўлади. Қуйида бундай тугмачаларнинг тасвири ва уларнинг нима ишлар бажариши мумкинлиги хақидаги маълумотларни келтирамиз:



Қаторга янги элемент қўшиш, янги хужжат яратиш ёки маълумотноманинг янги элементини яратиш.



Бирор-бир элементни нусҳалаш



Мавжуд элементларни таҳрирлаш



Элементни йўқотиш учун белги қўйиш



Фойдаланувчи томонидан берилган кўрсатгичлар асосида

фильтр ўрнатиш



Фильтрни ўчириш



Янгилаш

 Кенгайтирилган қидирув

 Бир қанча элементлар гуруҳини (*группани*) ажратиш. Бу иш **Ctrl**

ва **Shift** тугмачалари орқали амалга оширилади.

 Дастурдаги ёрдам имкониятларини очиш

 Хужжатлар ва ўтказмаларнинг печат формаларини очиш

 Хужжат бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш (*проводка*)

 Хужжат бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш (*проводка*) ни рад қилиш

3.11. Маълумотномалар (Справочники) билан ишлаш

Дастурда қуйидаги маълумотномалар кўзда тутилган:

- *Счётлар режаси*
- *Ҳисоб-китобнинг асосий турлари*
- *Банк*

- *Валюталар*
- *Фаолият турлари*
- *Ҳисоб-китоб турлари*
- *Шаҳарлар*
- *Иш вақти жадваллари*
- *Иш навбати жадваллари*
- *Эслатма саналари*
- *Пул маблағларининг ҳаракатланиши*
- *Шартномалар*
- *Лавозимлар*
- *Харид қилиш учун қўшимча харажатлар*
- *Ўлчов бирликлари*
- *Солиқ тўловчининг кодлари (СТИР – ИНН)*
- *Контрагентлар*
- *Сақлаш жойлари*
- *Солиқлар ва ажратмалар*
- *Номоддий активлар*
- *Асосий воситалар*
- *Боғлиқ счётлар*
- *Пластик карточкалар*
- *Бўлимлар*
- *Байрамлар*
- *Келгуси даврлар харажатлари*
- *Контрагентларнинг ҳисоб-китоб рақамлари*
- *Шахсий ҳисоб-китоб счётлари*
- *Ходимлар*

- ❖ *Бухгалтерия ҳисобида иш ҳақини акс эттириш йўллари*
- ❖ *Тақсимлаш усуллари*
- ❖ *Қўшилган қиймат солиғи ставкалари*
- ❖ *Даромад моддалари*
- ❖ *Харажат моддалари*
- ❖ *Мамлакатлар*
- ❖ *Товар-моддий заҳиралар*
- ❖ *Марказлар*
- ❖ *Баҳолар*
- ❖ *Даромад солиғини ҳисоблаш шкаласи*

1. *«Счётлар режаси» - План счетов*. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар (*асосий ва қўшимча*) руйҳатини сақлайди. Счётлар режасининг ойнаси, маълумотномалар каби, руйҳат ичидан счётни танлаш учун дастурнинг турли иш режимларидан фойдаланилади. Ушбу маълумотнома элементи ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) код — ҳисобрақамнинг коди;

б) номланиши — счёт (асосий ва қўшимча)нинг тўлиқ номланиши;

в) счётнинг тури — счётнинг белгиси. Вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати *(«актив», «контрактив», «пассив», «контрпассив», «транзит», «балансдан ташқари»*);

г) валютали — валюта ҳисобини юритиш белгиси;

д) миқдорга оид — миқдорга оид ҳисобни юритиш белгиси;

е) субконто 1, 2, 3 — счёт таҳлили. Вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати *(«ҳеч нарса», «чиқиб кетиш турлари», «пул*

маблағларининг ҳаракатланиши», «шартномалар», «ҳужжатлар», «контрагентлар», «сақлаш жойлари», «солиқлар ва ажратмалар», «номоддий активлар», «асосий воситалар, НМА ва ТМЗ», «асосий воситалар», «келгуси даврлар харажатлари», «шахсий ҳисоб-китоб счётлари», «ходимлар», «харажат моддалари», «смета моддалари», «товар-моддий заҳиралар», «баҳолар»).

2. ***«Ҳисоб-китобнинг асосий турлари» - Основные виды расчетов.*** Ҳисоб-китоб турларини жамлаган, улар «Ишга қабул қилиш» ҳужжати «Ҳисоб-китоб турлари» варақларининг жадвал қисмини тўлдиради. Ушбу маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) ҳисоб-китоб тури (*танлов «Ҳисоб-китоб тури» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) тақсимлаш усуллари (*танлов «Тақсимлаш усуллари» маълумотнома сидан амалга оширилади*);

г) фоиз — ҳисоб-китоб тури бўйича ҳисоблашда назарда тутилган фоиз миқдори;

д) сумма — ҳисоб-китоб турини амалга оширишда ишлатиладиган миқдор;

е) лавозимига кўра — агар «ҳа» бўлса, бу ходимнинг ҳар бир лавозимига

бир турдаги ҳисоб-китоб амалга оширилишига олиб келади *(«иш ҳақини ҳисоблаш» ҳужжатини тўлдириш вақтида*).

3. **«Банк».** Дастурда иштирок этувчи банклар руйҳатини сақлайди. Ушбу маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) МФО — банк коди (*5 рақамли сон*);

б) банкнинг номланиши;

в) банк жойлашган манзил;

г) мазкур банк жойлашган шаҳар (*танлов «Шаҳар» маълумотномасидан*
амалга оширилади).

4. «***Валюталар***» - ***Валюты***. Дастурда фойдаланиладиган валюталар руйҳатини саклайди. Мазкур маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) валютанинг номланиши;

б) валютанинг қисқача номи;

в) валютани тақдим этиш шакли.

5. **«*Фаолият турлари» - Виды деятельности*.** Ташкилот бўлинмалари руйҳатини сақлайди. Ушбу маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар белгиси;

в) фаолият турининг номланиши;

г) ушбу фаолият тури бўйича солиқ ставкаси;

д) фаолият тури бўйича даромадлар ҳисобини юритиш счёти (*танлов*

«Счётлар режаси» маълумотномаси бўйича амалга оширилади).

6. **«*Ҳисоб-китоб турлари*» - *Виды расчетов*.** Ташкилотда фойдаланиладиган ҳисоб-китоб турлари руйҳатини сақлайди, у тўловлар, устамаларни, иш ҳақини ҳисоблашга мўлжалланган базавий суммани аниқлашга мўлжалланган. Ушбу маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

«***Асосий***» варағи:

а) код;

б) ҳисоб-китоб турининг номи; . ■ • ■■

в) ҳисоб-китоб тури — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати

(«*ўтказилган пул маблағлари», «чегирмалар», «тўлов», «натура шаклидаги даромад», «ҳисоб-китобнинг оралиқ тури», «ажратмалар»);*

г) Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш усули — бухгалтерия ҳисобида ушбу ҳисоб-китоб турини акс эттириш учун қандай ўтказмалар ташкил қилиниши зарурлигини аниқлайди (*танлов «Бухгалтерия ҳисобида иш ҳақини акс эттириш усуллари» маълумотномасидан амалга оширилади*). Ўтказмаларнинг қуйидаги ҳисоб-китоб турлари учун ўтказмалар амалга оширилмайди:

- «натура шаклидаги даромад»;
- «тўлов»;
- «ҳисоб-китобнинг оралиқ тури»;

д) фоиз — «фоизи билан» ёки «формула бўйича» (*агар формулада «фоиз» мавжуд бўлса*) ҳисоб-китоб тури учун назарда тутилган фоиз;

е) ҳисоб-китоб усули — «Хисоб-китоб тури»ни ҳисоблашда асосий суммани жамлаш характерини ҳамда «ҳисоб-китоб тури»ни хисоблаш характерини белгилайди. Вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати:

• «қатъий белгиланган миқдор» — жадвалда ёки «ҳисоб-китобнинг доимий турида» кўрсатилган ҳисоб-китоблар бўйича жамланган, ушбу ҳисоб-китоб турига асосланувчи базавий миқдорга тенг якуний миқдор;

• «фоиз билан» — базавий миқдор «қатъий белгиланган миқдор» ҳисоб-китоб туридаги каби усулда жамланади, якуний миқдор = базавий миқдор * фоизга тенг бўлади;

• қатъий белгиланган руйҳати *(«хизмат сафарига чиқувчи ходимларга берилган маблағлар», «хизмат сафари учун белгиланган меъёр доирасидаги кундалик харажатлар», «белгиланган меъёр доирасида дала таъминоти», «хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари», «кондаги шикастла-ниш билан боғлиқ суммалар», «хайрия жамғармаларига даромадлар», «алоҳида саналарда бериладиган рағбатлантирувчи тўловлар», «ходимга фавқулодда шароитларда бериладиган тўловлар», «олий ўқув юртини тугатгандан кейин бериладиган ёрдам пули», «бошқа турдаги тўловлар»*) танлаб олиниши лозим;

з) формула — ҳисоб-китоб «формула бўйича» амалга

оширилганда тўлдирилади. Формулалар элементларининг қатъий белгиланган руйҳати *(«маош», «фоиз», «ставка», «режадаги кунлар», «режадаги соатлар», «ҳақиқатдаги кунлар», «ҳақиқатдаги соатлар», «дастлабки миқдор», «энг кам иш ҳақи»)* танлаб олиниши лозим;

и) «бу нафақа пули ёки хизмат сафарига чиқиш харажатлари» белгиси -ҳисоб-китобнинг ушбу тури харажатнинг нафақа пули ёки хизмат сафарига чиқиш харажатларига кириши ёки кирмаслигига боғлиқ. Мазкур белги ЯИТ (*ягона ижтимоий тўлов*) хисоботи учун маблағлар жамлашга хизмат қилади;

• «Кириш» варағи ушбу ҳисоб-китоб турида қўлланиладиган ҳисоб-китоб турлари руйҳатини ўзида сақлайди.

• «Қўлланиладиган хисоб-китоб тури» варағи ўзида базавий миқдорни аниқлаш учун қўлланадиган ҳисоб-китоб турлари руйҳатини сақлайди (*танлов «Ҳисоб-китоб турлари» маълумотномасидан амалга оширилади*).

• «Шаҳарлар» - ўзида ушбу дастурга маълум бўлган шаҳарлар руйҳатини сақлайди. Ушбу маълумотноманинг элементи шаҳарларнинг номини ўз ичига олади.

• «Иш вақти жадваллари» — ўзида ташкилотда қайд этилган иш жадваллари руйҳатини сақлайди. Ушбу маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) номланиши;

б) жадвалнинг тури — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати

(«беш кунлик», «олти кунлик», «навбат (смена)»);

в) кундузги иш соатларининг бошланиши;

г) кечки иш соатларининг бошланиши;

д) тунги иш соатларининг бошланиши;

е) «иш жадвалини яшириш» («*иш жадвалини кўрсатиш*») белгиси «Иш соатлари» ва «Навбат (смена) лар» варағини яширади (*ёки кўрсатади*);

Жадвалнинг «***Иш тақвими***» - ***График работы*** қисми:

а) «тўлдириш» тугмаси — киритилган маълумотлар асосида жадвал қисмларини тўлдиради;

б) ой, жадвал қисмида тўлдирилиши шарт;

в) йил, жадвал қисмида тўлдирилиши шарт;

г) сана;

д) соатлар — бир кундаги соатлар миқдори;

е) кечки соатлар — бир кундаги кечки соатлар миқдори;

ж) тунги соатлар — бир кундаги тунги соатлар миқдори;

з) танланган йилни ўчириш - жадвал қисмидан тозаланади;

«***Иш соатлари***» - ***Рабочие часы*** варағи:

а) ҳафта кунлари — ҳафтанинг иш кунларини белгилаш зарур;

б) иш кунининг бошланиш вақти;

в) иш кунининг тугаш вақти;

«***Навбат» - Смена*** варағи:

а) навбат (*смена*) нинг бошланиш санаси;

б) кун рақами;

в) навбат (*смена*) (*танлов «Навбат (смена)лар жадвали» маълумотномасидан амалга оширилади*).

9. «***Иш навбати жадваллари***» — «***Иш вақти жадваллари***» - ***Графики рабочего времени*** маълумотномасида фойдаланиладиган навбат (*смена*) лар руйҳатини сақлайди. Мазкур маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) жадвалнинг номланиши;

б) коди;

Жадвал қисми:

а) иш кунининг бошланиш вақти;

б) иш кунининг тугаш вақти.

10. «***Эслатма саналари***» - ***Даты напоминания*** — ўзида эслатмалар руйҳатини сақлайди. Дастурни ишга туширишда компьютердаги сана маълумотномада кўрсатилган сана билан солиштирилади. Агар маълумотномада компьютердаги санага мос келувчи сана бўлса ёки у 1-3 кун кўп бўлса, бундай ҳолатда уларнинг хабарлари битта руйҳатга жамланиб, эслатмалар ойнасида ёритилади. Мазкур маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) эслатманинг номланиши;

в) эслатма санаси - эслатмада қўлланиладиган саналар руйҳати (*жадвал кўринишида*);

г) хабар матни;

д) мазкур хабарнинг асослари.

11. «***Пул маблағларининг ҳаракатланиши***» - ***Движение денежных средств*** - ўзида ўтказма шаблонларининг бир томонини сақлайди. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз

ичига олади:

а) номланиши;

б) ҳаракат тури — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати («*фаолиятнинг асосий турлари бўйича тушумлар», «бошқа операциялар бўйича тушумлар», «мақсадли молиялаштириш», «беғараз тушумлар»,«олинган кредитлар», «олинган қимматли қоғозлар», «молиявии фаолият натижасида олинган дивидендлар ва фоизлар», «банкдан олинган нақд пуллар», «бошқа тушумлар», «товарлар, маҳсулотлар, иш ва хизматларни сотиб олиш», «меҳнатга ҳақ тўлаш», «ижтимоий жамғармаларга тўловлар», «ҳисобдор шахсларга берилган суммалар», «қурилишда улушли иштирок этиш», «машиналар, жиҳозлар ва транспорт воситаларини сотиб олиш», «молиявии инвестициялар», «тўланган дивидендлар, фоизлар», «бюджетга тўловлар», «кредитлар ва қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва асосий суммаларни тўлаш», «банкка нақд пул шаклида топширилган», «бошқа турдаги тўловлар ва ўтказмалар*»);

в) фаолият бўлими — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати («*асосий фаолият», «инвестицион фаолият», «молиявий фаолият*»);

г) счёт (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномаси орқали амалга оширилади*);

д) субконто 1, 2, 3 — ҳисобрақамнинг таҳлили.

Мазкур маълумотнома «*Тўлов топшириғи», «Банк кўчирмаси», «Касса ордерлари*» ҳужжатлари бўйича операцияларни акс эттириш

шаблонлари учун мўлжалланган. Ушбу маълумотномада мазкур ҳужжатлар бўйича кўп фойдаланиладиган операцияларни сақлаш тавсия этилади. Саралаш қулай бўлиши учун маълумотнома давомийлик (*иерархия*) тамойилига асосан киритилган.

12. «***Шартномалар***» - ***Договора.*** Ўзида дастурда руйҳатга олинган контрагентларнинг барча шартномаларини сақлайди. Ҳар бир шартнома битта контрагентга тегишли бўлади. Янги шартномани муайян контрагент учун «***Шартнома***» варақасида яратиш тавсия этилади. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) номланиши — тугмани босиш орқали « -сонли «шартнома»дан «бошланиш санаси» форматида шакллантириш имконияти мавжуд;

б) шартнома сони;

в) шартнома қиймати (*миллий валютада*);

г) шартноманинг амал қила бошлаши санаси;

д) шартноманинг тугаш санаси;

е) изоҳ (*шархлаш вазифасини ўтайди*).

13. «***Лавозимлар***» - ***Должности***. Ташкилот бўлимларининг руйҳатини сақлайди.





Ушбу маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) лавозимнинг номланиши;

в) харажатларни тақсимлаш тарзи — «*Иш ҳақини ҳисоблаш*» ҳужжатини ўтказиш вақтида ўтказмаларни шакллантириш учун варақнинг бир томонини аниқлашга хизмат қилади. Мазкур маълумотномадан фойдаланиш мақсадида уни созлаш «*Бухгалтерлик ҳисобида иш ҳақини акс эттириш йўллари*» маълумотномаси орқали аникланади (*танлов «Тақсимлаш йўллари»*

маълумотномаси орқали амалга оширилади);

г) категория — ахборот тусидаги, қатъий белгиланган руйҳат («*раҳбар», «мутаҳассис», «техник ходим», «ишчи*»);

д) «уйда ишловчи (*касаначи*)» белгиси — фақат ахборот тусида бўлиб, шахснинг уйда ишлашини билдиради;

е) «хизмат соҳасида» белгиси — лавозимнинг хизмат соҳасига мансублигини билдиради;

ж) «соатбай тўлаш» белгиси — иш ҳақини ишланган соатлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш зарурлигини белгилайди.

14. «***Харид қилиш учун қўшимча харажатлар***» - ***Дополнительные расходы на приобретение***. Сотиб олиш учун қўшимча харажатларнинг руйҳати ва номини ўз ичига олади.

15. «***Ўлчов бирликлари***» - ***Единицы измерения***. Дастурда фойдаланиладиган ўлчов бирликлари турларини сақлайди. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ўлчов бирликларининг номланиши;

б) ўлчов бирликларининг тўла номланиши.

16. «***Солиқ тўловчининг кодлари***» - ***Коды налогоплательщика***. Имтиёзга эга шахсларнинг вариантлари руйҳати. Имтиёз коди «*Ходим*» маълумотлар регистридан сўралади. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) номланиши;

б) маротаба — имтиёзли энг кам иш ҳақининг миқдори.

17. «***Контрагентлар***» - ***Контрагенты***. Ўзида мазкур

ташкилот билан ишлаётган таъминотчилар ва буюртмачиларнинг руйҳатини сақлайди. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

«***Асосий***» варағи:

а) код;

б) «*бу жисмоний шахс*» белгиси — контрагент жисмоний шахс эканлигини англатади. Белги ёқилган ҳолатда «*Паспорт маълумотлари*» варағидаги майдонларда ишлаш имконияти туғилади:

• паспорт берилган сана;

• паспорт серияси;

• паспорт ким томонидан берилган;

в) контрагентнинг номланиши;

г) тўла номи — контрагентнинг тўла номи, асосан бу ташкилотнинг

номланишидир;

д) мамлакат - контрагентнинг мамлакати, агар у Ўзбекистонда жойлашган бўлса — «Ўзбекистон» белгиси қўйилади (*танлов «Мамлакатлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

е) манзил — контрагентнинг юридик манзили;

ж) контрагентнинг почта индекси;

з) контрагентнинг почта манзили;

и) контрагентнинг телефонлари;

к) контрагентнинг тармоқ коди - ОКОНХ;

л) контрагентнинг СТИР – ИНН си;

м) қўшимча маълумот — шарҳлаш вазифасини бажаради;

«***Хисоб-китоб счётлари***» варағи:

а) асосий ҳисоб-китоб рақами — дастурда кўзда тутилган счёт сифатида кўриб чиқиладиган ҳисоб-китоб рақами (*лозим бўлган жойларда*);

б) «хорижлик» белгиси — контрагент хорижий мамлакат фуқароси эканлигининг белгисидир. Белги ёқилган бўлса, «SWIFT» майдонидан фойдаланиш мумкин;

с) контрагентнинг SWIFT и;

Жадвал қисми *(«Контрагентларнинг ҳисоб-китоб рақамлари» маълумотномасидан ушбу контрагентга тааллуқли ҳисоб-китоб рақамлари руйҳатини акс эттиради; янги ҳисоб-китоб рақамини таҳрир қилиш, ўчириш ва янги қисоб-китоб рақамларини яратиш имкониятини вужудга келтиради*):

• ҳисоб-китоб счёти — ҳисоб-китоб счётининг рақами;

• ҳисоб-китоб счётининг номи;

• МФО — контрагентнинг ушбу ҳисоб-рақам рақами жойлашган банк (*танлов «Банклар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

«***Шартномалар***» варағи:

• жадвал қисми *(«Шартнома» маълумотномасидаги ушбу контрагентга тааллуқли шартномалар руйҳатини акс эттиради; янги шартномаларни вужудга келтириш, таҳрир қилиш ва ўчириш имконини беради*):

• код — шартнома рақами;

• номи;

• шартноманинг амал қила бошлаш санаси;

• шартнома суммаси (*миллий валютада*);

• изоҳ (*шарҳлаш вазифасини бажаради*);

• шартнома амал қилишининг тугаши санаси.

18. «***Сақлаш жойлари***» - ***Места хранения***. Дастурда фойдаланиладиган сақлаш жойлари руйҳатини сақлаш учун хизмат қилади. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) сақлаш жойининг номи;

в) моддий жавобгар шахс (МЖШ - МОЛ) — ушбу сақлаш жойига моддий жиҳатдан масъул бўлган ташкилот ходими (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*).

19. «***Солиқлар ва ажратмалар***» - ***Налоги и отчисления***. Солиқлар руйҳати ва уларни тақсимлаш усуллари (*фақат ахборот кўринишида*) ни ўзида сақлайди. Мазкур маълумотнома солиқ ва бухгалтерия ҳисоби орасидаги алоқани аниқлайди. Мазкур маълумотноманинг элементлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) номи;

в) мазкур солиқ тури бўйича мўлжаллантан счёт. Вариантларнинг қатьий

белгиланган руйҳати *(«4400», «4500», «6400», «6500» счётлари гуруҳларидаги қўшимча счётлар*);

г) ҳисобдан чиқариш счёти (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

д) субконто 1, 2, 3 — ҳисобдан чиқариш ҳисобининг таҳлили;

е) фоиз — ушбу солиқни ҳисоблаш фоизи;

ж) «*ҳужжатдан фойдаланмоқда*» белгиси — «*Солиқларни ҳисоблаш*» ҳужжатини тўлдириш вақтида ушбу солиқнинг иштирокини аниклайди.

20. **«*Номоддий активлар (НМА)*» - *Нематериальные активы*.** Маълумотларни қулай сақлаш учун ташкилотнинг номоддий активлари руйҳатини аниқлайди. Корхона активлари гуруҳларга тақсимланган бўлиб, у активларни ҳисобга олувчи счётлардан ташкил топган. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) инв. № — номоддий активнинг инвентарь рақами;

в) номоддий активнинг номи;

г) ҳисоб юритиш счёти — ушбу актив тааллуқли бўлган номоддий активлар гуруҳида аниқланади;

д) амортизация харажатларини тақсимлаш усули (*танлов «Харажатларни тақсимлаш йўли» маълумотномаси орқали амалга оширилади*);

е) келиб тушиш санаси (*сотиб олиш санаси*) — активларни қайта баҳолашда маълум бир коэффициентни қўллаш мақсадида фойдаланилади;

ж) чиқиб кетиш санаси — номоддий активларнинг чиқиб кетиши санаси. Мазкур майдон автоматик тарзда «*Асосий воситалар ва номоддий*

активларнинг чиқиб кетиши» ҳужжати санаси билан тўлдирилади,

мазкур актив унинг жадвал қисмидан жой олган. Майдон таҳрир қилиш учун ёпиқ;

з) амортизация меъёри — бир йиллик амортизация ставкаси (*фоизда*).

21. «***Асосий воситалар» - Основные средства.*** Ташкилотнинг асосий воситалари руйҳатини белгилайди. Ахборотни базада сақлашга қулай бўлиши учун берилган активлар гуруҳларга бўлинган, улар активларни ҳисобга олувчи счётлар кўринишида тақдим этилади. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) инв. № — асосий воситаларнинг инвентарь рақами;

в) асосий воситанинг номи;

г) ҳисобга олувчи счёт — ушбу актив тааллуқли бўлган асосий воситалар

гуруҳида аниқланади;

д) келиб тушиш манбаъи — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати

(«ўз маблағлари ҳисобидан», «устав фондини шакллантириш», «беғараз», «ижара», «ҳоказо»);

е) тақсимлаш йўли — амортизация харажатларини тақсимлаш йўли (*танлов «Харажатларни тақсимлаш йўллари» маълумотномасидан амалга оширилади*);

ж) келиб тушиш санаси (*сотиб олиш санаси*) — асосий воситаларни қайта баҳолашда маълум бир коэффициентни қўллаш мақсадида фойдаланилади;

и) чиқиб кетиш санаси — асосий воситаларнинг чиқиб кетиши санаси. Мазкур майдон автоматик тарзда «*Асосий воситалар ва номоддий активларнинг чиқиб кетиши*» ҳужжати санаси билан тўлдирилади, мазкур актив унинг жадвал қисмида жой олган. Майдон таҳрир қилиш учун ёпиқ;

и) «*ўз маблағлари ҳисобидан*» белгиси — активлар ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олганлигиини билдиради;

к) «*маъмурий*» белгиси — актив ташкилотнинг маъмурият қисмига тааллуқли эканлигини билдиради;

л) амортизация меъёри — ушбу актив тегишли бўлган асосий воситалар гуруҳида аниқланади, бир йиллик амортизация ставкасини (*фоизда*) билдиради.

22. **«*Боғлиқ счётлар*» - *Парные счета*.** Ўзида счётларнинг ўзаро алоқада фойдаланиладиган бухгалтерия счетлари руйҳатини сақлайди. Ушбу маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) биринчи счёт — пассив (*ёки контрактив*) счёт (*танлов маълумотномадан амалга оширилади*);

б) иккинчи счёт — актив (*ёки контрпассив*) счёт (*танлов маълумотномадан амалга оширилади*).

23. **«*Пластик карточкалар*» - *Пластиковые карточки*.** Ўзида ташкилот ходимларининг пластик карточкалари руйҳатини сақлайди. Муайян ходимга янги пластик карточкани

«*Пластик карточкалар*» варағида очиш тавсия этилади. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) пластик карточканинг рақами;

б) пластик карточканинг ҳисоб рақами;

в) карточка — пластик карточканинг номи;

г) пластик карточка руйҳатга олинган банк.

24. **«*Бўлимлар*» - *Подразделения*.** Ташкилотдаги бўлимлар руйҳатини белгилайди. Мазкур маълумотнома элементи бўлимнинг номланишини ўз ичига олади.

25. **«*Байрамлар*» - *Праздники*.** Бир йил давомидаги байрамлар руйҳати. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) номланиши;

б) ҳар йилги — ушбу кун ҳар йили байрам куни ҳисобланадими ?

в) сана — байрам деб ҳисобланадиган кун.

26.**«*Келгуси даврлар харажатлари*» - *Расходы будущих периодов*.** Келгуси даврлар бўйича аниқланган харажатлар руйҳати. Мазкур маълумотнома элементи харажат номини ўз ичига олади.

27.**«*Контрагентларнинг ҳисоб-китоб рақамлари*» - *Расчетные счета контрагентов*.** Дастурда руйҳатга олинган контрагентларнинг барча счётларини сақлайди. Ҳар бир счёт битта контрагентга тегишлидир. Янги счётни муайян контрагентда «Ҳисоб рақамлари» жадвалида ташкил этиш тавсия қилинади. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳисоб рақам — ҳисоб-китоб рақамининг коди (*20 рақамдан иборат сон*);

б) номи — ҳисоб-китоб счётининг номи;

в) МФО — контрагентнинг ҳисоб-китоб рақами жойлашган банкка тегишли код (*танлов «Банклар» маълумотномасидан амалга оширилади*).

28. **«*Шахсий ҳисоб-китоб счётлари*» - *Расчетные счета наши*.** Ташкилотнинг ушбу дастур бўйича руйҳатга олинган барча ҳисоб рақамларини сақлайди. Ушбу маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳисоб рақам — ҳисоб-китоб рақамининг коди (*20 рақамдан иборат сон*);

б) номи — ҳисоб-китоб счётининг номи;

в) счёт — ҳисоб рақамининг бухгалтерия счётлар режаси бўйича ҳисоб юритиш рақами. Вариантларнинг қатьий белгиланган руйҳати *(«5100», «5200», «5300» гуруҳларидаги ҳисоб-китоб счётларининг қўшимча счётлари*);

г) МФО — контрагентнинг ҳисоб-китоб рақами жойлашган банкка тегишли код (*танлов «Банклар» маълумотномасидан амалга оширилади*).

29. **«*Ходимлар*» - *Сотрудники*.** Ташкилот ходимларининг руйҳати. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:





«***Умумий»*** варақ:

а) код — ходимнинг табель рақами;

б) ходим фамилияси;

в) ходим исми;

г) ходим отасининг исми;

д) жинс - ходимнинг жинси. Қатъий белгиланган руйҳат **(«эркак», «аёл»**);

е) ходимнинг туғилган санаси;

Паспорт маълумотлари:

а) паспорт берилган сана;

б) паспорт серияси (лотинча ҳарфлар);

в) паспорт ким томонидан берилган;

«***Қўшимча***» варағи:

а) ходимнинг телефони;

б) «моддий жавобгар» белгиси - ташкилотда мазкур ходимнинг моддий

жавобгарлигини мавжудлигини белгилайди;

в) ходимнинг яшаш манзили;

г) ходимнинг туғилган жойи;

д) ходимнинг СТИР – ИНН си;

е) «*хорижий фуқаро*» белгиси — мазкур ходимнинг чет эл фуқароси

эканлигини билдиради;

ж) ШЖБПС – ИНПС коди;

з) ШЖБПС – ИНПС банки;

и) «*бўнакни ҳисоблаш*» белгиси — ушбу ходимга бўнак хисоблаш кераклигини белгилайди. Агар белги ёқилган бўлса, «*бўнак миқдори*» майдонидан фойдаланиш мумкин;

«***Даромадлар***» варағи — «*бизнинг ташкилот*» ўтказгичи (*ходим томонидан даромад ўзимизнинг ташкилотда олинганлигини*

белгилайди) ва «*бошқа ташкилот*» ўтказгичи (*ходим томонидан даромад олдинги ишлаган ташкилотда олинганлигини белгилайди*);

Жадвал қисми:

- ой — олинган даромад ва солиқ тўланган ой;
- ҳисоб-китоб тури — олинган даромад ёки тўланган солиқ ҳисоб-китоб тури;
- сумма — олинган даромад ёки тўланган солиқ миқдори;

«***Пластик карточкалар***» варағи:

а) «*пулни карточкага кўчириш*» белгиси — пластик карточкага пул ўтказиш зарурлигини билдиради;

б) пластик карточкага ўтказиладиган сумма;

в) карточкага ўтказиладиган фоизлар;

г) пул ўтказиладиган карточка;

д) «*лотин тилида*» белгиси — берилган майдонга ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми лотин ҳарфларида тўлдирилишини англатади;

Жадвал қисми:

- пластик карточканинг ҳисоб-китоб рақами;
- карточка — пластик карточканинг номи;
- пластик карточка руйҳатга олинган банк.

30. «***Бухгалтерия ҳисобида иш ҳақини акс эттириш йўллари»*** **-** ***Способы отражения ЗП в бухгалтерском учете.*** Ўтказмалар «*Иш ҳақини ҳисоблаш*» ҳужжатини тўлдириш давомида унда иштирок этувчи ҳар бир ҳисоб-китоб тури бўйича амалга оширилиши лозим. Бунда ўтказмалар суммаси унинг сонига нисбатан тақсимланади (*бир ёки бир неча счётлар корреспонденцияга киришган ҳолда мураккаб*

ўтказмаларни бериш орқали шакллантирилади). Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) ҳисоб-китоб тури — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати

(«*ҳисоблашлар», «ушланмалар», «натура шаклидаги даромад», «тўловлар», «ажратмалар», «ҳисоб-китобнинг оралиқ тури*»);

в) усулнинг номи;

Жадвал қисми:

а) дебет корреспонденциясининг манбаи — дебет томони кўрсатилган «тақсимлаш усули» орқали келтирилган маълумотномадан шакллантириш лозим. Шунингдек, маълумотномаларнинг қатъий чекланган руйҳати «лавозим», «Доимий ҳисоб-китоб тури» маълумотларидан тўлдирилади. Баъзи ҳолларда танлов мажбурий бўлмасдан, фақатгина ўтказмаларни шакллантиришга махсус ёндошув талаб қилинган ҳолатда керак бўлади (*масалан, «**Лавозим**» маълумотномаси орқали ходимга ҳисобланган маош қайси счётга тақсимланишини аниқлаш мумкин. Яъни, лавозим «Асосий ишлаб чиқариш» счётига ёки «Маъмурий» счётига тааллуқли бўлади. Агарда бундай бўлиниш мавжуд бўлмаса, у ҳолда тақсимлаш нисбатини фоиз кўринишида ҳам киритиш мумкин*);

б) Дт счёти — дебет томонидаги счёт, агарда дебет бўйича корреспонденция манбаси кўрсатилмаса, у ҳолда танлов «*Счётлар режаси*» маълумотномасидан амалга оширилади;

в) субконто Дт 1, 2, 3 — счётлар таҳлили;

г) кредит корреспонденциясининг манбаи — созлаш варианти дебет томонига ўхшайди *(«дебет корреспонденциясининг манбаи»га қаранг*);

д) Кт счёти — кредит томонидаги счёт, агарда кредит бўйича корреспонденция манбаъси кўрсатилмаса, у ҳолда танлов «*Счётлар режаси*» маълумотномасидан амалга оширилади;

е) субконто Кт 1, 2, 3 — ҳисобнинг таҳлили.

31. **«Тақсимлаш усуллари».** Ўтказмаларни шакллантириш учун ўтказманинг бир томонидаги маълумотни сақлайди. Мазкур маълумотнома элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) тақсимлаш усулининг номи;

Жадвал қисми:

а) фоиз — тақсимлаш усулини қўллаш учун миқдорнинг фоиз кўриниши (*барча қаторларнинг фоизи суммаси 100%га тенглаштирилади*);

б) счёт — корреспонденцияланувчи ўтказма счётининг бир томони (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) субконто 1, 2, 3 — ҳисобнинг таҳлили.

32. ***«Қўшилган қиймат солиғи ставкалари» - Ставки НДС.*** Ҳужжатларда фойдаланадиган ҚҚС ставкалари ҳақидаги ахборотни сақлайди. Элементлар руйҳати қатьий чекланган («*ҚҚСсиз», «ҚҚС* -

0%», «ҚҚС - 10%», «ҚҚС - 20%»). Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) номи;

б) ставка.

33. **«*Даромад моддалари» - Статьи доходов*.** Ташкилотнинг даромад моддалари руйҳати. Шу билан бирга ушбу маълумотномада ягона солиқ тўловига (ЯСТ) белгиланган имтиёзлар руйҳати мавжуд (*иерархик маълумотнома*). Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) даромад моддаларининг номи.

34. «Харажат моддалари» - *Статьи затрат*. Ташкилотда фойдаланиладиган харажатлар моддаларининг руйҳати (*иерархик маълумотнома*). Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) харажат моддаларининг номлари.

35. **«*Мамлакатлар» - Страны*.** Ҳужжатларда мазкур дастур учун маълум шаҳарлар хақидаги ахборотни сақлайди. Мазкур маълумотноманинг элементи мамлакатлариинг номини ўз ичига олади.

36.**«*Товар-моддий заҳиралар (ТМЗ)» - Товаро-материальные запасы*.** Ташкилотда сотиб олинган ва сотиш учун мавжуд бўлган товар-моддий заҳиралар ҳамда хизматлар ҳақидаги ахборотни сақлайди. Мазкур маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) код;

б) ТМЗ номи;

в) «*бу хизмат*» белгиси — ТМЗ хизмат тури эканлигини белгилайди;

г) счёт — ТМЗ ҳисоби счёти. Вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати *(«1000», «1100», «2800», «2900», «9000» гуруҳидаги счётларнинг қўшимча счётлари*). Ишлар бажарилганда ёки хизматлар кўрсатилганда, ушбу майдон таҳрир қилинмайди;

д) ўлчов бирлиги — кўзда тутилган «дона» бўйича (*танлов «Ўлчов бирлиги» маълумотномасидан амалга оширилади*). Ишлар бажарилганда

ёки хизматлар кўрсатилганда, ушбу майдон таҳрир қилинмайди;

е) «сонини ҳисобга олиш» белгиси — ТМЗда миқдор жиҳатдан ҳисобни

олиб бориш имкониятини аниқлайди, ҳужжатларда сонлар киритилишига таъсир қилади, қолдиқларни олишга таъсир кўрсатмайди. Ишлар бажарилганда ёки хизматлар кўрсатилганда, ушбу майдон таҳрир қилинмайди.

37.«***Марказлар» - Центры.*** «*Бўнак (аванс) ҳисоботи*» ҳужжатида хизмат сафарига жўнатилган ходимга берилган меъёр доирасида ва меъёрдан ортиқча берилган кундалик харажатларни ҳисоб-китоб қилишда қатнашадиган марказларнинг руйҳатини ўзида сақлайди. Ушбу маълумотноманинг элементи ўз ичига марказнинг номини олади.

38.«***Баҳолар» - Цены.*** Товар-моддий заҳираларнинг ҳар бири бўйича уларнинг баҳолари тўғрисидаги ахборотни сақлайди. Мазкур

маълумотноманинг элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) харид баҳоси — сотиб олиш баҳоси «1000» счётида ҳисобга олинади;

б) сотиш баҳоси — дўконда сотиш баҳоси (чакана савдода).

39. «***Даромад солиғини ҳисоблаш шкаласи» - Шкала подоходного налога.*** Даромад солиғини ҳисоблашда фойдаланиладиган шкалалар тўғрисидаги ахборотни сақлайди. Шкала маълумотларининг ўзини сақлаш учун «*Даромад солиғи шкаласи*» регистри маълумотлари қўлланилади. Мазкур маълумотноманинг элементи даромад солиғининг чегаравий миқдорини ўз ичига олади.

4-БОБ. Константалар

4.1. Константалар (Ўзгармас қийматлар) ни киритиш

Константалар ни киритишдан аввал ***Счетлар режаси (План счетов)*** маълумотномасига янги субсчетларни киритиш керак бўлади. Бунинг учун ***Счетлар режаси*** маълумотномасини очинг ва унда янги субсчетлар хосил қилинг:

Субсчет № 1 :

- ***Код***: 9023
- ***Номи***: Чакана товарларни сотишдан тушган даромад (*пластик карталар*)
- ***Счет тури***: Транзит
- ***Валюта***: Йўқ
- ***Сон қийматли***: Йўқ
- ***Субконто 1***: (*) Товар-моддий заҳиралар

Субсчет № 2:

- ***Код***: 9031
- ***Номи***: Ишлар бажариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан тушган даромад (*пластик карталар*)
- ***Счет тури***: Транзит
- ***Валюта***: Йўқ
- ***Сон қийматли***: Йўқ
- ***Субконто 1***: (*) Товар-моддий заҳиралар

4.2. Фаолият турлари маълумотномаси

Кейинги босқич – ***Фаолият турлари (Виды деятельноси)*** маълумотномасини таҳрирлаш. Бунинг учун чап панелдаги ***Регламент*** варағига киринг ва керакли маълумотномани очинг.

Фаолият тури № 1:

Очилган дарчада ***Хизмат кўрсатиш*** (***Оказание услуг***) фаолият турини очинг.

Терминал бўйича даромад (***Доход по терминалу***) майдонида *9031* счетини кўрсатинг.

Фаолият тури № 2:

Очилган дарчада ***Чакана товарлар сотиш*** (***Розничная продажа***) фаолият турини очинг.

Терминал бўйича даромад майдонида *9023* счетини кўрсатинг.

Энди ***Константалар*** даги доимий маълумотларни киритишни бошлаш мумкин. Бунинг учун асосий менюнинг ***Муомалалар (Операции) ►Константалар (Константы)*** буйруқларидан фойдаланамиз.

Экранда намоён бўлган мулоқот дарчасида қуйидаги маълумотларни киритинг:

Сана (Показать данные на): майдонида санани *01.01.2010* кўрсатинг. Бу ишни клавиатура орқали қўлда ҳам бажариш мумкин ёки календарни очиб,  тугмачасини босган холда керакли санани танлаб олиш мумкин.

Зарплата (Иш хақи) варағи:



- ***Минимал иш хақи (Минимальная зарплата)***: **37 680* (***дастурда ўрнатилганича – по умолчанию***)**

Ушбу дарчадаги ***История*** (***Тарих***) тугмачаси босилса, сиз турли хил саналар бўйича минимал иш хақи ёзиб қўйилган алоҳида маълумотномани кўришингиз мумкин. Бундай маълумотни иш хақини тўғри ҳисоблаш ва турли даврларга оид хисоботлар хосил қилиш учун ишлатишимиз мумкин. Агар минимал иш хақи ўзгарса, уни маълумотномага ёзиб қўйиш учун янги қатор хосил қилиш керак ва ундаги майдонларни тўлдириш керак бўлади: ***Сана (Дата)*** – минимал иш хақи ўзгарган сана, ***Қиймати (Значение)*** – янги минимал иш хақининг катталиги.

- ***Пластик карталар счети (Счет пластиковой карты)*** : *6990* **(***дастурда ўрнатилганича – по умолчанию***)**
- ***Тўлов ведомостини яҳлитлаш (Округление платежной ведомости***): *Яҳлитланмасин - Не окр*. **(***дастурда ўрнатилганича – по умолчанию***)**

Прочее (***Бошқалар***) варағи:



- ***Таҳрирлаш маън этилган сана (Дата запрета редактирования***): *кўрсатилмасин*.
- ***Хисобдан чиқариш усули (Метод списания***): *Баҳолар бўйича*.

Товар моддий бойликларни хисобдан чиқариш усули бир марта ўрнатилади ва кейинчалик уни ўзгартириш мумкин бўлмайди.

- ***Режали ишлаб чиқариш ҳисоби счети (Счет учета планового производства***): *2840*
- ***Ярим тайёр маҳсулотларни режали ишлаб чиқариш ҳисоби счети (Счет учета планового производства полуфабрикатов):*** *2140*

Бу ишларни бажариб бўлгандан сўнг, **ОК** тугмачасини босинг.

4.3. Ташкилот маълумотномаси

Организация (Ташкилот) маълумотномаси:

Бунинг учун чап панелдаги ***Общий (Умумий)*** варағига киринг ва ундан ***Справочники (Маълумотномалар)*** гуруҳини очинг ва таклиф қилинган руйҳатдан ***Организации (Ташкилотлар)*** ни танланг. Очилган дарчада маълумотноманинг олдиндан яратилган элементи бўлади – уни пиктограммани туртиб ёки **F2** тугмачасини босиб, ўзгартириш керак бўлади. Бунинг учун қуйидаги маълумотларни киритиш лозим бўлади:



- ***Код*** – автоматик равишда тўлдирилади.
- ***Наименование (Номи)*** – *ООО «Трейд PLUS»* (*қўлда киритилади*)

Асосий (Основная) варағи:

- ***Официальное наименование (Корхонанинг расмий номи)***: *ООО «Трейд PLUS»* (*қўлда киритилади*)
- ***Юридический адрес (Адреси)***: *Тошкент ш., А. Темур кўчаси, 10-уй* (*қўлда киритилади*)

- ***Телефоны организации (Ташкилот телефонлари)***: *234-00-00* (*қўлда киритилади*)
- ***Почтовый адрес (Почта манзили)***: *Тошкент ш., А. Темур кўчаси, 10 уй* (*қўлда киритилади*)
- ***Вид организации (Ташкилот тури):*** *Микрофирма* (*қўлда киритилади*)
- ***Форма собственности (Мулк шакли***): *Коллектив* (*қўлда киритилади*)
- ***Организационно-правовая форма (Ташкилий-ҳуқуқий шакли)***: *кўрсатилмасин*.
- ***Сертификат регистрации (Қайд қилиниш сертификати***): *кўрсатилмасин*.

Коды (Кодлар) варағи::

- ***ИНН***: 123852461 (*қўлда киритилади*)
- ***Код ОКОНХ***: 84500 (*қўлда киритилади*)
- ***Код КОПФ****: кўрсатилмасин*
- ***Код КФС***: *кўрсатилмасин*
- ***Код СООГУ****: 124689* (*қўлда киритилади*)
- ***Код ОКЕД***: *кўрсатилмасин*
- ***Код ОКПО***: *135675* (*қўлда киритилади*)
- ***Код ОКУД***: *кўрсатилмасин*
- ***SWIFT***: *кўрсатилмасин*

Банк варағи:

- ***Основной расчетный счет (Асосий ҳисоб рақами***): тегишли майдонда ***Основной (Асосий)*** ҳисоб рақами кўрсатилган бўлади. Мавжуд ҳисоб рақамини ўзгартириш учун тегишли

пиктограммани ёки **F2** тугмачасини босинг ва қуйидаги маълумотларни киритинг:

- ***Ҳисоб рақами***: *20208000054237810001* (*қўлда киритилади*)
- ***Наименование (Номи):*** *Асосий* (*ўзгартирмай қолдиринг*).
- ***Счет***: *5110* (*ўзгартирмай қолдиринг*).
- ***МФО***: *танлов тугмачасидан фойдаланиб, керакли банкни ўзгартиринг*.

Бунинг учун қуйидаги маълумотларни киритишингиз керак бўлади:

- ***МФО***: *00442*
- ***Наименование (Номи)***: *УзПСБ банк (қўлда киритилади)*.
- ***Адрес (Манзил)***: *Тошкент шаҳри (қўлда киритилади)*.
- ***Город (Шаҳар)***: *Тошкент* (*ўзгартирмай қолдиринг*).



Сичқончанинг чап тугмачаси билан икки марта туртиш орқали яратилган банкни сақланг. Худди шу тартибда яратилган ҳисоб рақамини ҳам сақлаб қўйинг:



Банк варағида маълумотларни киритишни қуйидаги тартибда давом эттиринг:

- ***Основное место хранения (Асосий сақлаш жойи)***: *Основное (Асосий).*
- ***Основной график рабочего времени (Иш вақтининг асосий тақвими):*** *Пятидневка (Беш кунлик).*
- ***Банк ИНПС (Индивидуал жамғарма пенсия фонди)****: янги банк хосил қилинг*. Бунинг учун эса янги банк хақидаги маълумотларни киритинг*:*
- ***МФО****: 00504 (қўлда киритилади).*
- ***Наименование (Номи)***: *Миробод тумани Халқ банки (қўлда киритилади).*
- ***Адрес (Манзил):*** *Тошкент шаҳри (қўлда киритилади).*
- ***Город (Шаҳар):*** *Тошкент шаҳри (қўлда киритилади).*

- ***Расчетный счет (Ҳисоб рақами):*** *14586784511111530000 (қўлда киритилади).*
- ***Основная ставка НДС (ҚҚС нинг асосий ставкаси)***: *Без НДС (ҚҚС сиз) (қўлда киритилади).*



Дополнительная (Қўшимча) варағи:

- ***Ведомство (Юқори ташкилот)***: *кўрсатилмасин*.
- ***ГНИ Оргарнизации (Ташкилот ДСИ си)***: *Миробод тумани ДСИ (қўлда киритилади)*.
- ***Орган управления государственным имуществом (Давлат мулкини бошқариш органи):*** *кўрсатилмасин.*
- ***Дата создания предприятия (Ташкилот тузилган сана)***: *01.11.2009*
- ***Территория (Худуд):*** *Ўзбекистон Республикаси (қўлда киритилади)*.



Зарплата (Иш хақи) варағи:

- ***Учитывать базовый размер ЕСП при расчете (Ягона ижтимоий тўлов –ЯИТ базавий катталиги ҳисобга олинсин):*** *Да (Ха)*
- ***Процент норматива ЕСП (ЯИТ нормативи фоизи):*** *100%*
- ***Процент аванса от оклада (Иш хақи аванси фоизи):*** *0,00 (қўлда киритилади)*
- ***Процент удержания на пластиковую карту (Пластик картага ушланиш фоизи):*** *20% (қўлда киритилади)*
- ***Оплата выходных и праздничных (Дам олиш ва байрам кунларига тўлов)****: 2,00*
- ***Минимальная зарплата по отрасли (Тармоқ бўйича минимал иш хақи):*** *кўрсатилмасин.*



Электронная отчетность (Электрон ҳисобот) варағи:

- ***Регион (Ҳудуд):*** *Тошкент шаҳри.*
- ***Округ (Туман):*** *Миробод тумани.*



Руководство (Раҳбарлар) варағи:

- ***Руководитель (Раҳбар)***: Ушбу майдонни тўлдириш учун ***История*** тугмачасини туртинг ва очилган ***Должностные лица (Мансабдор шахслар)*** маълумотлар регистрида тегишли пиктограммани  ёки **Insert** тугмачасини босган холда янги

қатор хосил қилинг. Кейин эса қуйидаги майдонларни тўлдиринг:

- ***Дата (Сана)***: *31.12.2009*
- ***Должностное лицо (Мансабдор шахс)***: *сичқончанинг чап тугмачаси билан* ***Руководитель (Раҳбар)*** *да икки марта туртинг.*
- ***Сотрудник (Ходим)***:  *тугмачани босинг* ва натижада очилган маълумотномада  пиктограммани босиб ёки клавиатурадаги **Insert** тугмачасини босган холда ***Основная (Асосий)*** варағида янги қатор хосил қилинг. Кейин эса унга расмда кўрсатилган маълумотларни киритинг:



Энди **ОК** тугмачасини босган холда, уларни сақланг. Янги ходимнинг фамилияси ёзилган қаторда сичқончанинг чап

тугмачаси билан икки марта туртиш орқали ***Сотрудник (Ходим)*** майдони у хақдаги маълумотлар билан тўлганини кўришингиз мумкин. Жорий актив дарчани ёпиб қўйинг ва маълумотларни киритинг:

- ***Главный бухгалтер (Бош ҳисобчи):*** *Юсупова Лола Каримовна***.** Бу майдоннинг тўлдирилиши ***Руководитель (Раҳбар)*** майдонининг тўлдирилишига айнан ўхшаш бўлади.
- ***Кассир (Ғазначи):*** *Ахмедов Отабек Зафарович***.** Бу майдоннинг тўлдирилиши ҳам ***Руководитель (Раҳбар)*** майдонининг тўлдирилишига айнан ўхшаш бўлади.



Списание ТМЦ (Товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш) варағи:

Бу варақни тўлдирмасангиз ҳам бўлаверади.



Виды деятельности (Фаолият турлари) варағи:

- ***Основной вид деятельности (Асосий фаолият тури)***: Бу майдонни тўлдириш учун ***История*** (***Тарих***) тугмачасини босинг. Ундан сўнг, ***История видов деятельности*** маълумотлар регистрини очиб, пиктограмма ёрдамида ёки клавиатурадаги **Insert** тугмачасини босиб, янги қатор хосил қилинг ва унга қуйидаги маълумотларни киритинг:

➢ ***Дата (Сана):*** *31.12.2009*

➢ ***Виды деятельности (Фаолият турлари)***: *Асосий фаолият тури*.

➢ ***Вид деятельности (Фаолият тури)***: танлов учун тугмачани босиб, ***Виды деятельности (Фаолият турлари)*** маълумотномасини очинг ва ундан ***Реализация оптовых товаров (Улгуржи товарлар сотиш)*** фаолият турини танланг. Сўнгра эса жорий фаол дарчани ёпинг.

➢ ***Вид деятельности 2 (Фаолият тури 2)***: *Реализация розничных товаров (Чакана товарлар сотиш)*. Бу майдонни

тўлдириш *Асосий фаолият турлари* майдонини тўлдиришга ўхшаш бўлади.

- ***Вид деятельности 3 (Фаолият тури 3)***: *Оказание услуг (Хизматлар кўрсатиш)*. Бу майдонни тўлдириш ҳам *Асосий фаолият турлари* майдонини тўлдиришга ўхшаш бўлади.
- ***Вид деятельности 4 (Фаолият тури 4)***: *Производство (Ишлаб чиқариш)*. Бу майдонни тўлдириш ҳам *Асосий фаолият турлари* майдонини тўлдиришга айнан ўхшаш бўлади.
- ***Вид деятельности 5 (Фаолият тури 5)***: *тўлдирилмайди.*
- ***Вид деятельности 6 (Фаолият тури 6)***: *тўлдирилмайди.*

Киритилган маълумотларни сақлаш учун **ОК** тугмачасини туртинг.



5-БОБ. Хужжатлар билан ишлаш

5.1. Счетлар бўйича қолдиқ (сальдо) ларни киритиш

- ❖ *Счётлар бўйича қолдиқларни киритиш*
- ❖ *Солиқлар ва ажратмалар бўйича қолдиқларни киритиш*
- ❖ *Асосий воситалар бўйича қолдиқларни киритиш*

- ❖ *Номоддий активлар бўйича қолдиқларни киритиш*
- ❖ *Товар-моддий заҳиралар бўйича қолдиқларни киритиш*
- ❖ *Таъминотчилар ва буюртмачилар бўйича қолдиқларни киритиш*



1. Счётлар бўйича қолдиқларни киритиш **«*Счётлар бўйича қолдиқларни киритиш*» - *Ввод остатков по счетам*** ҳужжати орқали амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар келтирилади:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) ҳужжат бўйича шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) счёт (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

б) субконто 1, 2, 3 — ҳисобнинг таҳлили;

в) валюта — «счёт» майдонида валюта ҳисоб рақами кўрсатилган тақдирда ушбу майдонда таҳрир қилиш мумкин бўлади (*танлов «Валюта» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) Дт миқдори — дебет сальдоси;

д) Дт валюта миқдори — валютадаги дебет сальдо. «Счёт» майдонида

валюта ҳисоб рақами кўрсатилган тақдирда ушбу майдонни таҳрир

қилиш мумкин бўлади;

е) Дт миқдори — агар счёт миқдорга оид бўлса, майдондан фойдаланиш
мумкин;

ж) Кт миқдори — кредит сальдоси;

з) Кт валюта миқдори — валютадаги кредит сальдоси. «Счёт» майдонида
валюта ҳисоб рақами кўрсатилган тақдирда ушбу майдонни таҳрир қилиш мумкин бўлади;

и) Кт миқдори — счёт миқдорга оид бўлган тақдирда майдондан фойдаланиш мумкин.

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

1) агарда счёт актив бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Валюта	Сумма	Валюта	Изоҳ
0000	~	Счёт	Субконто	Валюта	Дт	Валюта	

2) агар ҳисоб пассив бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Валюта	Сумма	Валюта	Изоҳ
0000	-	Счет	Субконто	Валюта	Кт	Валюта	

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

• ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

2. Солиқлар ва ажратмалар бўйича қолдиқларни киритиш «***Солиқлар ва ажратмалар бўйича қолдиқларни киритиш» - Ввод остатков по налогам и начислениям*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжат қуйидаги реквизитларга эга:

а) ҳужжатлар сони;

б)ҳужжат санаси;

в)ҳужжат бўйича шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) солиқлар ва ажратмалар (*танлов «Солиқлар ва ажратмалар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

б) счёт — солиқлар ва ажратмалар кўрсатилгандан кейин мазкур майдон автоматик тарзда тўлдирилади (*танлов «4400», «4500», «6400», «6500» счётлари гуруҳлардаги қўшимча счётлардан тушган маълумотлардан амалга оширилади*);

в) сумма — сальдо.

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

1) агар счёт актив бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
0000	-	Счёт	Солиқлар ва ажратмалар	Сумма	

2) агар счёт пассив бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
Счёт	Солиқлар ва ажратмалар	0000	-	Сумма	

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

• ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

3. Асосий воситалар бўйича қолдиқларни киритиш ***«Асосий воситалар бўйича қолдиқларни киритиш» - Ввод остатков по основным средствам*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар келтирилган:

а) ҳужжатнинг рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) счёт — қатъий чеклаган руйҳат *(«Асосий воситалар» маълумотномасида берилган асосий воситалар гуруҳи*);

г) ҳужжатга шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) асосий воситалар коди;

б) асосий восита (*танлов «Асосий воситалар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) сақлаш жойи (*танлов **«Сақлаш жойи»** маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) тиклаш қиймати;

д) ҳисобланган эскириш суммаси;

е) қайта баҳолаш суммаси.

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
Асосий воситалар	Асосий воситалар	0000	-	Сумма	Тиклаш қиймати
0000	-	Асосий воситаларнинг	Асосий воситалар, сақлаш	Сумма	Ҳисобланган эскириш суммаси
0000	-	8510	Асосий воситалар	Сумма	Қайта баҳолаш суммаси

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

- ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

4. Номоддий активлар бўйича қолдиқларни киритиш «***Номоддий активлар бўйича қолдиқларни киритиш» - Ввод остатков по нематериальным активам*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар келтирилади:

а) ҳужжатлар сони;

б) ҳужжат санаси;

в) счёт — қатьий чекланган руйҳат *(«Номоддий активлар» маълумотномасида берилган номоддий активлар гуруҳи*);

г) ҳужжатга шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) номоддий активлар коди;

б) номоддий актив (*танлов «Номоддий активлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) сақлаш жойи (*танлов «Сақлаш жойи» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) тиклаш қиймати;

д) ҳисобланган амортизация суммаси;

е) қайта баҳолаш суммаси.

Хужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
Номоддий	Номоддий	0000	-	Сумма	Тиклаш
0000	-	Номоддий активлар амортизацияси ҳисобини юритиш счёти	Номоддий активлар, сақлаш жойи	Сумма	Ҳисобланган амортизация суммаси
0000	-	8511	Номоддий активлар	Сумма	Қайта баҳолаш

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

• ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

5. Товар-моддий заҳиралар бўйича қолдиқларни киритиш «***Товар-моддий заҳиралар қолдиқларини киритиш» - Ввод остатков по товаро-материальным ресурсам*** ҳужжати орқали амалга оширилади:

а) ҳужжатлар сони;

б) ҳужжат санаси;

в) ТМЗни сақлаш жойи (*танлов «Саклаш жойи» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) «бу чакана» белгиси — қолдиқлар чакана баҳо бўйича киритилишини англатади;

д) ҳужжатга шархдар;

Жадвал қисми:

а) ТМЗ номи (*танлов «Товар-моддий заҳиралар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

б) счёт — ТМЗ кўрсатилганидан кейин мазкур майдон автоматик тарзда тўлдирилади (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) сотиб олиш баҳоси — сотиб олиш таннархи;

г) устама билан бирга — ушбу майдон «бу чакана баҳо» белгиси ёқилган

холда акс эттирилади. «Сотиш баҳосини белгилаш» ҳужжатнинг «чакана баҳо» майдонидан тўлдирилади;

д) миқдори;

с) маҳсулот таннархининг миқдори;

ж) маҳсулотнинг устамани ҳисобга олган ҳолдаги миқдори - «бу чакана» белгиси ёқилган тақдирда акс эттирилади.

Хужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

1) «баҳолар усули»:

а) «бу чакана» белгиси ўчирилган бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
ТМЗ ҳисоби	ТМЗ, сақлаш жойи, баҳоси	0000	-	Сотиб олиш баҳоси, миқдори	

б) «бу чакана» белгиси ёқилган бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
ТМЗ ҳисоб	ТМЗ, сақлаш	0000	-	Устама билан бирга, миқдори	
0000	-	Устама ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, баҳоси	Маҳсулотнинг устамани ҳисобга олган ҳолдаги	Устама суммаси

2) «FIFO/AVECO усули» билан («AVECO учун» субконто «товар партияси» бўлмаса):

а) агар «бу чакана» белгиси ўчирилган бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ

ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, товар туркуми	0000	-	Сотиб олиш баҳоси, миқдори	

б) «бу чакана» белгиси ёқилган бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Мулоҳаза
ТМЗ ҳисобини юритиш	ТМЗ, сақлаш жойи,	0000	-	Устама билан бирга, миқдори	
0000	-	Устама ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, товар	Маҳсулотнинг устамани ҳисобга олган ҳолдаги	Устама суммаси

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

• хужжатнинг ҳаракатланиши.

6. Таъминотчилар ва буюртмачилар бўйича колдиқларни киритиш «***Таъминотчилар ва буюртмачилар бўйича қолдиқларни киритиш» - Ввод остатков по заказчикам и поставщикам*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар мавжуд:

а)ҳужжатлар сони;

б) ҳужжат санаси;

в)ҳужжатга шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) контрагент (*танлов «Контрагентлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

б)шартнома — мазкур майдон ТМЗ кўрсатилганидан кейин автоматик

тарзда тўлдирилади (*танлов «Шартномалар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) счёт (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) сумма — сальдо;

д) валюта суммаси — валютадаги сумма;

е) «счёт» майдонида валюта ҳисоб рақами кўрсатилган тақдирда ушбу

майдонда таҳрир қилиш мумкин бўлади (*танлов «Валюта» маълумотномасидан амалга оширилади*).

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

1) агар ҳисоб актив бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Валюта	Сумма	Валюта суммаси	Изоҳ
Счёт	Контрагент, шартнома	0000	-	Валюта	Сумма	Валюта суммаси	

2) агар ҳисоб пассив бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Валюта	Сумма	Валюта суммаси	Изоҳ
0000	-	Счёт	Контрагент, шартнома	Валюта	Сумма	Валюта суммаси	

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

• ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

Навбатдаги ишимиз, БЭМ дастури имкониятларини бошланғич қолдиқ (*сальдо*) ларни киритиш амалий мисоли

кўринишида синаб кўриш бўлади. Бунинг учун дастурда маҳсус хужжатлар яратилган, шу жумладан:

- Солиқ ва ажратмалар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по налогам и отчислениям*)
- Номоддий активлар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по нематериальным активам*)
- Асосий воситалар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по основным средствам*)
- Таъминотчилар ва буюртмачилар бўйича колдиқларни киритиш (*Ввод остатков по поставщикам и заказчикам*)
- Счетлар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по счетам*)
- Товар-моддий заҳиралар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по ТМЗ*)

Ушбу хужжатлар тўпламини чап панелдаги ***Документы (Хужжатлар)*** маълумотлари гуруҳининг ***Общий (Умумий)*** варағидан топиш мумкин. Барча хужжатларни кўриш учун ***Документы (Хужжатлар)*** сўзи ёнидаги + белгичали тугмачани туртиш керак бўлади. У ёки бу хужжатни очиш учун хужжат номида сичқонча билан икки марта туртиш кифоя бўлади. ***Счетлар бўйича қолдиқларни киритиш (Ввод остатков по счетам)*** хужжати билан ишлашни бошлаш учун *31.12.2009* санасидаги валюта курсини киритинг. Бунинг учун чап панелдаги ***Общий (Умумий)*** варағидаги ***Регистры сведений (Маълумотлар регистрлари)*** руйҳатини очинг ва сичқончага икки марта туртиш

орқали ***Валюты (Валюталар)*** элементини очинг. Кейин очилган дарчада қуйидаги майдонларни тўлдиринг:

- ***Дата (Сана)***: 31.12.2009
- ***Валюты (Валюталар)***: Доллар
- ***Курс***: 1 500,00

Энди қолдиқларни счетлар бўйича киритиш керак бўлади (*давр бошига сальдони*).

5.2. Счетлар бўйича қолдиқларни киритиш (Ввод остатков по счетам) хужжати

Худди шу номдаги хужжатни очинг ва янги хужжат хосил қилиб, ундаги қуйидаги майдонларни тўлдиринг:

Хужжатнинг тепа қисми:

- ***Номери***: *автоматик равишда тўлдирилади*.
- ***Дата (Сана)***: *31.12.2009*.

Хужжатнинг жадвал қисми:

Янги қаторлар ҳосил қилинг ва қуйидаги устунларни тўлдиринг:

Қатор № 1:

- ***Счет***: *5110*
- ***Субконто 1***: *Асосий*
- ***Сумма Дт***: *7 800 000,00*

Қатор № 2:

- ***Счет***: *5210*
- ***Субконто 1***: Янги ҳисоб рақами хосил қилинг: *20208000054237810002*
- ***Сумма Дт***: *7 800 000,00*
- ***Наименование (Номи):*** *Валютали*

- ***Счет:*** *5210*
- ***МФО:*** *00442*

ОК тугмачасини босинг ва сичқончани икки марта туртиб, уни қайд қилишни амалга оширинг.

- ***Валюта***: *Доллар*
- ***Сумма Дт***: *3 000 000,00*
- ***Валютная сумма (Валюта суммаси)***: *2 000,00 (автоматик ҳисоб)*

Қатор № 3:

- ***Счет***: *8720*
- ***Сумма Кт***: *7 200 550,00*

Қатор № 4:

- ***Счет***: 8330
- ***Субконто 1***: ***Прочие/Бошқалар*** папкасига кириб, янги контрагент хосил қилинг:

❖ ***Наименование (Номи)***: *ООО «UniTrade»*

❖ ***Страна (Мамлакат)***: *Ўзбекистон (белги қўйинг)*

❖ ***Адрес (Манзил):***

❖ ***Почтовый индекс (Почта индекси)***:

❖ ***Телефоны (Телефонлар)***:

❖ ***ОКОНХ***: *51500*

❖ ***ИНН***: *123852159*

ОК тугмачасини босинг ва сичқонча билан икки марта туртиш орқали яратилган контрагентни сақланг.

- ***Сумма Кт***: *9 703 430,00*

Қатор № 5:

- ***Счет***: *6710*
- ***Субконто 1***: *Мухаммедов А.З.*
- ***Сумма Кт***: *150 000,00*

ОК тугмачаси ёрдамида буйруқ беринг, хужжатнинг бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширинг ва киритилган маълумотларни текшириб чиқинг. Хужжатни ажратинг ва ***Печать*** (***Чоп қилиш***) пиктограммаси  ёнидаги стрелкани туртинг. Ушбу амаллар натижасида руйҳат хосил бўлади ва унда сиз ***Движения документа*** (***Хужжат харакати***) ни сичқончанинг чап тугмачасини бир марта туртиш орқали фиксация қиласиз ва қуйидагига эга бўласиз:

Документ Ввод остатков по счетам
Номер 1
Дата 31.12.2009

Регистр бухгалтерии

№	Счет ДТ	Субконто ДТ	Счет КТ	Субконто КТ	Кол-во / Валюта	Сумма в сум / Курс	Сумма в сум / Сумма в валюте
					Комментарий		
1	5110	Основной	0000				7 800 000,00
2	5210	Валютный	0000		доллар	1 500,00	3 000 000,00 2 000,00
3	0000		8720				7 200 550,00
4	0000		8330	ООО "UniTrade"			9 703 430,00
5	0000		6710	Мухаммедов А. З.			150 000,00
	Итого:						27 853 980,00 2 000,00

5.3. Таъминотчилар ва буюртмачилар бўйича колдиқларни киритиш

(Ввод остатков по поставщикам и заказчикам) хужжати

Бу ишни бажариш учун ***Таъминотчилар ва буюртмачилар бўйича қолдиқларни киритиш*** (***Ввод остатков по поставщикам и***

заказчикам) хужжатини очинг ва унда янги хужжат яратинг. Хосил қилинган хужжатда қуйидаги майдонларни тўлдиринг:

Хужжатнинг тепа қисми:

- ***Номери***: *автоматик равишда тўлдирилади*.
- ***Дата (Сана)***: *31.12.2009*.

Хужжатнинг жадвал қисми:

Янги қаторлар ҳосил қилинг ва қуйидаги устунларни тўлдиринг:

Қатор № 1:

- ***Контрагент***: ***Поставщики/Етказиб берувчилар*** папкасига кириб, янги контрагентни қуйидагича тартибда хосил қилинг:

Основная (Асосий) варағи:

- ***Наименование (Номи)***: *ЧФ «Мегаполис*»
- ***Полное наименование (Тўлиқ номи)***: *ЧФ «Мегаполис» (автоматик равишда тўлдирилади)*
- ***Страна (мамлакат):*** *Ўзбекистон (белги қўйинг)*
- ***Адрес (Манзил):***
- ***Почтовый индекс (Почта индекси)***:
- ***Телефоны (Телефонлар)***:
- ***ОКОНХ***: *14410*
- ***ИНН***: *254789102*



Энди ***Сохранить (Сақлансин)*** тугмачасини босиб, кейинги варақка ўтинг.

Расчетный счет (Ҳисоб рақами) вараға*:*

Янги ҳисоб рақами хосил қилинг:

- ***Р/сч. (Х/Рқ)***: *20110000079610000222*
- ***Наименование (Номи)***: *Асосий*
- ***МФО***: *00452*
- ***Наименование (Номи)***: *Галла-банк*



Основной расчетный счет (Асосий ҳисоб рақами) майдонида яратилган хисоб рақамини танланг – бу холда бошқа хужжатлардаги хисоб рақамили майдон автоматик тарзда тўлдирилади.

Договоры (Шартномалар) варағи:

Янги шартнома хосил қилинг:

- ***Номер***: *15*
- ***Сумма***: *3 000 000,00*
- ***Дата начала (Бошланиш муддати)***: *20.01.2009*



Ушбу маълумотларни киритганингиздан сўнг, **ОК** тугмачасини босинг ва яратилган контрагентни сичқончани икки марта туртиш орқали фиксация қилинг.

- ***Договор (Шартнома):*** *Шартнома № 15 20 январь 2009 й. (автоматик равишда тўлдирилади)*.
- ***Счет:*** *4310*
- ***Сумма:*** *250 000,00*

Қатор № 2:

- ***Контрагент: Заказчики/Буюртмачилар*** папкасида янги контрагентни хосил қилинг:

- ***Наименование (Номи)***: *ДП «БумИнвест»*
- ***Страна (Мамлакат)***: *Ўзбекистон (белги қўйинг)*
- ***Адрес (Манзил):***
- ***Почтовый индекс (Почта индекси):***
- ***Почтовый адреч (Почта адреси):***
- ***Телефоны (Телефонлари):***

- ***ОКОНХ***: *85400*
- ***ИНН (СТИР)***: *101014789*
- ***Р/сч (Ҳисоб рақами):*** *20200000222446611001*
- **МФО**: *янги банк яратинг.*
- **МФО**: *00408*
- ***Наименование (Номи)***: *Замин Банк*
- **Шартнома № 20 сана 02.01.2009 й.**

Яратилган контрагентни сақланг ва сичқончага икки марта туртинг.

- ***Договор (Шартнома)***: *Шартнома № 20 сана 02.01.2009 й.*
- ***Счет***: *6010*
- ***Сумма***: *480 000,00*

Қатор № 3:

- ***Контрагент: Поставщики/Етказиб берувчилар*** папкасида янги контрагентни хосил қилинг:

- ***Наименование (Номи)***: *ЧФ «Макс»*
- ***Страна (Мамлакат)***: *Ўзбекистон (белги қўйинг)*
- ***Адрес (Манзил):***
- ***Почтовый индекс (Почта индекси):***
- ***Почтовый адрес (Почта адреси):***
- ***Телефоны (Телефонлари):***
- ***ОКОНХ***: *71150*
- ***ИНН (СТИР)***: *753753000*
- ***Р/сч (Ҳ/рқ):*** *20208000888988988001*
- **МФО**: *янги банк яратинг.*
- **МФО**: *00850*
- ***Наименование (Номи)***: *НБУ*

- ***Шартнома № 3 сана 09.01.2009 й.***

Яратилган контрагентни сақланг ва сичқончага икки марта туртинг.

- ***Договор (Шартнома)***: *Шартнома № 3 сана 09.01.2009 й.*
- ***Счет***: *4010*
- ***Сумма***: *78 000,00*

Қатор № 4:

- ***Контрагент: Заказчики/Буюртмачилар*** папкасида янги контрагентни хосил қилинг:

- ***Наименование (Номи)***: *СП «REAL»*
- ***Страна (Мамлакат)***: *Ўзбекистон (белги қўйинг)*
- ***Адрес (Манзил):***
- ***Почтовый индекс (Почта индекси):***
- ***Почтовый адрес (Почта адреси):***
- ***Телефоны (Телефонлари):***
- ***ОКОНХ***: *82300*
- ***ИНН (СТИР)***: *121235555*
- ***Р/сч (Х/рқ):*** *12025035478966355412*
- **МФО**: *янги банк яратинг.*
- **МФО**: *00407*
- ***Наименование (Номи)***: *АБН Амро Банк*
- ***Шартнома № 1 сана 01.02.2009 й.***

Яратилган контрагентни сақланг ва сичқончага икки марта туртинг.

- ***Договор (Шартнома)***: *Шартнома № 1 сана 01.02.2009 й.*
- ***Счет***: *6310*
- ***Сумма***: 275 *000,00*

Хужжатнинг бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширинг ва уларни текшириб чиқинг:

Документ Ввод остатков по поставщикам и заказчикам
Номер 1
Дата 31.12.2009

Регистр бухгалтерии

№	Счет ДТ	Субконто ДТ	Счет КТ	Субконто КТ	Кол-во	Сумма в сум	
					Валюта	Курс	Сумма в валюте
					Комментарий		
1	4310	ЧФ "Мегаплюс"	0000				250 000,00
		Договор №15 от 20 январ					
2	0000		6010	ДП "БумИнвест"			480 000,00
				Договор №20 от 02 январ			
3	4010	ЧФ "Max"	0000				78 000,00
		Договор №3 от 09 января					
4	0000		6310	СП "Real"			275 000,00
				Договор №1 от 01 феврал			
	Итого						1 083 000,00

5.4. *Солиқ ва ажратмалар бўйича қолдиқларни киритиш* (*Ввод остатков по налогам и отчислениям*) хужжати

***Солиқ ва ажратмалар бўйича қолдиқларни киритиш* (*Ввод остатков по налогам и отчислениям*)** хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Сўнгра ундаги қуйидаги майдонларни тўлатинг:

Хужжатнинг тепа қисми:

- ***Номери***: *автоматик равишда тўлдирилади*.
- ***Дата (Сана)***: *31.12.2009.*

Хужжатнинг жадвал қисми:

Янги қаторлар ҳосил қилинг ва қуйидаги устунларни тўлдиринг:

Қатор № 1:

- ***Солиқлар ва ажратмалар (Налоги и отчисления)*:** *Даромад солиғи*
- ***Счет:*** *(6410) Даромад солиғи (автоматик равишда тўлдирилади)*

- ***Сумма:*** *20 200,00*

Қатор № 2:

- ***Солиқлар ва ажратмалар (Налоги и отчисления)*****:** *Ягона солиқ тўлови*
- ***Счет:*** *(6411) Ягона солиқ тўлови (автоматик равишда тўлдирилади)*
- ***Сумма:*** *520 000,00*

Қатор № 3:

- ***Солиқлар ва ажратмалар (Налоги и отчисления)*****:** *Ягона ижтимоий тўлов*
- ***Счет:*** *(6524) Ягона ижтимоий тўлов (автоматик равишда тўлдирилади)*
- ***Сумма:*** *48 300,00*

Қатор № 4:

- ***Солиқлар ва ажратмалар (Налоги и отчисления)*****:** *Бюджетдан ташқари пенсия фондига мажбурий тўлов*
- ***Счет:*** *(6521) Бюджетдан ташқари пенсия фондига мажбурий тўлов*

(автоматик равишда тўлдирилади)

- ***Сумма:*** *3 900,00*

Қатор № 5:

- ***Солиқлар ва ажратмалар (Налоги и отчисления)*****:** *Касаба уюшмалар федерациясиги ажратма*
- ***Счет:*** *(6522) Касаба уюшмалар федерациясиги ажратма*

(автоматик равишда тўлдирилади)

- ***Сумма:*** *1 560,00*

Қатор № 6:

- ***Солиқлар ва ажратмалар (Налоги и отчисления)*:** *Камолот фондига ажратма*
- ***Счет:*** *(6523) Камолот фондига ажратма*

(автоматик равишда тўлдирилади)

- ***Сумма:*** *12 000,00*

Қатор № 7:

- ***Солиқлар ва ажратмалар (Налоги и отчисления)*:** *ИНПС га ажратма*
- ***Счет:*** *(6530) ИНПС га ажратма(автоматик равишда тўлдирилади)*
- ***Сумма:*** *1 560,00*

Хужжат бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширинг ва маълумотларни текшириб чиқинг:

Документ	Ввод остатков по налогам и отчислениям
Номер	1
Организация	ООО "Трейд PLUS"
Дата	31.12.2009

Регистр бухгалтерии

№	Счет ДТ	Субконто ДТ	Счет КТ	Субконто КТ	Кол-во	Сумма в сум	
					Валюта	Курс	Сумма в валюте
						Коментарий	
1	0000		6410	Подоходный налог			20 200,00
2	0000		6411	Единый налоговый платеж			250 000,00
3	0000		6524	Единый социальный платеж			48 300,00
4	0000		6521	Обязательные отчисления			3 900,00
5	0000		6522	Отчисления в совет федер			1 560,00
6	0000		6523	Отчисления в фонд Камол			12 000,00
7	0000		6530	Отчисления в ИНПС			1 560,00
	Итого:						337 520,00

5.5. Асосий воситалар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по основным средствам*) хужжати

Асосий воситалар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по основным средствам*) хужжатини очинг ва янги хужжат хосил қилиб, унинг қуйидаги майдонларини тўлдиринг:

Хужжатнинг тепа қисми:

- ***Номери***: *автоматик равишда тўлдирилади*.
- ***Дата (Сана)***: *31.12.2009*.
- ***Счет***: *танланмайди*

Хужжатнинг жадвал қисми:

Янги қаторлар ҳосил қилинг ва қуйидаги устунларни тўлдиринг:

Қатор № 1:

- ***Основное средство (Асосий восита)*****:** *янги асосий воситани хосил қилинг:*

Бунинг учун «Компьютерное оборудование и вычислительная техника» папкасига кириб, унда янги асосий воситани хосил қилинг:

- ***Инвентарный №*****:** *0000000001*
- ***Наименование (Номи):*** *Компьютер Рентиум 4*
- ***Источник поступления (Келиш манъбаи):*** *Шахсий*
- ***Способ распределения (Тақсимланиш усули)*****:** *(9420) Маъмурий харажатлар*
- ***Дата поступления (Келиш муддати):*** *31.12.2005*

Маълумотноманинг элементини сақланг ва сичқончани икки марта туртинг.

- ***Место хранения (Сақланиш жойи)*****:** *Асосий*
- ***Восстановительная стоимость (Тиклаш нархи)*****:** *1 160 000,00*
- ***Начисленный износ (Хисобланган емирилиш):*** *160 000,00*
- ***Сумма переоценки:*** *14 000,00*

Қатор № 2:

- ***Основное средство (Асосий восита)*****:** янги асосий воситани хосил қилинг. Бунинг учун «*Машина ва ускуналар - Машины и оборудование*» папкасига ва ундан сўнг «*Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар - Рабочие машины и оборудование по видам деятельности* (*кроме мобильного транспорта*)» папкасига кириб, унда янги асосий воситани хосил қилинг:

- ***Инвентарный №:*** *0000000002*
- ***Наименование (Номи):*** *Тикув машинаси*
- ***Источнок поступления (Келиш манъбаи):*** *Шахсий*
- ***Способ распределения (Тақсимланиш усули):*** *(2010) Асосий ишлаб чиқариш*
- ***Дата поступления (Келиш муддати):*** *01.05.2006*

Маълумотноманинг элементини сақланг ва сичқончани икки марта туртинг.

- ***Место хранения (Сақланиш жойи):*** *Асосий*
- ***Восстановительная стоимость (Тиклаш нархи):***
  1 000 000,00
- ***Начисленный износ (Хисобланган емирилиш):*** *100 000,00*
- ***Сумма переоценки (Қайта баҳолаш суммаси):*** *10 000,00*

Хужжатнинг бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширинг ва маълумотларни текшириб чиқинг:

Документ Ввод остатков по основным средствам
Номер 1
Дата 31.12.2009

Регистр бухгалтерии

№	Счет ДТ	Субконто ДТ	Счет КТ	Субконто КТ	Кол-во	Сумма в сум	
					Валюта	Курс	Сумма в валюте
					Комментарий		
1	0150	Компьютер P IV	0000				1 160 000,00
		Основное					
2	0000		0250	Компьютер P IV			160 000,00
				Основное			
3	0000		8510	Компьютер P IV			14 000,00
4	0130	Швейная машинка	0000				1 000 000,00
		Основное					
5	0000		0230	Швейная машинка			100 000,00
				Основное			
6	0000		8510	Швейная машинка			10 000,00
	Итого:						2 444 000,00

5.6. Номоддий активлар бўйича қолдиқларни киритиш (Ввод остатков по нематериальным активам) хужжати

Номоддий активлар бўйича қолдиқларни киритиш (*Ввод остатков по нематериальным активам*) хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Сўнгра яратилган хужжатда қуйидаги майдонларни киритинг:

Хужжатнинг тепа қисми:

- ***Номери***: *автоматик равишда тўлдирилади*.
- ***Дата (Сана)***: *31.12.2009*
- ***Счет***: *Дастурий таъминот*

Хужжатнинг жадвал қисми:

Янги қаторлар ҳосил қилинг ва унинг қуйидаги устунларини тўлдиринг:

Қатор № 1:

- ***Нематериальный актив (Номоддий актив)*****:** *«Программное обеспечение» папкасида янги номоддий актив хосил қилинг.*
Товар-моддий заҳираларни сотиш баҳосини киритиш (*устама баҳо билан*) **«Сотиш баҳосини белгилаш»** ҳужжати асосида амалга оширилади. Бу ҳужжат «ТМЗ қолдиқларини киритиш» (*чакана баҳода сотиш учун*), «ТМЗ кирими юкхати» (*чакана баҳода сотиш учун*), «Счёт-фактура юкхати» ва «ТМЗнинг кўчирилиши» ҳужжатларидан олдин тузилади. Ҳужжат қуйидагиларни акс эттиради:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси ва вақти;

в) сақлаш жойи (*танлов «Сақлаш жойи» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) «тўлдириш» тугмаси — сақлаш жойининг белгиланган жойида сақланувчи ТМЗ ҳужжатининг жадвал қисмини тўлдиради;

д) ҳужжатга шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) номенклатура (*танлов «Товар-моддий заҳиралар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

б) улгуржи баҳоси;

в) чакана баҳо.

Ҳужжат ўтказмаларни шакллантирмайди ва босма шаклларга эга эмас. «***Реализация қилиш баҳоси***» регистри маълумотларига қайдлар киритилади.

Товар-моддий заҳираларни қайта баҳолаш **«ТМЗни қайта баҳолаш»** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагилардан иборат:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) сақлаш жойи (*танлов «Сақлаш жойи» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) харажатлар счёти — мазкур майдон таннархнинг камайиши ҳолатида тўлдирилади (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади, қайд қилинмасдан «9430»*);

л) харажатлар моддаси;

е) «чакана» белгиси — «янги баҳода» реализация қилиш баҳоси кўрсатилганини аниқлаш учун зарур, бошқа ҳолларда — бу

таннархининг

қийматини англатади;

ж) «тўлдириш» тугмаси — кўрсатилган сақлаш жойида сақланувчи ТМЗ ҳужжатининг жадвал қисмини тўлдиради;

з) ҳужжатга шарҳлар;

«***Баҳолар усули***» жадвал қисми:

а) номи (*танлов «Товар-моддий заҳиралар» маълумотномасидан амалга*

оширилади);

б) счёт — ТМЗнинг ҳисобини юритиш счёти (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) қолдиқ миқдори;

г) эски баҳоси — «чакана» белгиси ўчирилганда баҳолар маълумотномасининг «Сотиб олиш баҳоси» майдонида бўлади, ушбу баҳо бўйича қолдиқ мавжуд ҳолларда, «чакана» белгиси ёқилганда — «сотиб олиш баҳоси» майдонида бўлади — «Баҳолар» маълумотномасининг «Сотиш баҳоси» майдонида, ушбу баҳо бўйича қолдиқ мавжуд бўлган ҳолларда;

д) ТМЗнинг янги баҳоси;

е) эски сумма;

ж)янги сумма;

з) фарқи («янги сумма» - «эски сумма»).

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

1) агар «чакана» белгиси ёқилган бўлса; «янги баҳоси» «эски баҳо» («реализация баҳоси») дан кўп ёки баробар бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, янги баҳоси	Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, эски баҳоси	Эски суммаси, сони	
Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, эски баҳоси	Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, янги баҳоси	(Эски баҳоси (сотиш баҳоси) - эски баҳоси (харид баҳоси)) * қолдиқ сони, сон	
ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, янги баҳоси	Устама баҳо • ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, янги баҳоси	Янги сумма - эски сумма, сони	

2) агар «чакана» белгиси ёқилган бўлса; «янги баҳоси» «эски баҳо» («*реализация баҳоси*»)дан кам бўлса, аммо «эски баҳоси» («*сотиб олиш баҳоси*») дан кўп бўлса ёки «эски баҳоси» («*сотиб олиш баҳоси*»)га тенг бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, (янги) баҳоси	ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	Янги суммаси, сони	
Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, (янги) баҳоси	(Янги баҳоси - эски баҳоси (харид баҳоси)) * қолдиқ сони,сони	
Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	ТМЗ ҳисоб варақаси	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	Эски баҳоси - янги баҳоси, сони	

3) агар «чакана» белгиси ёқилган бўлса; «янги баҳоси» «эски баҳоси» («сотиб олиш баҳоси») дан кам бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ

ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, (янги) баҳоси	ТМЗ счёти	ТМЗ, саклаш жойи, (эски) баҳоси	Янги сумма, сони	
Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	ТМЗ ҳисоб варақаси	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	(Эски баҳоси (реализация баҳоси) - эски баҳоси (сотиб олиш баҳоси)) * қолдиқ сони, сони	
Харажатлар счёти	Субконто	ТМЗ ҳисоби счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	(Эски баҳоси (сотиб олиш баҳоси) - янги баҳоси) * сони, сони	

4) агар «чакана» белгиси ўчмрилган бўлса; «янги баҳоси» «эски баҳоси»дан кам бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изох
ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, (янги) баҳоси	ТМЗ счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	Янги сумма, сони	
Харажатлар счёти	Субкокто	ТМЗ счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, (эски) баҳоси	Эски сумма -янги сумма, сони	

«***FIFO/AVECO усули***» жадвал қисми:

а) номи (*танлов «Товар-моддий заҳиралар» маълумотномасидан амалга*

оширилади);

б) счёт — ТМЗ ҳисобини юритиш счёти (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) қолдиқ миқдори;

г) эски баҳоси — (*ТМЗ счёти бўйича сальдо / сони*);

д) ТМЗнинг янги баҳоси;

с) эски суммаси;

ж) янги суммаси;

з) фарқи *(«янги сумма» - «эски сумма»)*.

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради (*«AVECO» учун субконто «товар туркуми» мавжуд эмас*):

1) агар «чакана» белгиси ёқилган бўлса; «янги баҳоси» «эски баҳоси»дан кўп ёки тенг бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
ТМЗ ҳнсобини (оритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, партияси	Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, партияси	Янги сумма-эски сумма, сони	

2) агар «чакана» белгиси ёқилган бўлса; «янги баҳоси» «эски баҳоси»дан кам, аммо ((*ТМЗ счётининг сальдоси - 2980 счётининг сальдоси) / сони*)-дан кўп ёки тенг бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, партияси	ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, партияси	Эски сумма - янги сумма, сони	

3) агар «чакана» белгиси ёқилган бўлса; «янги баҳоси» (*ТМЗ счетининг сальдоси — 2980 счетининг сальдоси)* / сонидан кам бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
Устама баҳо ҳисобини юритиш счёти (2980)	ТМЗ, сақлаш жойи, партияси	ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш ЖОЙИ, партияси	(Эски суммаси - (ТМЗ счетининг сальдоси - 2980 счетининг сальдоси) / сони) * сони, сони	
Харажатлар счёти	Субконто	ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, партияси	((ТМЗ счетининг сальдоси - 2980 счетининг сальдоси) / сони) - янги баҳоси) * сони, сони	

4) агар «чакана» белгиси ўчирилган бўлса; «янги баҳоси» «эски баҳоси»дан кам бўлса:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ

Харажатлар счёти	Суб конто	ТМЗ ҳисобини юритиш счёти	ТМЗ, сақлаш жойи, партияси	Эски суммаси -янги сумма, сони	

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

- товарларни қайта баҳолаш инвентаризация руйҳати.

Мазкур қисмга тааллуқли ҳисоботлар:

• материал ҳисобот



— «1000», «2800», «2900», «9000» счётлардаги ТМЗ бўйича муайян даврдаги қолдиқлар ва айланмаларни акс эттиради;

• прайс-лист.

12-БОБ. Кадрлар бўлими ишини юритиш

12.1. Кадрлар бўлими ишининг ташкил қилиниш

Кадрлар бўлими ишини юритишда **БЭМ** дастури қуйидагилар билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириши мумкин:

- ❖ *Ишга қабул қилиш*
- ❖ *Ходимни бошқа ишга ўтказиш*
- ❖ *Ходимни ишдан бўшатиш*
- ❖ *Табель юритиш*



1. Янги ходимларни ишга олиш «***Ишга қабул қилиш***» **-** ***Прием на работу*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагиларни акс эттиради:

«***Асосий***» варағи:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) ишга қабул қилинаётган ходим (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) ходим ишга олинадиган бўлим (*танлов «Бўлимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

д) ходим ишга олинадиган лавозим (*танлов «Штатлар жадвали» маълумотномаси регистри асосида шаклланувчи лавозимлар руйҳати асосида амалга оширилади*);

е) иш вақти графиги — лавозим кўрсатилгандан кейин мазкур майдон

автоматик тарзда тўлдирилади (*танлов ташкилотдаги иш графикларининг турлари асосида шаклланувчи ва танлаб олинган лавозимга*

тааллуқли руйҳат асосида амалга оширилади);

ж) ходим категорияси — лавозим кўрсатилгандан кейин мазкур майдон

автоматик тарзда тўлдирилади;

з) маош — лавозим кўрсатилгандан кейин мазкур майдон автоматик

тарзда тўлдирилади;

и) ставка — ходимни ишга қабул қилишда ташкилот томонидан унга белгиланган ставка миқдори;

к) «фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича» белгиси - ходимнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишга қабул қилинганлигини

билдиради. Ушбу белги «ходим» майдони тўлдирилган тақдирда акс эттирилади;

л) «касаначи» белгиси - ходимнинг уйда иш билан банд эканлигини кўрсатади;

м) ҳужжатга шарҳлар;

«***Хисоб-китоб турлари***» варағи:

а) «тўлдириш» тугмаси — «Асосий ҳисоб-китоб турлари» маълумотномасидан ҳужжатнинг жадвал қисмини ҳисоб турлари билан тўлдирилади (*жадвал қисми қайд қилинмасдан тўлдирилган*);

Жадвал қисми:

а) ҳисоб-китоб турлари — ҳисоб-китоб турларининг номи (*танлов «Ҳисоб-*

китоб турлари» маълумотномасидан амалга оширилади);

б) тақсимлаш усуллари (*танлов «Тақсимлаш йўллари» маълумотномаси*

дан амалга оширилади);

в) ҳақиқий — мазкур ҳисоб-китобнинг ҳақиқий эканлигини кўрсатади;

г) даврнинг бошланиши — ҳисоб-китобнинг бошланиш санаси;

д) даврнинг охири — ҳисоб-китобнинг тугаш санаси;

е) фоизи — ҳисоб-китобни амалга ошириш даврида фойдаланиладиган
фоиз;
ж) суммаси — ҳисоб-китобни амалга ошириш даврида фойдаланилади
ган сумма;
з) лавозим бўйича — агар «ҳа» бўлса, бу ходимнинг ҳар бир лавозимида
бир ҳисоб-китоб турини ташкил қилишга олиб келади *(«Маошни ҳисоб-китоб қилиш» ҳужжатини тўлдириш пайтида*).

Ҳужжат ўтказмаларни шакллантирмайди. «***Кадрлар бўлими***» ва «***Ҳисобнинг режали турлари***» маълумот регистрларига қайдлар киритилади.

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

- ишга қабул қилинганлик ҳақида буйруқ;
- шахсий варақа;
- ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

2. Ходимни бошқа ишга ўтказиш, ходимнинг лавозими, иш графиги ёки бўлими ўзгарганда **«*Ходимни бошқа ишга ўтказиш*» - *Перевод сотрудника на другую работу*** ҳужжати тузилади ва у ташкилотда ходим лавозимининг ўзгаришини қайд қилишга хизмат қилади. Ҳужжатда қуйидагилар кўрсатилади:

а) ҳужжат рақами;
б) ҳужжат санаси;
в) лавозими ўзгарадиган ходим (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан*

амалга оширилади);

г) ишга қабул қилинди — ходим ишга қабул қилинганлигини кўрсатувчи «Ишга қабул қилиш» ҳужжати (*танлов «Ишга қабул қилиш» ҳужжати асосида шаклланадиган тушиб қолувчи руйҳат орқали амалга оширилади*).

Янги маълумотлар:

а) ходим ўтказиладиган бўлим (*танлов «Бўлимлар» маълумотномасидан*

амалга оширилади);

б) ходим ўтказиладиган лавозим (*танлов «штатлар руйҳати» маълумотлари регистри асосида лавозимлар руйҳатидан амалга оширилади*);

в) иш вақтининг графиги — лавозим кўрсатилгандан кейин мазкур майдон

автоматик тарзда тўлдирилади (*танлов муайян лавозим бўйича ташкилотдаги иш графиги турлари асосида руйҳатдан амалга оширилади*);

г) ходим категорияси — лавозим кўрсатилгандан кейин мазкур майдон

автоматик тарзда тўлдирилади;

д) маош — лавозим кўрсатилгандан кейин мазкур майдон автоматик тарзда тўлдирилади;

е) ставка — ташкилотда ходимнинг иши ўзгаргандан кейин унга белгиланган ставканинг миқдори;

Олдинги маълумотлар (*мазкур устун таҳрир қилинмайди, унда ходимнинг иши ўзгаришидан олдинги маълумотлар акс эттирилади*):

а) бўлим;

б) лавозим;

в) иш вақтининг графиги;

г) ходимнинг категорияси;

д) маош;

е) ставка;

ж) ҳужжатга шарҳлар.

Ҳужжат ўтказмаларни шакллантирмайди. «Кадрлар бўлими» маълумотлар регистрига қайдлар киритилади.

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

• ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

3. Ходимнинг ташкилотда ишдан бўшатилиши «***Ходимнинг бўшатилиши» - Увольнение работника*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар ифодаланади:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) ишдан бўшатилаётган ходим (*танлов корхона штатида мавжуд ходимларни «Ишга қабул қилиш» ҳужжати асосида шаклланадиган руйҳатга биноан амалга оширилади*);

г) ишга қабул қилинди — ходимни ишга қабул қилинганлигини кўрсатувчи «Ишга қабул қилиш» ҳужжати (*танлов «Ишга қабул қилиш» ҳужжати асосида шаклланадиган руйҳат орқали амалга оширилади*);

д) ишдан бўшатиш сабаби — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати *(«ўз хоҳиши билан», «модда бўйича», «қисқартириш бўйича»);*

е) ҳужжатга шарҳлар;

Ходимнинг бўшатилишидан олдинги маълумотлари:

а)бўлими;

б) лавозими;

в) иш графиги;

г)категорияси;

д) маоши;

е)ставкаси;

ж) ҳужжатга шарҳлар.

Ҳужжат ўтказмаларни-шакллантирмайди. «Кадрлар бўлими» ва «Ҳисобнинг режа турлари» маълумотлари регистрида ёзувлар қилинади.

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

- меҳнат шартномасининг тўхтатилиши ҳақидаги буйруқ;
- ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

4. Ташкилотда ишлаган вақт табелини тўлдириш **«Табель»** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагилардан иборат:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси - маълумотлар тўлдириладиган ойни белгилаб беради;

в) табель тўлдириладиган бўлим;

г) «тўлдириш» тугмаси - ҳужжат санасида белгиланган бўлим ҳисобида

турувчи ходимлар ҳужжатининг жадвал қисмини тўлдиради;

д) «барча устунларни кўрсатиш» тугмаси — «касаллик варақаси бўйича

кунлар», «таътил кунлари», «иш графиги», «ставка», «бўлим», «лавозим» устунларини акс эттиради;

е) «ҳисоблаш» тугмаси — касаллик варақаси кунлари, таътил кунларини

ҳисоблайди;

ж) ҳужжатга шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) таб. № — ходимнинг табелдаги номери;

б) ходим;

в) факт, кунлар — жорий ойда амалда ишлаган кунлар;

г) факт, соатлар — жорий ойда амалда ишлаган соатлар;

д) дам олиш ва байрам соатлари — ходимлар қўшимча ишлаган байрам

ва дам олиш соатлари;

е) тунги соатлар — ходим қўшимча ишлаган тунги соатларнинг миқдори;

ж) касаллик варақаси бўйича кунлар — ходимнинг иш графигига тушувчи касаллик варақаси бўйича кунлар миқдори;

з) таътил бўйича кунлар — ходимнинг иш графигига тушувчи таътил

кунларининг миқдори;

и) берилган ойдаги ишининг бошланиш санаси;

к) берилган ойдаги ишининг тугаши санаси;

л) ходимнинг жорий ойдаги иш графиги;

м) ҳужжат — мазкур ходим унинг асосида ишга қабул қилинган «***Ишга қабул қилиш***» ҳужжати;

н) ставка — жорий ойда ташкилотда ходим эгаллаб турган ставка миқдори;

о) бўлим — ходим ишлаган бўлим;

п) лавозим — ходим эгаллаб турган лавозим.

Ҳужжат ўтказмаларни шакллантирмайди. «Табель» маълумотлари регистрида ёзувлар қилинади.

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

- табель;
- ҳужжат ҳаракати,

Мазкур қисмга тааллуқли ҳисоботлар:

- меҳнат шартномаси - шартнома шаблони;
- касаначилар билан меҳнат шартномаси - шартнома шаблони.

Навбатдаги ишимиз кадрлар бўлими ишини **БЭМ** дастури воситасида амалга ошириш бўйича амалий мисолни кўриб чиқиш бўлади. Кадрлар бўлими бўйича ишларни юритиш чап панелдаги ***Кадрлар бўлими (Отдел кадров)*** варағи ёрдамида амалга оширилади.

12.2. Ходимлар (Сотрудники) маълумотномаси

***Ходимлар (Сотрудники*)** маълумотномасини очинг ва маълумотноманинг «*Мухаммедов А.З.*» элементини ўзгартиринг. Очилган дарчадаги қуйидаги майдонларни тўлдиринг:

Қўшимча (Дополнительные) вараға:

- ***СТИР (ИНН)***: *125478896*
- ***Шахсий нафақа пенсия счети коди (Код ИНПС):*** *52147878992114*
- ***ИНПС ўтказиладиган банк (Банк для перечисления ИНПС):*** *Миробод тумани Халқ банки*
- ***Аванс хисоблансин (Начислять аванс):*** *байроқча ёқилган*

Даромадлар (Доходы) вараға:

Улагични ***Бизнинг ташкилот (Наша организация)*** га ўрнатиб, янги қатор қушинг ва қуйидаги устунларни тўлатинг:

- ***Ой (Месяц)***: *31.12.2009*
- ***Хисоб тури (Вид расчета):*** *Мукофот*
- ***Сумма****: 30 000,00*

Пластик карталар (Пластиковые карты) вараға

- ***Карточкага ўтказилсин (Перечислять на карточку)***: *байроқча ёқилган*
- ***Карточкага ўтказиладиган сумма (Сумма, перечисляемая на карточку):*** *0,00*
- ***Карточкага хисобланадиган фоиз (Процент, перечисляемый на карточку):*** *20,00*

Янги қатор яратинг ва қуйидаги устунларни тўлатинг:

- ***Номер***: *20120125224533545763*
- ***Ҳисоб рақами (Расчетный счет):*** *45454564546545645456*
- ***Карточка:*** *Виза кард.*
- ***Банк:*** *Уз ПСБ*

Энди ***Пул ўтказиладиган карточка (Карточка, на которую перечисляются деньги)*** майдони яратилган карточкани фиксация қилиб, **ОК** тугмачасини босинг.

12.3. Мансаблар (Должности) маълумотномаси

Мансаблар (Должности) маълумотномасини очинг ва унда янги элементлар хосил қилинг.

Мансаб № 1:

- ***Код***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Номи (Наименование):*** *Директор*
- ***Харажатлар тақсимланиш усули (Способ распределения затрат):*** *9420*
- ***Категория:*** *Раҳбар*

Яратилган элементни сақлаб қўйинг.

Мансаб № 2:

- ***Код***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Номи (Наименование):*** *Бош бухгалтер*
- ***Харажатлар тақсимланиш усули (Способ распределения затрат):*** *9420*
- ***Категория:*** *Раҳбар*

Яратилган элементни сақлаб қўйинг.

Мансаб № 3:

- ***Код***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Номи (Наименование):*** *Кассир*
- ***Харажатлар тақсимланиш усули (Способ распределения затрат):*** *9420*
- ***Категория:*** *Техник ходим*

Яратилган элементни сақлаб қўйинг.

Мансаб № 4:

- ***Код***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Номи (Наименование):*** *Тикувчи*
- ***Харажатлар тақсимланиш усули (Способ распределения затрат):*** *2010*
- ***Категория:*** *Ишчи*

Яратилган элементни сақлаб қўйинг.

12.4. Штатлар руйҳати (Штатное расписание) маълумотлар регистри

Штатлар руйҳати (Штатное расписание) маълумотлар регистрини очинг ва унда янги қаторлар хосил қилинг.



Сўнгра қуйидаги устунларни тўлатинг:

Қатор № 1:

- ***Сана (Дата)***: *31.12.2009*
- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени):*** *Беш кунлик*
- ***Мансаб (Должность):*** *Директор*
- ***Иш хақи (Оклад):*** *150 000,00*

Қатор № 2:

- ***Сана (Дата)***: *31.12.2009*
- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени):*** *Беш кунлик*
- ***Мансаб (Должность):*** *Бош бухгалтер*
- ***Иш хақи (Оклад):*** *100 000,00*

Қатор № 3:

- ***Сана (Дата)***: *31.12.2009*
- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени):*** *Беш кунлик*
- ***Мансаб (Должность):*** *Кассир*
- ***Иш хақи (Оклад):*** *70 000,00*

Қатор № 4:

- ***Сана (Дата)***: *31.12.2009*
- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени):*** *Беш кунлик*
- ***Мансаб (Должность):*** *Тикувчи*
- ***Иш хақи (Оклад):*** *90 000,00*

12.5. Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжати

Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Хосил бўлган хужжатда қуйидаги майдонларни тўлдиринг:

Асосий (Основная) вараги

- ***Номер***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Сана (Дата):*** *31.12.2009*
- ***Ходим (Сотрудник):*** *Мухаммедов А.З.*
- ***Бўлим (Подразделение):*** *«АУП» деб номланган янги бўлим хосил қилинг.*
- ***Мансаб (Должность):*** *Директор*

- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени)****: Беш кунлик*
- ***Категория****: Раҳбар*
- ***Иш хақи (Оклад)****: 150 000,00*
- ***Ставка****: 1,00*

Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжати

Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Хосил бўлган хужжатдаги майдонларни тўлатинг:

Асосий (Основная) вараѓи

- ***Номер***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Сана (Дата):*** *31.12.2009*
- ***Ходим (Сотрудник):*** *Юсупова Л.К.*
- ***Бўлим (Подразделение):*** *«АУП»*
- ***Мансаб (Должность):*** *Бош бухгалтер*
- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени)****: Беш кунлик*
- ***Категория****: Раҳбар*
- ***Иш хақи (Оклад)****: 100 000,00*
- ***Ставка****: 1,00*

Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжати

Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Хосил қилинган хужжатдаги майдонларни тўлдиринг:

Асосий (Основная) вараѓи:

- ***Номер***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Сана (Дата):*** *31.12.2009*
- ***Ходим (Сотрудник):*** *Ахмедов О.З..*
- ***Бўлим (Подразделение):*** *«АУП»*

- ***Мансаб (Должность):*** *Кассир*
- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени)****: Беш кунлик*
- ***Категория****: Мутаҳассис*
- ***Иш хақи (Оклад)****: 70 000,00*
- ***Ставка****: 1,00*

Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжати

Ишга қабул қилиш (Прием на работу) хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Хосил қилинган хужжатдаги майдонларни тўлдиринг:

Асосий (Основная) вараҳи:

- ***Номер***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Сана (Дата):*** *31.12.2009*
- ***Ходим (Сотрудник):*** *Янги ходим яратинг:*

Абдуллаева Иноғам Ибрагимовна

- ***Бўлим (Подразделение):*** *Тикув цехи*
- ***Мансаб (Должность):*** *Тикувчи*
- ***Иш вақти графиги (График рабочего времени)****: Беш кунлик*
- ***Категория****: Ишчи*
- ***Иш хақи (Оклад)****: 90 000,00*
- ***Ставка****: 1,00*

12.6. Ходимлар (Сотрудники) маълумотлар регистри

Ходимлар (Сотрудники) маълумотлар регистрини очинг ва унда янги қатор яратинг ва ундан сўнг, қуйидаги устунларни тўлатинг:

- ***Сана (Дата)***: *31.12.2009*
- ***Ходим (Сотрудник):*** *Мухаммедов А.З.*

- ***Ходим КНП си (КНП сотрудника):*** *Афғонистонда хизмат қилган (бу категориядаги хизматчилар учун солиқдан афзалликлар киритилган)*
- ***Нафақахўр (Пенсионер):*** *Йўқ*
- ***Алимент тўлайдиган (Алиментщик)****: Йўқ*
- ***Ўриндош (Совместитель)****: Йўқ*
- ***Максимал ставка бўйича даромад солиғи ставкаси (Подоходный налог по максимальной ставке):*** *Йўқ*
- ***Касаба уюшмага аъзо эмас (Не состоит в профсоюзе)****: Йўқ*
- ***Жамғарма пенсия фондига тўламайди (Не плати на ИНПС)****: Йўқ*

13-БОБ. Иш хақини ҳисоблаш

13.1. Иш хақини ҳисоблаш модулининг имкониятлари

Ушбу ходимларнинг иш хақини ҳисоблаш модули қуйидаги имкониятларни амалга ошириб бериши мумкин:

- *Иш ҳақини ҳисоблаш*
- *Табель*
- *Тўлов қайдномаси*
- *Пластик карточкалар орқали тўловлар*
- *Бир маротабали маблағларни киритиш*
- *Алиментларни ушлаб қолиш*
- *Касаллик варақаси*
- *Таътил пулларини ҳисоблаш*
- *Бўнак ҳисоботи*
- *Ҳисобнинг режали турларини киритиш*



1. Иш ҳақини тўлашнинг умумий ҳисоби ***«Иш ҳақини ҳисоблаш» - Расчет заработной платы*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжат қўшимчалар киритиш, сатрларни ўчириш имкониятини бермайди, уни фақат таҳрир қилиш мумкин. Ҳужжат қуйидагиларни акс эттиради:

а) ҳужжат раками;

б) ҳужжат санаси;

в) «тўлдириш» тугмаси — ходимларга боғлиқ ҳисоб турлари ва иш вақтининг табелини назарга олиб, ҳужжатнинг жадвал қисми тўлдирилади;

г) «ҳисоблаш» тугмаси — тўлдирилган маълумотлар асосида маблағларни ҳисоблайди;

Асосий варағи:

а) бўлимлар — ҳужжатнинг жадвал қисмини тўлдириш учун зарур бўлган бўлимнинг номи;

б) «тўлдириш» тугмаси — ҳар бир ходим учун ҳисоб-китоб тури ва иш вақти табелини назарга олиб, ҳужжатнинг жадвал қисми тўлдирилади;

в) «ҳисоблаш» тугмаси — тўлдирилган маълумотлар асосида маблағларни ҳисоблайди;

г) ҳужжатга шарҳлар;

«***Йиғилган жадвал***» варағи:

Маълумотларни иш ҳақини ҳисоблаш китоби шаклида акс эттиради. Маълумотлар ахборот тусида бўлиб, таҳрир қилинмайди. Жадвалдаги маълумотлар тўлиқ «***Йиғма жадвал***» варағи ва ходимларнинг ҳисоб варақалари қолдиқлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Жадвал қисмида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

а) «*ҳисоб-китобнинг барча турларини кўрсатиш*» тугмаси — жадвалда

ҳисоб-китоб суммаси «0» га тенг бўлган ҳисоб-китоб турлари акс эттирилмаганлиги сабабли, ушбу тугма уларни акс эттиришга имкон

беради;

б) ходимнинг табель рақами;

в) ходим;

г) бошланғич сальдо — корхона ҳисобига;

д) бошланғич сальдо - ходим ҳисобига;

е) ҳақиқатда ишлаган кунлар;

ж) ҳақиқатда ишлаган соатлар;

з) устамалар: «устама турлари»;

и) жами ҳисобланган;

к) жами тўланиши лозим;

л) тўланди;

м) бўнак;

н) ушланма ва ажратмалар: «ушланма **ва ажратма турлари»;**

о) охирги сальдо — корхона ҳисобига;

п) охирги сальдо — ходим ҳисобига;

р) йил давомида олинган даромад;

с) лавозим;

т) бўлим;

«***Йиғма жадвал***» варағи:

Хисоб-китоб қилишда иштирок этган ходимлар бўйича ҳисоб-китоб турларини (*сатрма-сатр*) акс эттиради, бунда ушбу сатрни ҳисоб-китоб қилишда ишлатиладиган қўшимча маълумотлар акс эттирилади. Сатрдаги маълумотларни бир қисми таҳрир қилиш учун очиқ бўлади, шу боис сумма ва фоизларни таҳрир қилиш имкониятини вужудга келтиради. Аммо жадвал қисми қайта тўлдирилганда ва ҳисоблаганда таҳрир қилинаётган маълумотлар сақланмайди. Жадвал қисмида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

а) «*барча устунлар*» тугмаси — босгандан кейин жадвал қисмида қуйидаги устунлар акс эттирилади: «бўлинма», «ишга қабул қилиш», «лавозим», «график», «график бўйича кунлар», «график бўйича соатлар»;

б) *ўчирилган* — ҳужжатда қўшимчалар киритиш, сатрларни ўчириш ман

қилиниб, айни пайтда ҳужжатнинг иш ҳолатини вақтинча ўчириш имконияти берилган. Бу, ўз навбатида, сатрларга киритилган маълумотларни ўчирмасдан туриб, уларни ҳужжатнинг ҳисоб-китобидан чиқариш имкониятини яратади. Вақтинчалик ўчириш ҳисоб-китобни амалга ошириш учун фойдаланилган базавий маълумотларни текшириш имкониятини ҳам яратади;

в) ташкилот ходими;

г) ҳисоб-китоб ойининг охирида ходимнинг маоши;

д) ставка — ходим ташкилотда эгаллаб турган ставка миқдори;

е) факт бўйича кунлар — ходимнинг амалда ишлаган кунлари миқдори.

«Табель» ҳужжати асосида тўлдирилади;

ж) факт бўйича соатлар — ходимнинг факт бўйича ишлагай кунларининг миқдори. «Табель» ҳужжати асосида тўлдирилади;

з) ҳисоб-китоб тури - ушбу сатр бўйича маблағни ҳисоб-китоб қилиш тарзи аниқланади;

и) бўлим — ходимга иш ҳақи ҳисобланаётган охирги ойда ишлаётган бўлими;

к) дастлабки сумма — базавий сумма;

л) фоиз;

м) сумма — ҳисоб-китоб суммаси, у белгиланган ҳисоб тури бўйича асосий воситадан ҳисобланади;

н) асос бўлувчи ҳужжат — мазкур сатр қайси ҳужжат асосида тузилганини кўрсатади;

о) ишга қабул қилиш — ходим қайси қужжат асосида ишга қабул қилинганлигини билдиради. «Ишга қабул қилиш ҳужжати»дан тўлдирилади;

п) ходимнинг лавозими. Ўтказмаларни шакллантиришда фойдаланилади;

р) график — ходимнинг иш вақти графиги;

с) график бўйича кунлар — ой давомидаги режага киритилган кунларнинг миқдори. «Иш вақтининг графиги» маълумотномаси асосида тўлдирилади.

т) график бўйича соатлар — ой давомидаги режага киритилган соатларнинг миқдори. «Иш вақтининг графиги» маълумотномаси асосида тўлдирилади.

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

Ўтказмалар «***Йиғма жадвал***» варағидаги мавжуд ходимларга ҳисобланган иш ҳақи турлари асосида ташкил қилинади. Ходим сатрида «*нолдан фарқ қилувчи мусбат сумма*» бўлган ҳолатда, ходим иш ҳақини ҳисоблаш жадвалнинг сатрига киритилганлигини билдиради. Ўтказмалар ҳисоб-китоб турининг тақсимлаш тарзига асосан белгиланган тартибда тузилади. Шу билан бирга ўтказмаларни тузишда ҳисобда иштирок этаетган счёт ҳақида, счетнинг доимий тури ва лавозим бўйича (*сатрда кўрсатилган*) тармоқдаги таҳлили ҳақида қўшимча маълумотдан фойдаланиш мумкин.

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар

- ҳисоб-китоб варақалари;
- иш ҳақини ҳисоблаш дафтари;
- ҳужжатнинг ҳаракати.

2. Ташкилотда ишланган вақт табелини тўлдириш **«Табель»** ҳужжати ёрдамида амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар мавжуд: («*Кадрлар бўлими»га қаранг*).

3. Ходимларга пул тўлаш **«*Тўлов қайдномаси» - Платежное требование*** ҳужжатига асосан амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар мавжуд: («*Касса»га қаранг*).

4. Ташкилот ходимларининг пластик карточкаларига пул ўтказилиши **«*Пластик карточкалар орқали тўловлар» - Оплата по***

пластиковым карточкам ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжатда қуйидагилар акс эттирилади:

а) ҳужжатнинг рақами;

б) ҳужжатнинг санаси;

в) ҳисоб-китоб тури (*танлов «Ҳисоб турлари» маълумотномаси асосида*

мавжуд руйҳат орқали амалга оширилади, унинг элементларида «тўлов» ҳисоб-китоби тури кўрсатилган);

г) бўлим (*танлов «Бўлимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

д) иш ҳақи счёти — иш ҳақи қайдномаси бўйича тўлов амалга оширишда ишлатиладиган счёт (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади, қайд қилмнмасдан «6710»);*

е) алоқа счёти (*корр. счёт*) — алоқаланувчи счёт (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади, қайд қилинмасдан «6990*»);

ж) яхлитлаш — маблағни тўлаш учун яхлитлаш. Вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати *(«Яхлитланмаган», «0 гача яхлитлаш», «10 гача яхлитлаш», «100 гача яхлитлаш», «1000 гача яхлитлаш*»);

з) асос — мазкур маблағ тўланадиган ой;

и) «солиқ ҳисобланадиган даромад» белгиси — «Ишчи ходимларга тўланадиган маблағлар ҳақидаги маълумотлар» статистик ҳисоботини тўлдириш учун зарур, яъни тўланадиган

солиқ ҳисобланадиган даромад санаси ва пул маблағи бўйича маълумотни очиб бериш учун ишлатилади;

к) «тўлдириш» тугмаси — ҳужжатнинг жадвал қисмини қуйидаги маълумотлар билан тўлдиради:

— *агарда тўлов тури «бўнак» бўлса:*

√ агар «***Ходимлар***» - ***Сотрудники*** маълумотномасида ходимнинг «пластик карточка» варағининг «карточкага ўтказиладиган фоиз» майдонида фоиз кўрсатилган бўлса, у ҳолда «бўнакдан фоиз» танланади;

√ агар «***Ходимлар***» маълумотномасида ходимнинг «пластик карточка» варағининг «карточкага ўтказиладиган сумма» майдонида «сумма» кўрсатилган бўлса, у ҳолда «бўнак суммаси» танланади;

√ агарда «карточкага ўтказиладиган фоиз» варағида хам, «Карточкага ўтказиладиган сумма» майдонида ҳам бирон бир кўрсаткич мавжуд бўлмаса, у ҳолда «пластик карточкага ушлаб қолиш фоизи» майдонидаги константадан фоиз олинади;

— тўловларнинг бошқа турлари (*бўнакдан ташқари*):

√ агар ходимга «Ходимлар» маълумотномасида, «пластик карточка» варағида, «карточкага ўтказиладиган фоиз» майдонида % кўрсатилган бўлса, бундай ҳолда ҳужжат шакллантириш санасидаги иш ҳақи счётининг сальдоси * «карточкага ўтказиладиган фоиз» қужжатдан % миқдори / 100 олинади;

√ агар ходимга «Ходимлар» маълумотномасида, «пластик карточка» варағининг «карточкага ўтказиладиган сумма» майдонида сумма кўрсатилган бўлса, «карточкага ўтказиладиган сумма» майдонидан маълумот олинади, агарда у иш ҳақи ҳисоби бўйича сальдодан кўп бўлмаса. Агар сумма ундан кўп бўлса, у ҳолда сальдони олиш лозим;

√ агар ҳам «карточкага ўтказиладиган фоиз», ҳам «карточкага ўтказиладиган сумма» майдонида бирон-бир кўрсаткич мавжуд бўлмаса, у ҳолда «пластик карточкага ўтказиладиган фоиз» майдонида константадан фоиз қуйидаги алгоритм бўйича олинади: ҳужжат шакллантириш санасидаги иш ҳақи счётининг сальдоси * мазкур майдондан % миқдори / 100;

л) ҳужжатга шарҳлар;

Жадвал қисми:

а)таб. № — ходимнинг табель рақами;

б) ходим (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в)маблағ;

г)пластик карточка — пластик карточканинг ҳисоб-китоб счёти.

Ҳужжат қуйидати ўтказмаларни шакллантиради:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Сумма	Изоҳ
Иш ҳақи	Субконто	Алоқа счёти (корр.	Субконто	Сумма	

Ҳужжатнинг босма шакллари:

- пластик карточкаларга тўлов қайдномаси;
- ҳужжат ҳаракатланиши.

5. Деярли барча ҳисоблашлар ва ушланмалар **«*Бир маротабали ҳисоблашларни киритиш» - Ввод одноразовых расчетов*** ҳужжати кўмагида амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагилардан иборат:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) бўлим (*танлов «Бўлим» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) ҳисоб-китоб тури — ҳар ойда ставкаси ёки фоизи ўзгариб турувчи ёки

доимий бўлмаган ҳисоблаш ва ушланма турлари. Тўловлар ёки ажратмалар бўлган ҳисоб-китоб турлари бундан мустаснодир, шу билан бирга, «Даромад солиғини ҳисоблаш», «ШЖБПС», Маош бўйича» ҳисоб-китоб турлари (*танлов «Ҳисоб турлари» маълумотномасидан амалга оширилади*);

д) ҳисоб-китобнинг танланган тури бўйича суммани қайд қилиш. «Қабул

қилиш» тугмаси — майдонда кўрсатилган тегишли устун майдонини кўрсаткич билан тўлдиради;

е) ҳисоб-китобнинг танланган тури бўйича фоизни қайд қилиш. «Қабул

қилиш» тугмаси — майдонда кўрсатилган тегишли устун майдонини кўрсаткич билан тўлдиради;

ж) ҳисоб-китобнинг танланган тури бўйича кунларни қайд қилиш. «Қабул қилиш» тугмаси — майдонда кўрсатилган тегишли устун майдонини кўрсаткич билан тўлдиради;

з) ҳисоб-китобнинг танланган тури бўйича соатларни қайд қилиш. «Қабул

қилиш» тугмаси — майдонда кўрсатилган тегишли устун майдонини кўрсаткич билан тўлдиради;

и) «тўлдириш» тугмаси — ҳужжатининг жадвал қисмида белгиланган

бўлимда ишловчи ходимнинг исми шарифини тўлдиради;

к) ҳужжатга шарҳлар;

Жадвал қисми:

а) таб. № — ходимнинг табель рақами;

б) ходим (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

в) ишга қабул қилиш — ташкилотга ходимнинг ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат;

г) лавозим — ишга қабул қилиш ва белгиланган ходим ҳужжатини

танлаб олганда автоматик тарзда тўлдирилади;

д) ставка — ташкилотда ходим эгаллаб турган ставка миқдори;

е) ходим маоши;

ж) сумма — ҳисоб-китоб тури «қатъий белгиланган сумма» тарзида бўлса,

ушбу майдон акс эттирилади;

з) фоиз — бу майдон ҳисоб-китоб тури «фоиз» ёки «формула бўйича»

тарзида ифодаланган бўлса акс эттирилади (*агар формулада «фоиз» бўлса*);

и) кунлар — бу майдон ҳисоб-китоб тури «ҳақиқатда ишланган кунлар бўйича», «ишлаган кунлар бўйича» ёки «формула бўйича» ҳисоб-китоб тарзида ифодаланган бўлса акс эттирилади (*агар формулада «фактик кунлар» бўлса*);

к) соатлар — бу майдон ҳисоб-китоб тури «ишлаган соатлар бўйича», ёки «формула бўйича» ифодаланган бўлса акс эттирилади (*агар формулада «ҳақиқатда ишланган кунлар» бўлса*).

Ҳужжат ўтказмаларни шакллантирмайди.

Ҳужжатга илова қилинадиган босма шакллар:

• бир маротабали ҳисоблашларни киритиш.

6. Алиментларни ҳисоблаш **«*Алиментларни ушлаб қолиш»* - *Удержание алиментов*** ҳужжати орқали амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагилардан иборат:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) ҳисоб-китоб тури (*танлов «Ҳисоб турлари» маълумотномаси асосида*

руйҳат орқали амалга оширилади, унинг элементларида «ажратмалар» ҳисоб-китоб тури кўрсатилган);

г) алимент ушлаб қолинадиган ходим (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

д) алиментни олувчи (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга*

оширилади);

е) алиментнинг фоизи;

ж) алиментга ушланадиган сумма;

з) ҳужжатга шарҳлар.

Ҳужжатда ҳисоб-китоб тури, ҳисоб-китоб тарзига боғлиқ равишда фоиз ёки суммани кўрсатиш мумкин.

Ҳужжатнинг босма шакллари мавжуд эмас.

7. Касаллик варақаси учун ҳисоб-китоб «***Касаллик варақаси» - Болничный лист*** ҳужжати орқали амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагилардан иборат:

а) «*касаллик варақасини ҳисоблаш*» тугмаси - киритилган маълумотлар

асосида касаллик варақаси учун маблағни ҳисоблайди;

б) ҳужжатга шарҳлар;

«***Маълумотларни киритиш» - Ввод информации*** варағи:

а) ҳужжат раками;

б) ҳужжат санаси;

в) ходим (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) ишга қабул қилиш — ходим ташкилотта ишга қабул қилиниши ҳақидаги ҳужжат;

д) даврнинг бошланиши — касаллик варақаси очилиши санаси;

е) даврнинг охири — касаллик варақасини ёпиш санаси;

ж) ҳисоб-китоб тури — вариантларнинг қатъий белгиланган **руйҳати**

(«касаллик варақаси», «туғиш бўйича касаллик варақаси»);

з) касаллик варақаси берилган сана;

и) касаллик варақасининг серияси;

к) ташхиснинг коди — касаллик варақасидаги ташхис;

л) берилди — касаллик варақаси ким томонидан берилган;

м) ходимнинг меҳнат стажи (қайд қилинмасдан «О»);

н) касаллик варақасига ҳақ тўлаш фоизи (қайд қилинмасдан «1»);

«***Мукофот пули***» - ***Премиальные*** варағи:

Сўнгги 12 ойда ходимга ҳисобланган пул мукофотларини белгилаш учун хизмат қилади:

а) «1/12 пул мукофотлари» тугмаси — ҳужжатнинг жадвал қисмини автоматик тарзда «Ходимлар» маълумотномасидан «Даромадлар» варағи бўйича мукофот пуллари билан тўлдиради, агар ҳисоб-китоб тури «касаллик ва таътилларни ҳисоблаш учун» кўрсатилган бўлса;

Жадвал қисми:

а) пул мукофоти ҳисобланган ой;

б) 1/12 пул мукофоти — пул мукофотининг миқдори;

«***Хисоблаш жадвали***» варағи касаллик варақасида ҳар бир ойга касаллик учун ҳисобланган маблағ ҳақидаги маълумотни акс эттириш учун хизмат қилади:

а)ходимнинг жорий ойдаги маоши;

б)ой — касаллик варақаси берилган ой;

в)касаллик варақаси берилган ойдаги иш кунлари;

г) касаллик варақаси берилган ойдаги ўртача бир кунлик ставка;

д)касаллик кунлари — ҳисоб амалга оширилаётган ойдаги касаллик

кунларининг миқдори*;*

е)ҳисоб амалга оширилаётган ойдаги касаллик варақаси учун ҳисобланган сумма. Касаллик варақасини ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула орқали амалга оширилади: *ҳисоб амалга оширилаётган ойдаги касаллик варақаси учун ҳисобланган сумма = («маош» + «1/12 мукофот пули») / «режа кунларининг сони (ҳисобланаётган ойда)» * «касаллик кунларининг сони (ҳисобланаётган ойда)» * («касаллик фоизи» / 100).*

Ҳужжат ўтказмаларни шакллантирмайди.

Ҳужжатнинг босма шакллари:

- касаллик варақасини ҳисоб-китоб қилиш.

8. Таътилни ҳисоб-китоб қилиш **«Таътилни ҳисоб-китоб қилиш»** ҳужжати орқали амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагиларни акс эттиради:

а)«таътилни ҳисоблаш» тугмаси — киритилган маълумотлар асосида

таътил пулини ҳисоблайди;

б)ушбу ҳужжатга шарҳлар;

«***Маълумотларни киритиш***» варағи:

а) ҳужжат рақами;

б)ҳужжат санаси;

в) ходим (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга .оширилади*);

г) ишга қабул қилиш — ходимнинг ташкилотга ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат;

д) даврнинг бошланиши — таътилнинг бошланиши;

е) даврнинг тугаши - таътилнинг тугаш санаси;

ж) таътил тури — вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати («*таътил», «ўқув таътили», «ишдан бўшатилганда тўланадиган компенсация*»);

з) асосий таътил кунларининг миқдори;

и) жами таътил кунларининг миқдори;

к) асосий таътил суммаси;

л) қўшимча таътил суммаси;

м) таътил суммаси;

«***Мукофот пули***» варағи:

Сўнгги 12 ойда ходимга ҳисобланган пул мукофотларини белгилаш учун хизмат қилади:

а) «1/12 пул мукофотлари» тугмаси — ҳужжатнинг жадвал қисмини автоматик тарзда «Ходимлар» маълумотномасидан «Даромадлар» варағи бўйича мукофот пуллари билан тўлдиради, агар ҳисоб-китоб тури «касаллик ва таътилларни ҳисоблаш учун» кўрсатилган бўлса;

Жадвал қисми:

а) пул мукофоти ҳисобланган ой;

б) 1/12 пул мукофоти - пул мукофотининг миқдори;

«***Ҳисоблаш жадвали***» варағи: таътил тўғри келадиган ҳар бир ойдаги таътилга ҳисобланган маблағ ҳақидаги маълумотни акс эттириш учун хизмат қилади:

а) ходим маоши;

б) ҳисоблаш коэффициента;

в) ҳисобланадиган ойдаги ставканинг вир кунлик ўртача миқдори;

Жадвал қисми:

а) ой — таътил тўғри келадиган жорий ой;

б) таътил кунлари — мазкур ҳисоблаш ойига тўғри келадиган таътил кунларининг сони;

в) суммаси — ҳисобланаётган ойдаги таътил суммасининг жами. Таътил учун тўланадиган пулни ҳисоблаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади: *жорий давр учун таътил суммаси = («маош» + «1/12 пулли мукофот») / 25,4 * «таътил кунларининг сони (ҳисобланаётган ойда)».*

Ҳужжат ўтказмаларяи шакллантирмайди.

Ҳужжатнинг босма шакллари:

• таътил пулини ҳисоблаш.

9. Бўнак ҳисоботи ***«Бўнак ҳисоботи» - Авансовый отчет*** ҳужжати кўмагида бажарилади ва масъул шахсларга берилган маблағларни ҳисоблаш учун хизмат қилади. Ҳужжат қуйидагилардан иборат:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) ходим — масъул шахс (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

г) бўнакни бериш — хизмат сафари учун асос (*маблағни масъул шахсга топшириш*);

д) ҳужжатга шарҳлар;

«***Олди қисми***» варағи:

а) «*тўлдириш*» тугмаси -ходим ҳамда бўнак счётлари билан ҳужжатнинг

жадвал қисмидаги «Банк кўчирмаси», «Касса чиқим ордери», «Касса чиқим ордери (валютада)» маълумотлари орасида алоқа (корреспонция) да тўлдирилади;

б) ҳужжатнинг асоси — бўнак берилган ҳужжатнинг номери ва санаси;

в) кимдан олди — ҳужжатни танлаш вақтида майдон, асос қилиб олинган ҳужжатнинг номи билан тўлдирилади;

г) ҳужжат бўйича сумма;

д) ҳужжат бўйича валютадаги сумма;

е) валюта — валютанинг номи;

«***Орқа томони***» варағи:

а) хизмат сафарининг бошланиш даври;

б) хизмат сафарининг тугаш даври;

в) кунлар сони - хизмат сафари кунларининг сони. Хизмат сафари

кунларининг сони майдони автоматик тарзда тўлдирилади;

г) марказ — марказнинг номи (*танлов «Марказлар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

д) харажат тури - вариантларнинг қатъий белгиланган руйҳати («кундалик (норма бўйича)», «кундалик (нормадан кўп)», «квартира учун (нормадан кўп)», «квартира учун (норма бўйича)», «йўл харажатлари, (норма бўйича)», «йўл харажатлари (нормадан кўп)», «бўнак ҳисоботи бўйича бошқа турдаги тўловлар»), «Кундалик (норма бўйича)», «кундалик (нормадан кўп)» автоматик тарзда ҳисоб қилинади:

• кундалик (норма бўйича) = республикадаги энг кам иш ҳақи * , марказ коэффициенти * иш сафарининг миқдори;

• кундалик (нормадан кўп) = (соҳадаги энг кам иш ҳақи — республикадаги энг кам иш ҳақи) * марказ коэффициенти * иш сафари кунларининг сони;

е) асос бўлувчи ҳужжат — харажатнинг берилган тури бўйича бўнак берилган ҳужжат номери ва санаси (*танлов «олди томони» варағининг жадвал қисмида жойлашган ҳужжат асосида руйҳат бўйича амалга оширилади*);

ж) қарздорлик ҳисоби (*танлов «697*» счётининг қўшимча счётлари орқали амалга оширилади, қайд қилинмасдан «6970»*);

з) алоқа счёти (корр. счёт) — алоқаланувчи счёт (*танлов «Счётлар режаси» маълумотномасидан амалга оширилади*);

и) алоқа счёти субконто 1, 2, 3 — ҳисоб рақам таҳлили;

к) сумма;

л) валюта суммаси — агар «қарздорлик счёти» ёки «алоқа счёти (корр. счёт)»да валюта счёти кўрсатилган бўлса, мазкур майдонни таҳрир қилиш имконияти мавжуд;

м) валюта — валютанинг номи. Агар «қарздорлик счёти» ёки «Алоқа счёти (корр. счёт)»да валюта счёти кўрсатилган бўлса, мазкур майдонни таҳрир қилиш имконияти мавжуд (*танлов «Валюталар» маълумотномасидан амалга оширилади*);

н) берилган санадаги валюта курси — валютанинг номи кўрсатилгандан кейин мазкур майдон автоматик тарзда тўлдирилади;

о) кимга ва нима учун.

Ҳужжат қуйидаги ўтказмаларни шакллантиради:

Дт	Субконто	Кт	Субконто	Валюта	Сумма	Валюта суммаси	Изоҳ
Алоқа счёти (корр. счёт)	Субконто	Қарздорлик счети	Ходим	Валюта	Сумма	Валюта суммаси	
Қарздорлик счёти	Ходим	Қарздорлик счёти учун бўнак счётининг ҳисоби	Ходим		Сумма		Бўнакни ҳисоб-лаш суммаси

Ҳужжатнинг босма шакллари:

- бўнакни ҳисоблаш;
- ҳужжатнинг ҳаракатланиши.

10. Ҳисоб-китобнинг доимий турларини киритиш, яъни «***Маошни ҳисоблаш***» - ***Расчет заработной платы*** ҳужжатини тўлдиришда ишлатиладиган доимий маълумотларни киритиш «***Ҳисоб-китобнинг режали турларини киритиш» - Ввод плановых***

расчетов ҳужжати орқали амалга оширилади. Ҳужжат қуйидагиларни акс эттиради:

а) ҳужжат рақами;

б) ҳужжат санаси;

в) аҳамиятли сана — ҳужжатнинг жадвал қисмини маълумотлар билан

тўлдириш учун зарур. Маълумотлар кўрсатилган сана учун «ҳисоб-

китобнинг режали турлари» маълумотлари регистридан амалга оширилади;

г) ҳисоб-китоб тури — доимии ҳисоб-китоб тури (*танлов «Ҳисоб-китоб*

турлари» маълумотномасидан амалга оширилади). «*Ишлатиш*» тугмаси — жадвал қисмини майдонда кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

д) ходим — муайян ходим бўйича доимии ҳисоб-китоб турини йўлга

қўйиш имконини беради (*танлов «Ходимлар» маълумотномасидан*

амалга оширилади). «*Ишлатиш*» тугмаси — жадвал қисмини майдонда

кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

е) тақсимлаш тарзи — белгиланган ҳисоб-китоб турини ҳисоблаш учун

маблағларни тақсимлаш (танлов «Тақсимлаш йўллари» маълумотномасидан амалга оширилади). «Ишлатиш» тугмаси —

жадвал қисмини майдонда кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

ж) ҳақиқий — «**Иш ҳақини ҳисоблаш**» - ***Расчет заработной платы*** ҳужжатини тўлдириш вақтида ҳисоб-китобнинг мазкур туридан фойдаланишини кўрсатади. «Ишлатиш» тугмаси — жадвал қисмини майдонда кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

з) даврнинг бошланиши — ҳисоб-китоб тури ҳаракатининг бошланиш

санаси. «Ишлатиш» тугмаси — жадвал қисмини майдонда кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

и) даврнинг охири — ҳисоб-китоб тури ҳаракатининг тугаши санаси. «Ишлатиш» тугмаси — жадвал қисмини майдонда кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

к) фоиз — «фоиз бўйича» ёки «формула бўйича» ҳисоб-китоб тарзида қайд қилинмайдиган фоизи (*агар формулада «фоиз» бўлса*). «Ишлатиш» тугмаси — жадвал қисмини майдонда кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

л) сумма — «қатъий белгиланган сумма» ҳисоб-китоб тарзида қайд қилинмайдиган маблағи. «Ишлатиш» тугмаси — жадвал қисмини майдонда кўрсатилган миқдор билан тегишли устунни тўлдиради;

м) «тўлдириш» тугмаси — муҳим сана маълумотлари билан ҳужжатнинг жадвал қисмини тўлдиради;

Жадвал қисми (*жадвал қисмидаги устунларнинг маъноси ҳужжат бошидаги майдон ҳақидаги тавсифларга мос келади*):

а) ходим;

б) ҳисоб-китоб тури;

в) тақсимлаш усули;

г) ҳақиқий;

д) даврнинг бошланиши;

е) даврнинг тугаши;

ж) фоиз;

з) сумма;

и) лавозими бўйича — «***Иш ҳақини ҳисоблаш***» - ***Расчет заработной платы*** ҳужжатини тўлдириш вақтида ходимнинг ҳар бир лавозимига ҳисобнинг бир турини ташкил қилиш заруратини аниқлайди.

Ҳужжат ўтказмаларни шакллантирмайди ва босма шаклларига эга эмас.

Мазкур қисмга тааллуқли ҳисоботлар:

- ҳисоб-китоб варақалари;
- ажратмалар ва ушланмалар ҳисоб-китоби;
- даромад солиғи жадвали;
- иш ҳақи хисоб-китобини юритиш дафтари;
- даромадлар бўйича маълумотномалар;
- (ПД-5) даромадлари бўйича маълумотномалар;
- иш ҳақини тўлаш қайдномаси;
- 6710 счёти бўйича бош дафтар;
- ажратмалар, чегирмалар ва жамғармалар бўйича жамланма;
- хизмат сафари маблағларини ҳисоб-китобини юритиш журнали.

Энди иш хаққини ҳисоблаш жараёни **БЭМ** дастурий маҳсулоти ёрдамида қандай қилиб амалга оширилишини қадам-ба-қадам тартибда кўриб ва ўрганиб чиқамиз. Ушбу ҳисоб-китоб чап панелдаги ***Иш хақини ҳисоблаш (Расчет заработной платы)*** варағи воситасида амалга оширилади.

13.2. Хисоб-китоб турлари (Виды расчетов) маълумотномаси

Хисоб-китоб турлари (Виды расчетов) маълумотномасини очиб, унда янги элемент хосил қиламиз





ва сўнгра, очилган дарчадаги майдонларни тўлатамиз:

Асосий (Основная) вараға:

- ***Код***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Номи (Наименование):*** *Мукофот 30%*
- ***Хисоб-китоб тури (Тип расчета)****: Ҳисоблаш*
- ***БУ акс эттириш усули (Способ отражения БУ)****: Иш хақи ҳисоблаш*
- ***Фоиз (Процент по умолчанию)****: 30,00*
- ***Хисоб-китоб тури (Способ расчета)****: Фоизли*

Кириш (Вхождение) вараға

Қуйидаги қаторлар ёнидаги байроқчаларни ёқинг:

- ***Касаба уюшмага 1% (Отчисление 1% в профсоюз).***
- ***Иш хақидан 4% (Отчисление из зарплаты 4%).***
- ***Даромад солиғи (Подоходный налог).***
- ***Ягона ижтимоий тўлов (Единый подоходный налог).***
- ***Жамғарма пенсия фондига тўлов (Удержание на ИНПС).***

Фойдаланиладиган хисоб усули (Используемый вид расчета) вараға.

Қатор яратинг ва ***Фойдаланиладиган хисоб усули (Используемый вид расчета)*** устунида ***Маош бўйича (По окладу)*** шартини танланг. Сўнгра **ОК** тугмачасини босинг.

Бир марта ҳисобланиладиганларни киритиш (Ввод разовых начислений) хужжати

Бир марта ҳисобланиладиганларни киритиш (Ввод разовых начислений) хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Сўнгра хосил бўлган хужжатдаги қуйидаги устунларни тўлатинг:

Хужжатнинг тепа қисми:

- ***Номер***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Сана (Дата):*** *30.01.2010*
- ***Бўлим (Подразделение)****: АУП*
- ***Хисоб тури (Вид расчета)****: Мукофот 30%*
- ***Фоиз (Процент):*** *30,00 (автоматик равишда тўлдирилади)*

Хужжатнинг жадвал қисми:

Жадвал қисмини тўлдириш учун Тўлдирилсин (***Заполнить***) тугмачасини босинг.

Қатор № 1:

- ***Ходим (Сотрудник)***: *Мухаммедов А. З.*
- ***Ишга қабул қилинган (Прием на работу):*** *№ 1 сана 31.12.2009*
- ***Мансаби (Должность):*** *Директор*
- ***Ставка:*** *1,00*
- ***Маоши (Оклад):*** *150 000,00*
- ***Фоиз (процент):*** *30,00*

Қатор № 2:

- ***Ходим (Сотрудник)***: *Юсупова Л.К.*
- ***Ишга қабул қилинган (Прием на работу):*** *№ 2 сана 31.12.2009*
- ***Мансаби (Должность):*** *Бош бухгалтер*
- ***Ставка:*** *1,00*

- ***Маоши (Оклад):*** *100 000,00*
- ***Фоиз (процент):*** *30,00*

Қатор № 3:

- ***Ходим (Сотрудник)***: *Ахмедов О. З.*
- ***Ишга қабул қилинган (Прием на работу):*** *№ 3 сана 31.12.2009*
- ***Мансаби (Должность):*** *Кассир*
- ***Ставка:*** *1,00*
- ***Маоши (Оклад):*** *70 000,00*
- ***Фоиз (процент):*** *30,00*

Хужжатнинг бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширинг.

13.3. Касаллик варақаси (Больничный лист) хужжати

Касаллик варақаси (Больничный лист) хужжатини очинг ва янги хужжат яратинг. Ундан сўнг, хосил бўлган хужжатдаги майдонларни тўлатинг:

Маълумотларни киритиш (Ввод данных) вараги:

- ***Номер***: *автоматик равишда тўлдирилади*
- ***Сана (Дата):*** *14.01.2010*
- ***Ходим (Сотрудник):*** *Мухаммедов А.З.*
- ***Ишга қабул қилиш (Прием на работу):*** *№ 1 сана 31.12.2009*
- ***Давр боши (Начала периода):*** *12.01.2010*
- ***Давр охирги (Конец периода):*** *14.01.2010*
- ***Хисоб тури (Вид расчета)****: Касаллик варақаси*
- ***Берилган куни (Дата выдачи)****: 12.01.2010*
- ***Серия****:*

- ***Ташхис коди (Код диагноза)**:*
- ***Берилди (Выдан)**:*
- ***Иш стажи (Трудовой стаж)**: 20,00*
- ***Фоиз (Процент)**: 80,00*

Мукофотлар (Премии) варағи

Жадвал қисмини тўлдириш учун 1/12 мукофот (*1/12 премии*) тугмачасини туртинг. Шундан сўнг, 12 та қатор хосил бўлиб, улардан фақатгина №12 қатор тўлдирилган бўлади, бошқалари эса бўш бўладилар.

- ***Ой (Месяц)***: *2009 йил декабр*
- ***1/12 мукофот (1/12 премии):** 30 000,00*

Хисоб жадвали (Расчетная таблица) варағи:

Жадвал қисмини тўлдириш учун ***Касаллик варақаси ҳисоблансин (Рассчитать больничный)*** тугмачасини туртинг ва ундан сўнг, устунлардаги маълумотларни текшириб чиқинг:

- ***Маош (Оклад):** 150 000,00*
- ***Ой (Месяц)***: *2010 йил январ*
- ***Иш кунлари (Рабочие дни):** 20*
- ***Ўртача кунлик (Сред.днев.)***: *7 625,0000*
- ***Касаллик кунлари (Бол. дни***): *3*
- ***Сумма:** 18 300,00*

Маълумотлар киритиш (Ввод данных) варағига ўтинг ва унда «*Сумма: 18 300,00*» пайдо бўлганини кўринг. Хужжатнинг бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширинг.

13.4. Табель хужжати

